

ШАРК ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

4
9

СЕНТЯБРЬ



ТОШКЕНТ
1947

МУНДАРИЖА

	Бет
Ғ. Ғулом—Москвамиз. Ше'р	3
Р. Бобожон—Салом, пойтахт. Ше'р	5
Т. Тўла—Волоколамск тош йўли. Ше'р	6
А. Қаҳдор—Кўшчинор. Роман	9
Уйғун—Ҳаёт кўшиги. Пьеса	17
А. Фадеев—Ёш гвардия. Роман	34
В. Мильчаков—Икки ше'р	44
С. Қаландар—Биз Уролда. Повесть	48
М. Шайхзода—Низомий Ганжавий	56
Низомий Ганжавий—„Лайли ва Мажнун“дан парчалар	69
М. Ёнгин—„Москва“ тўплами ҳақида	78

РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Об'ек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Ғулом*, *Яшиқ Уйғун*, *Абдулла Қаҳдор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Самий Абдуллаев*. Мас'ул секретарь: *Ма'руф Ҳаким*.

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 9

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кыял Узбекистан“

Ташкент—1947

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:

Тошкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Босмага рухсат этилиди 6/Х-47 я. Р 05344. Қоғоз форматы 60×92/16. Босма листи 5. Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 3000. Изд. № 644. Баҳоси 5 сўм.

Тошкент, „Кыял Узбекистан“ ва „Правда Востока“ нашриёти басмаховаси. Заказ 1471.

462332

МОСКВАНИНГ 800-ЙИЛЛИГИГА

ГАФУР ҒУЛОМ

МОСКВАМИЗ

Улуғ Москвамиз — она бешиги,
Айниқса баланддир бизларга қадринг.
Сен очдинг бизларга бахтнинг эшигин,
Бу тали' — умрлар мазмунига тенг.

Қувонар оталар ўғил кўрганда,
— Наслимнинг жавҳари, қўлда асом,— деб,
Ўғиллар буйитдинг озод Ватанда,
Ҳарбири оламга бир зинату-зеб.

Тарихнинг ёдида қирқбиринчи йил,
Ноябрь ойининг олтинчи куни,
Олий Бош Қўмондон буйруғи блан,
Фашистнинг түзғиди кўкка тутуни.

Шунда олғи сафда биз комсомоллар,
Дарвозанг қўриқлаб қон ва жон бердик.
Гарчанд ҳалок бўлдик, дорга осилдик,
Яшасин Москвам—Ватаним дердик.

Асл ўғилларнинг бебаҳо хоки,
Муқаддас девордан эгаллайди жой.
Кимки сени деса, ғолиб Москвам,
Бошига солади соясин ҳумой¹.

Кремль куранти чалади гимн,
Ғурур кўкрагига беради оҳанг.
Фашизм устига юрган байроқлар,
Ҳамиша кўчирди юлдузингдан ранг.

¹ Хумой — бахт қуши.

Қизил майдон аро ухлаган зотнинг,
Орзусин оқлашга туғилганлармиз.
Ленин—Сталиннинг та'лимоти-ла
Жони ва виждони йўғрулганлармиз.

Москвам, гўзалсан, поксан, жонажон,
Сенда зояларнинг ўлмас ҳусни бор.
Садоқат—фарзанднинг айни бурчидир,
Сидқимиз она сут каби беғуб ор.

Не бахтдир МГУ нинг кафедрасида
Шогирдлик курсиси узра ўлтириш,
Не бахтдир бу илму-ма'рифат блан,
Тошкентни Москвача қайтадан қуриш.

Оёғинг толмасдан чиқсанг Памирга,
Ё Маноқ¹ қишлоққа айласанг сафар.
Ҳамиша рўбару, ёндош, нафасдош,
Говорит Москва—Москва сўйлар!

Одамлар юраги, озодлар юрти,
Мазлумлар умиди, дўстлар таянчи.
Мағрибнинг қопқаси, машриқнинг кўзи,
Жанубнинг қуёши, шимол қувончи.

Яшагил Сталин, яша партиям,
Ҳамиша бу йўлда сиз-сиз пешрав.
Қаерда бахт учун гурунг қурилса,
Учинчи қадаҳдир—Яшасин Москвам!

Саккиз юз йилдирки шонли байроғинг
Ғалаба чўққиси узра намоён.
Қуёшдай барқарор абадулобод,
Яшасин тоинки тургунча жаҳон.

Қутли кун тонгида бахтиёр халқлар—
Қатори фарзандинг ўзбекдан салом!
Нақадар яқинсан, нақадар мушфиқ,
Нечоғлик жонажон хуллосикалом.

¹ Маноқ—Хоразмнинг энг узоқ қишлоғи.

РАМЗ БОБОЖОН

САЛОМ, ПОЙТАХТ

Эй Москва!

Салом, пойтахт!

Олис элдан кўргали келдим.
Сени кўриш шараф, улуғ бахт,
Қучоғингда юргали келдим.
Сен тарихнинг тўхтамас қалби,
Сен борки, ҳур бўлди ҳаётим.
Сен халқларнинг кураш мактаби,
Оғир жангда толмас қанотим.
Сени десам, ше'р равон келур,
Сени десам, очилур баҳрим.
Сени десам бўламан масрур,
Кўнглим жўшар, туролмаيمان жим.
Юрак қонларимиз тўкилди,
Байроқ қилиб улуғ армонни,
Халқларимиз жангларда бўлди.
Курашларда ҳақ учун ўлган
Наслларнинг ҳаққи сендадир,
Асрларнинг ҳаққи сендадир,
Сенга йиллар мазмуни тўлган.
Мусибатлар бошимдан кетди,
Руҳим баланд, кўнглимда ғурур.
Доно отам кўзларимга нур,
Юрагимга иқбол беркитди.
Сени, сатрларни янгратиб,
Куйлаганим, куйлаган энди.
Сени миллионларга англатиб,
Сўйлаганим сўйлаган энди.
Эй Москва!

Салом, пойтахт!

Олис элдан кўргали келдим.
Сени кўриш шараф, улуғ бахт,
Қучоғингда юргали келдим.

МОСКВА

1947 йил

ТУРОБ ТЎЛА

ВОЛОКОЛАМСК ТОШ ЙЎЛИ

(„Москва ше'рлари“ циклидан)

Қаҳратон қиш...

Гувиллайди изғирин,
Қорасовуқ ялаб ўтар баданни.
Москванинг ёқасида бетиним
Немис кезар.

Булут босган Ватанни.
Немис кезар, босиб келар қора тун,
Шошилади Москвага етгали.
Россиянинг энг муқаддас ва эркин —
Юрагини—қалбини забт этгали.

Бўри тиши такиллайди совуқдан,
Рус найзаси унга қарши яланғоч.
Ғазаб чатнар ҳар найзадан, ҳар ўқдан.
Немис ҳамон интилади ёвуз, оч.

Қаршисида рус йигити турипти,
Рус бургути!

Кенг яғринли, тоғ қомат..
Орқасида бесаноқ халқ турипти,
Демак, мангу Москвамиз саломат!

Улар жангга, эрким бор деб Ватанда
Москваани сақламоққа келганлар.
Бунга келган, қолмайин деб армонда,
Бахтларини шу шаҳарда билганлар.

Буйруқ берди Кремльдан Қўмондон,
Панфиловнинг жангчилари кирсин деб,
Босқинчига Россияда йўқ омон,
Битта қўймай сўнггигача қирсин деб.

Уруш бўлди, бўронлар ҳам қолди танг,
Гвардия савалади беомон.

Қирғин бұлди йўл устида, улуғ жанг—
Немисларнинг ҳолин этди кўп ёмон.

Двизия маррасидан кетмади,
Чекинмади!

Шундай эди қасам'ёд.
Жанг майдони тўлиб кетди ўлукга,
Сузиб юрар жанг ўтининг тутини.
Гвардия немисни мянг бўлакга —
Бўлиб, томом учирворди қутини.

* * *

Жимжит...

Жимжит...

Бир лаҳзага тинди жанг,
Қоронғи тун қуйилади, чўқади.
Худди уруш даҳшатидан тун гаранг,
Одам гаранг...

Совуқ чимдиб ўтади.

Ватан учун бош қўйганлар уйқида,
Взвод энди янги режа тузади.
Қозоқ йигит хаританинг устида
Ғалабанинг йўлларини чизади.

Тонг отади — ўн олтинчи ноябрь,
Гвардия ўз постида барқарор.
Ватан блан муҳаббатбир, мақсад бир,
Москвани сақлаш!

Фақат шу қарор.

Москвага югуради паровоз,
Шошилади ерда, сувда, барча тенг.
Ҳамманинг ҳам юрагида битта сўз:
„Москвамиз таҳликада, қўзғолинг!“

Худди шундай...

Гвардия постида,
Қасам ичар, қурим босган юзлари.
Бир оҳангда Москванинг остида—
Такрорлавар қасос тула сўзлари:
„Чекинмоққа бир қадам ҳам тупроқ йўқ,
Орқамизда Москва бор, Ватан бор.
Жанг қиламиз қолгунича битта ўқ,
Она Ватан мангу бўлсин барқарор“.

Гвардия шундай этар қасам'ёд,
Қирғиз, қозоқ, рус, украин йигити.
Сўнгги марта кўришдилар хуррам, шод,
Панфиловнинг иккам ўттиз бургути.

Москвага пўлат девор бўлдилар!
Германия машинаси қаршида,
Москвага сўнгги ҳужум қилдилар,
Сараланган „улик бошлар“ маршида.

Гвардия сўнгги жангни бошлади—
Қушиқ блан, даҳшат блан, қон блан.
Битта-битта танк остига ташлади,
Ўзларини қопладилар шон блан.

Тўхтаб қолди Германия қўшини,
Ёниб кетди гвардия утида.
Пайдо бўлди яна худди шу куни,
Гвардия, гвардия кетида.

Взвод жангда ҳалок бўлди,
Аммо у—
Сақлаб қолди Москвани офатдан.
Москва тивч!
Яшар Москва мангу
Ёвуз қадам тозаланди сарҳаддан.

* * *

Гувиллаган денгиз эмас, Москва!
Маш'ал эмас,
у—Кремль чироғи.
Шафақ эмас яллуғланиб кўринган
Кремльнинг ғолиб қизил байроғи.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

ҚЎШЧИНОР

Роман *

Мажлис

Сандалда кўсак чувиб ўтиришар эди.

Анзират хола сандалнинг ичидан қўлини узатиб Канизакнинг тиззасини босди ва кўзи блан Сидиқжонни кўрсатиб: „Нега бунақа хомуш ўтирипти“? демоқчи бўлди.

Сидиқжон кўкрагини сандалга бериб аста-секин кўсак чувиб экан даричадан ташқарига, рўпарадаги яйдоқ мирзатеракнинг учига қўниб жонининг борича қагиллаётган қаргага қараганича хаёл сураб эди. У, ўткан кундан бери, бугун Қўшчинор а'золярининг умумий мажлиси бўлишини ва бу мажлисда ўзининг ҳам масаласи кўрилишини эшитганидан бери шу хилда паришон бўлиб қолган эди.

Шарофат можаросидан кейин Сидиқжон ўзини шундай {тутти ки Канизак тез кунда барча гина-кудуратни кўнглидан чиқариб ташлаган, унга бурунгидан ҳам яқинроқ ва меҳрибонроқ бўлган эди. У Сидиқжоннинг шу мажлис тўғрисида илгаридан ташвишга тушиб гапириб юрганини эшитгани учун ҳозирги ҳолатини аллақачан пайқаган, назарида унинг ўзи бу ҳолатини яширишга ҳаракат қилгандай кўрингани учун, уялмасин деб, тасалли беришни лозим топмаган, лекин унинг бекордан-бекорга ташвишланаётганига ич-ичидан ачиниб юрган эди; ҳозир унинг ҳолатини Анзират хола ҳам пайқагандан кейин Сидиқжон кўзига негадир жуда ҳам мунггайиб, уволгина бўлиб ўтиргандай кўриндию юраги ачиб, ҳарнечук бўлса ҳам бирон муносабат топиб унга тасалли беришни зарур ҳисоблади.

— Ҳа, Сидиқжон ака, — деди мумкин қадар бепарволик блан, — нимани ўйлаётисиз мунча?

* Боши ўтган сонларда.

Сидиқжон тезда жавоб бермагач Анзираг хола жавоб берди:
— Аканг қачан бой бўламану деб ўйлаб ўтирипти.

Сидиқжон ҳамон даричадан ташқарига қараганича мўйловини аста-аста бураб, худди ўзича гапираёткандай, жавоб берди:
— Бу бойлигим камми, онажоним, менда бор давлат кимда бор? Сиздай Михрибоним бор... Канизакхон... Ёр-дўстларим, жуда яхши ёр-дўстларим, ўртоқларим бор... Ака-ука, опа-сингил орттирдим...

Канизак дарров сўз қистирди:

— Бугун мажлисдан ўтадилар, а'зо бўладилар... А, Сидиқжон ака?

— Ҳа, мажлисдан ўтамиз, а'зо бўламиз...

Бир пас жимлик чўкди. Канизак ёпиқроқ қилиб энди айтмоқчи бўлиб турган гапни Анзираг хола рўйрост айтти қўйди:

— Айткандай бугун мажлисдан ўтасан-а! Шунга хаёл суриб ўтирипсан чоғи? Юрагинг пўскиллаб...

Канизак, гўё Сидиқжон буни хаёлига ҳам келтирмасликга амин бўлгандак, қаҳ-қаҳа ўриб кулди.

— Холам тушқурей, қаёқдаги гапларни топасиз... Нега юраклари пўккилар экан, мажлисни бир бу кишига чиқариптими? Ҳамма, ҳаммамиз ҳам мажлисга тушганмиз. Сидиқжон акамни ҳамма билади. Бир пасда ўтадилар. Ҳечким тўсқинчилик қилмайди, мана кўрасиз.

— Гап сўраганда гапини йўқотиб қўйишидан қўрқади, — деди Анзираг хола кулиб.

— Ким нима деб гап сўрар эди, ҳаммаси ма'лум. Мендан ҳам ҳечким гап сўраган эмас. Сўраганда нима, чоркитобдан сўрамиди? Шунақами, Сидиқжон ака, шундан чўчиётисизми?

Сидиқжон ўйлаб туриб жавоб берди:

— Мен мажлисдан ўтишимга биров тўсқинчилик қилишидан, биров гап сўрашию жавоб беролмай гаранг бўлиб қолишимдан илгарри, бундан беш-олти ой бурун, қўрқар эдим. Ҳозир мен ҳеч нарсадан чўчимайман. Мажлисдан утказишмаса хафа бўлмайман, сабабки; колхозга а'зо бўлиш колхозга хўжайин бўлиш деган гап. Мен нима қилипманки колхозни апицлаб катта қилган одамлар қатори Қўшчинорнинг хўжайини бўламан? Ҳали эрта... Мен колхоз йўлга кирганда келган одамман. Башарти мажлисдан ўтказишса бўйнимга катта қарз тушади, бу қарзни узиш учун кўп тер тўкишим керак бўлади. Ўтказишмаса, ҳали а'золикга муносиб эмассан дейишса ўша терни муносиб бўлиш учун тўкаман. Гапимни йўқотиб қўйишдан ҳам чўчимайман. Мен адашсам ўнглайдиган одам кўп, ҳамма ўнглайди.

— Булмаса нега бунақа қилиб ўтирибсан? — деди Анзираг хола. — Юрагинг увишгандай...

— Юрагим увишаётгани рост, лекин бир нимадан қўрққанымдан, чўчиганымдан эмас.

— Бўлмаса нимадан?

— Нимадан эканлигини айтолмайман, тилимнинг учида турганга ўхшайдию лекин айтолмайман, — деди Сидиқжон ва бир-

пас жим қолгандан кейин Канизакга қараб давом этди: — шу ёшимгача бирон киши менинг афтимга қараган эмас; бирон киши менинг номимни тилга олган ё бұлмаса менинг тўғримда бирпасгина ўйлаган эмас. Бирон киши, ҳаттоки бир ястужқа бош қўйган хотиним ҳам мендан кимсан, дун'ёга нима деб келгансан, нима қилиб юрибсан, нима қилмоқчисан, қандай орзу-армонларинг бор деб сўраган эмас, шу ҳам одамку деб гапимга қулоқ солгани йўқ. Уйлаб қарасам орзу-армонларим бўлмаган экан ҳам. Мана энди, ҳали бир эмас, ўн эмас, юздан ортиқ киши менинг юзимга қарайди, кимсан, нима қилиб юрибсан, муродинг нима дейди; шунча одам менинг номимни тилга олади, менинг тўғримда уйлаб юрган гапини гапиради, мени гапга солади; гапимга кулмасдан, мени калака қилмасдан, мени ўзига тенг кўриб қулоқ оседи... Мана шуни ўйласам аллақандай бўлиб кетаман, юрагим увишади... Йўқ, бунинг юрагим увишади деб бўлмайди, бунинг бошқа оти бўлса керак! Мен бу ерга келиб, уёқ-буёққа разм солиб қолишга жазм қилганимда қорним тўқ, устим бутун, чўнтагимда беш-ўн танга беминнат харжи бўлишни кўзлаган эдим халос. Кейинчалик булардан ҳам каттароқ, менга, айниқса менга, булардан ҳам зарурроқ нарса чиқиб қолди. Бунинг олдида янги тўну чўнтакдаги биртутам шалдиरोқ қоғаз жуда майда, жуда ҳам арзимас бир орзу бўлиб қолди. Мени мажлисдан ўтказишадими, ўтказишмайдами — гап бунда эмас, гап шундаки шунча одамга, бутун бошлиқ бир мажлисга масала бўлиб турибман.

Анзират қола, унинг сўзига унча қулоқ солмаган бўлса керак, оғзини катта очиб эснади, инқиллаб ўрнидан турар экан:

— Майли, болам, майли, ҳарнима бўлсанг ҳам мажлисдан ўтасан, — деди ва чувилган пахтани бир томонга суриб, саватдаги ғўзапўчоқни кўтариб ташқари чиқди.

Сидиқжон Анзират қола гапга тушинмаганидан шикоят қилгандай, Канизакга қаради. Канизак тез тез кўсак чувир экан чўқур хурсинди.

— Шунақа, Сидиқжон ака, одам ўзини ўзи танимай қолади-ган вақт ҳам булар экан.

— Лабай? — деди Сидиқжон.

— Бу ерга келганимда менинг ҳам ҳечнарсдан умидим, ҳечқанақа орзу-армоним йўқ эди. Бир кун келиб мен ҳам мана шунақа, худди сизга ўхшаб, ўзимни танимай қолган эдим.

Сидиқжон қувониб кетди.

— Мана, мана шу! Мана шуни айтмоқчи эдим! Тилимнинг учида турган нарса шу эди!.. Худо бутун жонворларни яратиб бўлиб ҳарқайсисига умр улашадиган бўлипти. Умр олгани ҳаммадан бурун эшак борипти. „Хуш, сизга қанча умр берсак бўлади, қирқ йил етадими?“ депти худо. Эшак ўйлаб туриб „Бу қирқ йилни нима қилиб ўтказаман?“ депти. Худо „нима қилиб ўтказар эдинг, одамлар устингга юк ортади, ўзи ҳам минади, халачўб тикади“ депти. Худо шундоқ деган экан эшак: „Ундоқ бўлса менга йигирма йил бас“ депти. Худо унга йигирма йил бериб, қолган йигирма йилни умр халтасига солиб

қўйипти. Ундан кейин ит борипти. „Сизга қанча умр керак, қирқ йил етадими?“ депти худо. Ит „Бу қирқ йилни нима қилиб ўтказаман?“, деган экан худо: „Одамларнинг эшигида юрасан, суяк ташласа ейсан“ депти. Ит ҳам умрнинг йигирма йилини олиб, қолган йигирма йилини қайтариб берипти. Булардан кейин одам борипти. „Хўш, сизга қанча умр керак, қирқ йил етадими?“ депти худо. — „Бу қирқ йилни нима қилиб ўтказаман?“ — „Хотин оласиз, майшат қиласиз, бутун дунё сизники“ депти худо. Одам шошиб қолипти: „Ундоқ бўлса — депти, — бизга саксан йил умр берасиз, саксан йилдан кам кам!“ Худо кўнипти, лекин яна қирқ йилни ёнидан бермаптию ҳали эшак блан итдан қолган йигирма йилдан қирқ йил умрни қўшиб берипти. Шунинг учун одам аввал бошлаб қирқ йил ўз умринию ундан кейин қирқ йил эшак блан итнинг умрини кўрар экан. Ўйлаб қарасам; мен умрни ит блан эшакнинг умридан бошлаган эканман: аввал бировларнинг эшигида юриб улар ташлайдиган суякга зор бўлганман, ундан кейин бировнинг юкини, узини кўтарганман. Энди бу ёғида ўз умрим бошланди, ўз умримни, одам умрини кўраман.

Бу гап Канизакага жуда ма'қул бўлди, жуда завқ қилди.

— Мажлисда гап сўрашса худди шу гапни айтинг, Сидиқжон ака! Айтасизми?

— Айтаман, — деди Сидиқжон хўрозланиб.

— Айтсангиз хўп кулги бўлар эди. Мондалаб айтолмайсиз, одам шошиб қолади.

— Шошиб қолмайман.

— Шошасиз.

— Ҳеч!

— Қани, қанақа қилиб бошлайсиз?

— Қанақа қилиб бошлар эдим. Ўрнимдан тураман, мана... — Сидиқжон ўрнидан турди, — мана шундоқ туриб, „Оғойнилар!“ дейман...

Шу чоқ одамларни мажлисга хабар қилаёткан жарчининг товуши эшитилди.

Анзиратхода болалар блан қолди.

Қора совуқ. Узоқ-яқинда қарғалар қағиллайди. Қаердадир чумчуқлар чирқиллайди. Юпин кийинган одамлар қунишиб, дилдирашиб Бақақуруллоқ майдонидаги қизил чойхонага томон тогуришади. Ёзлик қизил чойхонанинг атрофига чий тутилиб, ҳарер-ҳареридан туйнук қўйилган, бу туйнукларга газетқоғозлар ёпиштирилган.

Ичкари қоронғи, ғовур. Одам кўп. Қаердадир чақалоқ ингламоқда. Шу яқин ўртада чилим қуриллайди. Мана шундай мажлис ва байрам кунларида-гина ёқиладиган қирқинчи осма чироғ ҳозиргина ёқилган бўлиб ҳали пилиги кўтарилган эмас, унинг хира шу'ласида президиум столига ёпилган қизил алвон, унинг устидаги бир тахта оқ қоғаз, орқа томондаги деволга ёпиштирилган портрет ва плакатлардан ба'зисининг бир бурчи, ба'зисининг ярими, столга яқин ерда ўтирган кишиларнинг худ-

ди мўмдан ясалгандай қоп-қора калласи кўринар эди. Кимдир Канизакни чақирди. Канизак ўтирган одамларни оралаб нариги томонга кетти. У кетгандан кейин Сидиқжон, худди усиз бир қадам ҳам босалмайдигандай, дарров чўкка тушди. Бу ерда агроном Иброҳимов, Зокирота, Тожибой, Зиёдахон ва яна уч-тўрт аёл бир тўп бўлиб ўтиришар эди. Сидиқжон ёппасига салом берди. Зиёдахон ҳаммадан бурун алек олдию, Сидиқжоннинг назарида, заҳарханда қилиб қўйди. Сидиқжон бу ҳақиқатан заҳархандами ё ўзига шундоқ туюлдими, агар ҳақиқатан заҳарханда бўлса нима сабабдану кимга қаратилган заҳарханда эканини билолмай ҳайрон бўлди; бунини билиш учун яна бирон сўз қотгунигача мажлис очилдию Зиёдахон президиумга сайланиб ўрнидан турди. У қўлидаги чақалоқни Сидиқжоннинг бу томонида ўтирган бир хотинга бермоқчи бўлди; Сидиқжон олиб узатмай деса бермади, қийналиб бўлса ҳам ўзи узатти. Сидиқжон бироз ташвишда қолди: „нима гап ўзи, мендан хафами ё кўзимга шундоқ кўринаётимми?“ Зиёдахон бориб Ўрмонжонга бир нима деди. Ўрмонжон ўйлаб туриб бош иргитти ва Сидиқжон томонга қараб қўйди. Зиёдахон столга ўтирганидан кейин икки ёнида ўтирган кишиларга бир нималар деди. Сидиқжоннинг назарида бу одамлар ҳам шу томонга қараб қўйди. Шундан кейин президиумда ўтирганлар ниманидир бир-бирига солди. Ниҳоят Зиёдахон мажлис аҳлига бир нима демоқчи бўлиб ўрнидан турди, яна Сидиқжонга томон қаради; унинг ранги оқарган, кўзлари одатдагидан катта, қўлидаги бир тахта қоғоз хиёл титрар эди. У баҳорда балх тут остида бўлган воқиядан кейин Сидиқжондан ўпкалаганда юзи мана шундай оқарган, кўзлари катта бўлган, рўмолини оёқ остидан олганида қўли шундоқ титраган эди. Сидиқжоннинг юраги шув этиб тилигача музлаб кетти! „Важоҳати хунук-ку, наҳотки ўша гапни шу мажлисга асраб юрган бўлсаю ҳозир мажлисни менинг масаламдан бошласа! Наҳотки ҳозир менга та'зир бермоқчи бўлиб ўша гап блан бошимга урсаю шунча одам ичида мени ер блан яқсон қилса! Наҳотки „Майли, Сидиқжонни мажлисдан ўтказайлигу лекин колхозчига келишмайдиган мана шунақа қилиқларини ташласин“ деб ўша воқиани батафсил сўзлаб берса! У воқиани шунинг учун эрига айтмаган экан-да. Тўғри, эридан кўра дурустроқ та'зир бериш ўзининг қўлидан келгандан кейин эрига арз қилиб нима қилади? Бу воқиани айтса, Шарофат можаросига ҳам бошқачароқ тус кирмасмикин? Унда нима бўлади? Мени бири ўғлим, бири укам, бири акам, бири дўстим деб юрган одамлар нима дейди? Бу гап ўртоқ Аҳмедовнинг ҳам қулоғига етади-ку, унда нима бўлади? Ўртоқ Аҳмедов, Аҳмедов... Э худо, шундан кўра етмиш икки дорга осилиб ўлганим яхшироқ эмасми-ди! Нега ўшанда ўзимни пичоқлаб ташламадим, нега пичоғимни Болтабойнинг қўлига бериб унга бўйнимни тутмадим!..“

Зиёдахон ниҳоят ўзини босиб олиб мажлиснинг кун тартибни э'лон қилди. Биринчи масала давлатдан олинган узоқ муддатлик қарздан фойдаланиш ва колхознинг келаси йилги хўжа-

лик плани бўлиб, Сидиқжон масаласи, я'ни правлениянинг қарорларини тасдиқлаш, [навбатдаги масала деб қўйилган эди. Болта тушгунча кунда дам олади дегандек, Сидиқжон шунга ҳам суюнди.

Биринчи масала юзасидан Ўрмонжонга сўз берилди. У, Сидиқжоннинг назарида, сўзни чўзмаслик ва тезроқ, навбатдаги масалага ўтиш учун гапни ўртасидан бошлади: ҳатто одатдагича „Ўртоқлар“ ҳам демасдан туғридан-туғри „биз бу хўжалик йилида ертўладан ер юзига қадам қўйишимиз керак“ деди. Шундан кейин давлат узоқ муддат блан берган қарздан қандай фойдаланиш, бунинг орқасида колхоз қандай имкониятларга эга бўлиши ва бу имкониятлар натижасида колхоз хўжалиги қандай ривожланиши кераклиги туғрисида гапирди; ундан кейин шу режаларни амалга ошириш ҳақида правлениянинг мўлжалларини батафсил баён қилди. Правления бутун э'тиборни пахта майдонини кенгайтириш, пахтачиликни ривожлантириш, колхозни пахтакор колхозга айлантириш, пахтанинг таннархини камайтиришга берган эди. Сидиқжон бунга жуда диққат блан қулоқ солиб ўтирган бўлса ҳам одамлар дам-бадам унинг сўзини олқишлаб чапак чолганда „Сўзи томон бўлди, энди иккинчи масалага ўтилса керак“ — деб юраги увишиб кетар эди. Ўрмонжон сўзининг охирида келаси хўжалик йили ҳарбир колхозчининг зиммасига қанча ва қандай оғир меҳнат юклашини очиқ айтиб колхозчиларни ҳарқандай қийинчиликга бардош беришга чақирди. Мажлис аҳли узоқ қарсак уриш блан бу чақириққа ўзининг тайёр эканини билдирди.

Жимлик чўкди. Сидиқжон бошини қуйи солиб кутар эди...

Зиёдахон ўрнидан туриб:

— Саволларинг борми? — деди.

Сидиқжон бошини кўтарди. Кимдир нариги бурчакдан товуш чиқарди:

— Менда бор... Ўрмонжон ака, „Бирлашган“ колхози бизнинг колхозга қўшилар эмиш деган гап юрипти, шу туғрими?

Ўрмонжон ўрнидан туриб жавоб берди:

— Район раҳбарларимизда шундай фикр бор. Шундоқ бўлса ёмон бўлмас эди, сабабки, „Бирлашган“да ер озу куч кўп, бизда ер кўпу куч оз. Бундан ташқари „Бирлашган“ пахтакор колхоз, пахтада омиликор одамлари кўп. Бу масалани ҳам ҳал қилишимиз керак.

— Яна бир савол: қўшилсак биз ютаммизми, „Бирлашган“ ютаммими? Ўрмонжон кулди.

— У ютса унинг ютуғига биз шерик бўламиз, биз ютсак бизнинг ютуғимизга у шерик бўлади.

Ҳамма гуриллаб кулиб юборди. Савол берган киши хижолат бўлиб дарров ўтирди. Бундан кейин Ўрмонжон бошқа саволларга жавоб бериб нима учун биринчи навбатда ясли, болалар боқчаси, мактаб, хўжаликга кераклик бинолар қуриш керак эканлиги, бузиладиган тўқайдан колхоз қанча даромад қилиши, МТС блан қилинадиган шартноманинг ба'зи тафсилотлари туғрисида гапирди.

Бу масала юзасидан музокира бўлмади. Қарор ўқилиб қабул қилингандан кейин энди иккинчи масалага ўтилиши муқаррар бўлиб қолгач Сидиқжон ўтирган ерида ерга қапишиб кеткудай бўлди. У энди Зиёдахоннинг кайфиятини юзидан эмас, товушидан билишга ҳаракат қилар эди. Зиёдахон иккинчи масала юзасидан сўзни секретарга берди.

Шу пайт Канизак пайдо бўлиб Сидиқжонни секин туртти.

— Сидиқжон ака, гапирасизми? — деди.

— Нимани? — деди Сидиқжон титраётганини билдирмасликга тиришиб.

— Ўша гапни... Умрни ниманинг умридан бошлаганингизни. Зиёдахон опамга сизни гапирмоқчи деган эдим, гапирсин, албатта гапирсин дедилар. Гапиринг!

Сидиқжон бошини кўтариб, худди маст уйқудан уйғангану ҳали ўзига келмагандай, Канизакга тикилди-да, анчадан кейин ҳушини ўнглаб:

— У киши блан қачан гаплашдингиз? — деди.

— Ҳозир, ҳозир гаплашдим. Кўрмадингизми?

— У киши нима дедилар?

— Гапирсин дедилар, сўз бераман дедилар.

Сидиқжон Зиёдахонга қаради. Зиёдахон унга қараб жилмайиб турар эди, гапиргин деганга ишора қилиб бош ирғитти. Сидиқжон бутун вужудига иссиқ қон югургандай ва бу қон мийясидаги карахтликга барҳам бериб ўзига зўр қувват ато қилгандай бўлди. Бу орада секретар правлениянинг қарорини ўқиб бўлди, лекин буни Сидиқжон эшитмади. Ўрмонжон, ундан кейин Зиёдахон бир-икки оғиз гапирди. Сидиқжон буларнинг нима деганини англамади, лекин яхши гап айтганини туйиб турар эди. Ҳарқаердан товушлар чиқди. Сидиқжон бу одамларнинг ҳам нима деяётганини англамас эди.

— Қани, Сидиқжон Соҳибжонов, — деди Зиёдахон, — ўзингизни кўрсатинг.

Ҳартомондан:

— Кўрганмиз! Биламиз! Сидиқжонни яхши биламиз! — деган товушлар эшитилди.

Сидиқжон ирғиб ўрнидан турди. Зиёдахон унга қараб илжайиб турар эди. Сидиқжон бу табассумга қандай ма'но беришини билмай ерга қаради. Канизак унинг оёғига туртиб:

— Гапиринг, ҳа, худо жонворларга умр улашипти... — деб бошлаб бермоқчи бўлди.

Сидиқжон унинг туртганини пайқамас эди.

— Сўз Сидиқжон Соҳибжоновга, — деди Зиёдахон.

— Мен нима ҳам дейман, — деди Сидиқжон бошини кўтариб гоҳ Зиёдахонга, гоҳ Ўрмонжонга қараб, — шу акаларим, укаларим, опасингилларимнинг этагини ушлаганим ушлаган... Ишлайман... мен илгари колхоз деганда одамлар кўплашиб ишлайдию ҳосилини бўлиб олади, колхоз шу деб уйлар эдим. Йўқ, колхоз бошқача бўлар экан.. Мен умримда биринчи гапиришим, кечирасизлар...

Сидиқжон бошқа сўз тополмай қолгандан кейин Зиёдахон „Ўтиринг“ деб ишора қилди.

Шу пайт, қулоғи жуда оғир бўлса ҳам ҳечбир мажлисдан қолмайдиған ва неғадир ҳамма вақт энг орқада ўтирадиған, Тиллабобонинг товуши эшитилди:

— Ўрмонжон ўғлим, — деди ўрнидан туриб ва одамларни оралаб президиум столига томон борди. — Билмадим, эсингда бормикин... Боҳорда мен сенга ҳақиқат қилгин деб бир тугун берган эдим, бедага қоровул бўлганимда...

Сидиқжон шоҳи қийиғига шакар, совун ва бошқа нарсалар тугиб беда ғарами ичига яширганини эсладию боши ғовлаб қулоғи ғувиллаб кетти: „Оббо, худо урди, ўша тугун шу имонсизнинг қўлига тушган экан-да. Нега ҳозир гапираёпти, мен қўйганимни кўрган эканми нима бало? Ҳа, кўрган экан-да!“

Ўрмонжон ўрнидан туриб чолнинг олдига келди ва ҳовучини оғзияга қўйиб қулоғига қичқирди:

— Ҳақиқат қилганман! Ўлмапсиз, энди сўрайсизми, шу чоқ-қача қаерда эдингиз?

Тиллабобо узр сўрагандай илжайди.

— Эсимдан чиқипти, ўғлим, ҳозир эсимга тушиб қолди. Ҳақиқат қилган бўлсанг бўпти, бўлак гапим йўқ.

Чол қайтиб кетти. Ўрмонжон жойига ўтирди. Бу гапга ҳечким эʼтибор қилмади. Сидиқжон Ўрмонжонга тикилганича қотиб қолди. Бошқа ҳечким ҳечнарсга демади. Зиёдахон правлениянинг қарорини овозга қўйди.

Сидиқжон мажлис тугар-туғамас „лип“ этиб чиқиб кетиб қолди. Унинг чиқиб кетганини ҳатто Канизак ҳам пайқамай қолди. Уни „қуллик бўлсин“ қилмоқчи бўлган ёр-жўралари қидришар, бир-бирларидан сўрашар, чақиришар эди.

Канизак уни уйга кетган гумон қилиб қутлагани югурганича уйга борди. Сидиқжон уйда ҳам йўқ эди.

(Давоми бор)

УЙГУН

ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

УЧИНЧИ ПАРДА*

Комилжонларнинг ҳовлиси. Эскироқ уй, ерма-ён айвон. Бир чекада чала солинган иморат. Айвонда лампа ёниқ. Уйнинг айвонга чиқадиган ёшиги очиқ. Деразиси ҳовлига қараган. Очиқ дераза олдида, сасиб қорачироқ ёнмоқда. Тошхон айвонда лампанинг ёруғида хат ўқимоқда, унинг устида иш кийими, мазмуни у яқинда ишдан келган. У, енгги блан кўз ёшини артиб қуюди. Ма'рифат уйда, деразанинг рўпарисида ўтириб, қорачироқнинг ёруғида қўлқоп тўқймоқда. 1914 илнинг баҳори. Ойдин кеча Осмон тула юлдуз. Ойдинда ва лампа ёруғида гуллаган ўриклар кўринади.

Ма'рифат — *(кўзойнагини пешонасига суриб қорачироқнинг бурнини олади)*. Ётмайсанми қизим, тун оғиб қолдию.

Тошхон — Узингиз нега ётмайсиз?

Ма'рифат — Мени ишим бор. Мишага қўлқоп тўқиб ётипман.

Тошхон — Боҳор бўб қолдию, Миша қўлқопни нима қилади?

Ма'рифат — У ёғлар ҳали жуда совуқ эмиш, фойдаси тегиб қолар.

Тошхон — Посилка тайёр бўлдимми?

Ма'рифат — Мана шу қўлқопдан бошқа ҳамма нарсани жойлаб қўйдим. Қўлқопни битириб солсам, тамом.

Тошхон — Анор эсингиздан чиқмадимми?

Ма'рифат — Йўқ. *(Яна чироқнинг бурнини олади. Секин)*. Бурқсимай адо бул. *(Тошхонга)*. Ётоқол қизим, ёт, ҳозиргина ишдан келдинг, чарчагандирсан, каллайи саҳарлаб яна ишга кетасан. Бу нимаси ҳаркун тонг отгунча ухламайдиган ҳунар чиқариб олдинг.

Тошхон — Нурмат акам келсин... кейин.

Ма'рифат — Нурмат аканг районга кетган, қаёқдан келади?

Тошхон — Келади. Келаман деган.

Ма'рифат — Кеса ҳам кирмайди, иши бошидан ошиб ётибди.

* Боши журналнинг 8-нчи сонюда.

Тошхон — Киради. Мен район почтахонасига кириб, бизга хат-пат бўса олакелинг, деганман. Ахир, хат келмаганига анча бўпқолди-ю. Балки келиб почтахонада ётгандир.

Ма'рифат — (яна чироқнинг бурнини тўғрилайди). Манави қора чироғнинг ўлгур биқсиб кўзимни кўр қиладиган бўлди.

Тошхон — Гап уйқуда эмас, чироқда, денг. (Лампани уйга олиб киради). Боядан бери ёт-ёт дегандан кўра, лампа керак, деб қўяқолсангиз бўлмасмиди?

Ма'рифат — Гап лампада эмас. Куни блан тинмайсан, мундоғ дам олиш ҳам керак-да. Ахир ранги-рўйингга қара қизим, одам таниб бўлмайди.

Тошхон — Иш оғир... 3—4 кишининг ишини қилганимдан кейин, озмай қаёққа борардим?

Ма'рифат — Оғир иш қилаётган битта санми? Бошқалар қилмаётибдими? Аммо ҳечким сенга ўхшаб сўлаётгани йўқ. Юрагингда бир дард бор, мендан яширасан.

Тошхон — (кулиб). Қанақа дард бўларди? Агар юрагимда бирор дард бўлса, она бўп туриб билмасмидингиз?

Ма'рифат — Бўйга етган қиз, учирма бўган қуш. Учирма бўган қушнинг бошидан нималар кечади, юрагида нималар бор, узоқда қолган онақуш қаёқдан билсин?

Тошхон — (кулиб). Мен ҳали қуш бўлиб ёнингиздан учиб кетганим йўқ-ку.

Ма'рифат — Ўзинг ёнимда сан-у, юрагинг узоқда. Бўйга етган қиз ўртоқларига айтадиган сирни онасидан яширади. Майли, яшир. Бу замонда қизларнинг ихтиёри ўзларида. Аммо ўзингга эҳтиёт бўл. Ўзингни ғафлатда, онангни доғда қолдирма. (Чироқни ўчирмоқчи бўлади).

Тошхон — Ўчирманг. Менга керак.

Ма'рифат — (чироқни тузатиб). Тутамай ўлсин. Уйни қорайтириб юборадиган бўлди.

Тошхон — Бундай экан, нега лампаларни ҳаркимга бериб юбордингиз? Ахир бир эмас, уч лампа бор эди, биттаси қолди.

Ма'рифат — Сўрагандан кейин, бор туриб бермасдан бўладими. Юртчилик, колхозчилик бўлгандан кейин бироқ-бировга қайрилишмай иложи йўқ.

Тошхон — Бўлмаса, ҳа деб чироқни койиб, одамни диққатини ошираберманг. Бу — вақтинча гап.

Ма'рифат — Энди электр стансамиз тезроқ битиб қолармикан дейман-да.

Тошхон — Бунча электрга меҳр қўйиб қолдингиз? Нима ота-бувангиз электрда ўтириб келганмиди?

Ма'рифат — Кесатма, қизим. Ота-бувам электрда ўтирмаган бўса сабаби бор: ота-бувамнинг замонида колхоз бўмаган. Қишлоқда нимайки ёруғлиқ бўлса, колхоздан бўлди. Электр ҳам ёруғлиқ, раҳматлик Ленин бобони васияти. Ленин, ҳамма электр қурсин, деб кетган. Яна ҳам биз кечикдик.

Тошхон — (онасини қучоқлаб). Ўзимнинг донишманд аягинам.

Ма'рифат — Бу донишмандлик эмас, қизим, ҳамма колхозчи ҳам шундай, деб ўйлайди.

Тошхон — Сабр қилинг, ҳадемай электр станциямиз ҳам битиб қолади. (*Узоқни кўрсатиб*). Ҳу, шу'лани кўраётибсизми?

Ма'рифат — (*Тошхон кўрсатган тарафга қараб*). Вой, нима бало, электр стансага ўт кетганми?

Тошхон — Йўқ, одамлар маш'ал ёқиб ишлашаяпти.

Ма'рифат — Одамлар барака топсин. (*Ўзгаради*). Айтгандек эсимдан чиқибди. (*Чала иморатни кўрсатиб*). Тездан манави иморатни битказиш керак.

Тошхон — (*ҳайрон*). Нега? Нега бирдан уч йилдан бери жим ётган иморат эсингизга тушиб қолди?

Ма'рифат — Кечаси аканг тушимга кирди. Уруш тугаб қайтиб келган эмиш. Менга қараб, иморат битдими, янги уйга қачон қираман, деди. Уруш битиб келиб қолса ажаб эмас. Келиб иморат битдими, деса нима деймиз? Қўл тегмади деб, важ айтамизми? Бўлмайди. Нурмат акага айт, пича ёрдам қилсин. Кўплашиб битириб олайлик.

Тошхон — Ҳозир қийин... Уруш вақти... Материал топилмайди.

Ма'рифат — Шундай катта данғиллама клубга топилган материал Комилжоннинг битай, деб, қолган уйга топилмайдими? Важ айтма қизим. Мен бир ишни уҳдасидан чиқолмай важ айтadиган кишини ёмон кураман. Астайдидил киришилса, ҳамма нарса ҳам бўлади. Дун'ёда одамзоднинг қўлидан қочиб қутиладиган иш йўқ. Мана, клубга ҳам бошида кўп одамлар важ айтишди, лекин Нурмат ака бир ғайрат қилди-ю, бўлди қолди. Агар сизлардака важ айтadиганларга қаралса клуб эмас, товукча катакча ҳам солиб ололмасдик. Қийин эмиш... урушдагиларга ҳам қийин. Аммо улар қийин деб, урушни тўхтатиб қўймайдику?

Тошхон — Энди ҳамма ҳам Нурмат ака бўлабермайди, аяжон.

Ма'рифат — Шунинг учун ҳам Нурмат акангдан сўра, ёрдам қилсин, дейман-да, қизим.

Тошхон — Унармикан?

Ма'рифат — Унайди. Нурмат ака ҳечкимни яхши ниятдан қайтарган киши эмас. Ҳали бу экан-ку, яна янги уй соламан, деса-нг ҳам ёрдам беради. Қишлоқ қанча обод бўлса, у шунча хурсанд бўлади. Ҳе, Нурмат акадака асл одам дун'ёга камдан-кам келади. Бечора Ну'монжондан ажралганида, ҳамма энди Нурмат ака адо бўлди, деб ўйлади. Йўқ, қора хат олганида, ўқ еган арслондек бир букилди-ю, кейин яна қаддини ростлаб олди. (*Тошхон ўзини туполмай йиғлаб юборади*). Қизим, сенга нима бўлди?

Тошхон — Ўзим... Нурмат акага ачинаман. (*Тошхон қорачироқни олиб айвочга чиқади, чироқни лампанинг ўрнига қўйиб яна хатга тикилади. Яна ўқиб хатни бағрига босади. Яна енги блан кўз ёшини арпади. Ма'рифат п қўлқопни тугатиб, посылкага жойлайди. Сўнг лампани кўтариб айвонга чиқади*).

Ма'рифат — Мана, ўтирадиган бўлсанг, лампани ол. Қорачироқни ўчир, дидори қурсин. (*Кийинабошлайди*).

Тошхон — Қаёққа отланаётипсиз?

Ма'рифат — Уста буваникига чиқиб, иморат жўнидан гаплашиб келай.

Тошхон — Бемаҳалда нима қиласиз, эртага гаплашарсиз.

Ма'рифат — Бугунги ишни эртага қолдириш ярамайди. *(Ма'рифат чиқиб кетади. Тошхон қорачироқни ўчиради. Яна хатни очиб ўқий бошлайди. Иш кийимида Тоғжихон киради.)*

Тоғжихон — Кирсам майлими? Ухлаганингиз йўқми?

Тошхон — Келинг! Ҳорманг. Ишдан энди қайтаётибсизми?

Тоғжихон — Ҳа, зовурни энди тугатдик.

Тошхон — Менинг звеном боё тугатган эди.

Тоғжихон — Ие, бу сафар ҳам топшириқни биздан олдин бажарибсизда?

Тошхон — Икки соатча олдин.

Тоғжихон — Бу кунларда бир минут олдини ҳам олдин. Бундан чиқдики, мусобақада яна ютибсизда?

Тошхон — Иккаламизни ҳам аям ютдилар. У кишининг звеноси шомда тугатган.

Тоғжихон — *(кулиб)*. Шунақами? *(Овозини пасайтириб)* Ҳозир ухладиларми?

Тошхон — Қаёқдан... Холангиз ухлашни билармиди? Дун'ёда иккита тиниб-тинчимайдиган бўлса, бири Нурмат ака-ю бири холангиз... Иш блан уста буваникига чиқиб кетди.

Тоғжихон — *(Тошхоннинг кўзларига тикилиб)*. Яна йиғлади-гизми?

Тошхон — *(кулиб)*. Пича...

Тоғжихон — *(қўл чўзиб)*. Шу хатни менга бериб, менда турсин.

Тошхон — *(кўкрагидан қайиш тумор чиқариб, хатни туморнинг ичига жойлайди)*. Йўқ... битта-ю битта ёдгорим шу хат.

Тоғжихон — Булмаса, ҳадеб, ўқийберманг.

Тошхон — *(туморни қўйнига солиб)*. Мана энди ўқимайман.

Тоғжихон — Бу нечанчи ва'да?

Тошхон — *(кулиб)*. Юзинчи... мингинчи...

Тоғжихон — Тавба... менинг муҳаббатим сизнинг муҳаббатингиз олдида ҳечгап бўлмай қолди. Тош бир эримасин экан, бир эригандан кейин алангасига унча-мунча нарса тоб беролмай қолар экан.

Тошхон — Бечора менинг тош кўнглимни эритгунча ўзи сув бўлиб оқди... Қизиқ, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари рост экан... Шу ерда эканлигида, хушомад қилса, энсам қотарди... Эсингизда борми, ҳу, уруш бошланган кун, маст бўлиб келиб, айтган сўзлари? „Бир кун эмас-бир кун, бир қулоч арқон топаману, эшигингизнинг рўбарусига келиб ўзимни осаман. Кейин пушаймон бўлиб юрасиз“ деди. Мана рост чиқди... Энди пушаймонман... Ушайда шўрликка бир оғиз яхши гап айтмаганимга, ундан кулганимга, уни ранжитганимга пушаймонман. Нега биз тирикликда, бирга юрган вақтларимизда бир-биримизнинг қад-

римизга етмаймиз-у, ўлгандан кейин ё узоққа кетиб соғиндирса, оҳ-воҳ чекамиз... Урушга кетган куни юрагим жиз этди, бир учқун тушгандай бўлди. Кунлар ўтган сайин учқун зўрая борди... Бутун вужудимни олов қоплади.

То жихон — Бу муҳаббат...

То шхон — *(хаёлчанг)*. Икки йил бир-биримизга хат ёзишиб юрдик. Юзма-юз гаплашолмаган гапларни хат орқали гаплашдик. Мен тегадиган, у оладиган бўлди... Аммо, ажал уни менга кўп кўрди. *(Йиғлайди)*.

То жихон — *(юпатади)*. Йиғламанг... Бора-бора бу дард унитилади... Бошқа ёр топасиз.

То шхон — Менга бошқа ёр керак эмас. Мен унга бир хатимда: „Сендан ўзгани демайман“ деганман. Мен ва’дага вафосизлик қилолмайман.

То жихон — Тиряк бўлса, бошқа гап эди.

То шхон — Мен учун у доим тирик. Бутун меҳнатимни, бутун ҳаётимни унга бағишлайман. Унга атаб боғ ўстираман. Унга атаб олий иморатлар қураман. *(Пауза)*.

То жихон — Раҳматлик, заб ботир йигит бўган эди. Икки йил ичида тўрт орден, беш медаль олди. Агар ўлмаса Совет иттифоқи қаҳрамони бўлиши аниқ эди. Унинг вафотини Комилжонлар биладими, ёзганмисиз?

То шхон — Йўқ, Нурмат ака ёзманглар, жангда юрган йигитларнинг кўнгли бушашмасин, деган эди, ёзганим йўқ.

То жихон — Яхши қилибсиз. Мен ҳам шуни ўйлаб ёзмаган эдим. Бечоралар, ҳозир қаерда юришган экан? Ўшаларни ўйласанг ичинг ачийди. Сиз блан бизга ҳечгап эмас. Хайр, бироз қийналамиз... Икки-уч кишининг юмишини қилишга тўғри келади. Аммо бошимизга бомба тушиб, устимизга ўқ ёғиб турмайди-ку. Қиладиган ишимиз битта: ҳалол меҳнат. Уларчи? Бизни деб тиззасидан қон кечиб кечаю-кундуз жанг қилади. Урушининг бутун машаққати ўшаларнинг гарданига тушади.

То шхон — Ўшаларга раҳмат.

То жихон — Шуларни ўйласанг, дам олишни унтиб, уйқудан воз кечиб тинмай-тинчимай ишлай бергинг келади. Ахир уларга овқат, кийим, қурол-аслаҳа карак-ку.

То шхон — Шундай... Айтгандек, Мишага посилка тайёрладингизми?

То жихон — Ҳа. Сиз-чи?

То шхон — Бизники ҳам тайёр. Посилкага анор ҳам солдингизми? У ҳам акамга ўхшаб анорга ўч экан.

То жихон — Ҳа, солдим. Бечора бирданига уч посилка олиб, расо қувонса керак.

То шхон — Яна ким посилка тайёрлади.

То жихон — Нурмат акам

То шхон — Яхши бўлибди. Майли, бечора бир суюнсин, ҳеч-кимни йўқ нарса экан.

То жихон — Комилжонга ҳам посилка тайёрладим.

Тошхон — Қодиржонга-чи?

Тожиҳон — Унга ҳам.

Тошхон — Қачон очди қиласиз?

Тожиҳон — Ҳзим учун бошидаёқ очди бўлган, улар учун урушдан кейин очди бўлгани яхшироқ.

(Нурмат ака киради. У яна ҳам қариб қолган. Ташвишли, паришон кўринади. Қизлар ўринларидан туриб, раисни қаршилайдилар).

Тошхон — Келинг, Нурмат ака.

Нурмат — Кўзғолманглар, ўтиринглар... Ҳали ҳам ухламаб-силар?

Тошхон — Боя, райондан келиб кираман деганингизга кутиб ўтириб эдик.

Нурмат — Қачон? Ҳа...

Тошхон — Хат борми?

Нурмат — Хат? Қанақа хат? Ҳа... йўқ, хат йўқ, қизим... Бу, холам қанилар?

Тошхон — Уста буваникига чиқиб кетдилар. *(Чала иморатни кўрсатиб.)* Эртадан бошлаб манави чала иморатни битказмоқчилар...

Нурмат — Қайси иморатни? Ҳа-ҳа... Мана бу иморатни... Жуда соз. Жуда яхши...

Тошхон — Аям Нурмат акангга айт, пича ёрдам қилсинлар, деди.

Нурмат — Жуда яхши... Жуда яхши қизим. Жоним блан ёрдам қиламан. Эртагаёқ ишни бошлатиб юбораман.

Тошхон — Барақа топинг... Акам эшитса сиздан жуда миннатдор бўлади.

(Нурмат оғир ва ноқулай еазиятга тушади. Қалавалайди. Қизлар ачинши блан уни кузатадилар).

Нурмат — Шундай... Шундай... Миннатдор бўлади... Дун'ёнинг иши шунақа тескари... Шундай... Бу ҳали холам чиқиб кетди дедингизми? Ҳа, ҳа... яхши бўпти... Мана электр станция ҳам битиб қоладиган бўлди. Райондан ҳамма камми-кўстини тўғрилаб келдим... Лекин шу иш яхши бўлмадида... Бўлмаса мен, ҳалиги, электр станцияда ишлаб ётганлардан бир хабар олиб келай... Тез келаман... Унгача кампир чиқиб қолар... Ҳозир келаман.

(Нурмат чиқиб кетади. Қизлар ҳайрон бўлиб 'бир-бирларига қарашадилар).

Тошхон — Нега бундай? Сўзлари пойма-пой?

Тожиҳон — Ҳайронман. Муҳим бир нарсани айтаман, деб келдию, ботиниб айтолмади.

Тошхон — Ёки Нуғмонжоннинг йил ошисини ўтказиш тўғрисида кампир блан маслаҳатлашгани келдимикан?

Тожиҳон — Ҳа, ростдан ҳам Нуғмонжоннинг йил ошиси ҳам яқинлашиб қолгана. Фарзанд доғи ёмон дейдилар. Бечорага қариганда қийин бўлди. Яна ҳам ўзини иш блан овутиб юрибди-да...

Бўлмаса якка-ю ягона фарзанддан жудо бўлиш осоями? (*Бури-
вой кироди. У пича саросимада*).

Бўривой — Ҳечгандан хабарларинг борми? (*Кизлар ҳайрон*).

Тожиҳон — Йўқ. Нима гап?

Бўривой — (*ўзини босиб олиб*) Нурмат акам ҳечнарса айт-
ганлари йўқми?

Тожиҳон — Йўқ, нима эди?

Бўривой — Йўқ, ҳечнарса... Мен Нурмат акам сизларга
бирар нарса айтмадимикан, райондан битта-яримта янги гап то-
пиб келмадимикан, деб ўйлаган эдим.

Тошхон — (*кўкрагига туфлаб*). Во-ей, одамни ўтакасини
ёриб юборди. Бўгин-бўгиним бўшашиб кетди-я. Ёмонни бир қи-
лиги ортиқ.

Бўривой — Энди шунақа... Биз сиз учун доим ёмонмиз. Қа-
чон яхши бўламиз, билмайман.

Тошхон — Худо хайр берсин, кетинг. Шу кунларда ўзим
қонимга ташна бўлиб юрибман. Бир кориҳол бўлмасин.

Бўривой — Ҳайдаманг Тошхон, зерикканимдан кирдим. Би-
роз ўтирай...

Тошхон — Зериккан бўлсангиз урушга боринг. Қачонгача
хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси бўлиб уйда ўтирасиз?
Йигитларнинг ҳаммаси жангда.

Бўривой — Белинг ярамайди, деб, олмасалар нима қилай?

Тошхон — Бўлмаган гап. Жангга борадиган киши белига
қараб ўтирмайди. Нима, ҳеч бўлмаса ўқ ташиб беришга ҳам яра-
майсизми? Бел баҳона, бўлмасам балони ўқидексиз.

Бўривой — Кўп койиберманг, Тошхон, мен ҳам одам бола-
симан. Наҳотки уч йилдан бери мен учун бир оғиз яхши сўз
тополмасангиз?

Тошхон — Бундан кейин ҳам топилмайди. Мени тинч қўйинг.
Мен эрга текганман.

Бўривой — (*ҳайрон*). Қачон? Қандай қилиб? Тўй бўлгани
йўқ-ку.

Тошхон — Тўй ўрнига азасини тутдим.

Бўривой — Ҳечнарса тушинмадим. Тожиҳон, тушинтиринг,
ўзи нима гап? Ё бу ҳам мендан кулишми?

Тожиҳон — Бу ерда ҳечқандай кулки йўқ. Тошхон ростини
айтди.

Бўривой — Ахир кимга теккан?

Тошхон — Нуғмонжонга!

Бўривой — Нуғмонжонга! Нуғмонжон ўлган-ку?

Тошхон — Менга сизнинг тиригингиздан Нуғмонжоннинг
ўлиги ортиқ.

Бўривой — (*хафа бўлади. Сўнг заҳарханда қилиб*). Демак эр-
га тегмасдан туриб бева келибсиз-да, ойим қиз?

Тошхон — Шундай. Энди жўнанг!

Бўривой — Ҳайдаманг, ўзим кетаман. Лекин чакки қиласиз.
Ҳар оилага битта бошлиқ керак.

Тошхон — Акам сиздака бошлиқларнинг мингтасига татийди.

Бўривой — Агар акангиз қайтмаса-чи, пошшо қиз?

Тожиҳон — *(ҳаяжонда)*. Нафасингизни совуқ қилманг, Бўривой!

Бўривой — Гап менинг нафасида эмас. Дардни яширсанг иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Барибир мен айтмасам бошқа киши айтади... Бугун билмасангиз, эртага биласиз... *(Қизлар ҳаяжонда)*

Тошхон — Нима демакчисиз? Нима деб алжираётисиз?

Бўривой — Комилжон энди уйга қайтмайди. Комилжон... Ўлди.

(Қизлар даҳшатда бир нафас қотиб қоладилар. Сўнг ғазаб блан Бўривойга ташланадилар).

Тошхон — Ёлғон! Ёлғон!

Тожиҳон — Ноинсоф! Кимдан эшитдинг?

(Бўривой саросимада).

Бўривой — Ёлғон айтдим, Ёлғон! Қўйиб юборинглар. Ёлғон айтдим.

(Нурмат киради. У ҳаяжонда)

Нурмат — Жувормак бўл. Муттаҳам! Кечаси шум хабар тарқатиб юргандан кўра, тилинг кесилса бўлмайдими?

(Бўривой чиқиб кетади. Қизлар йиғлаб Нурматга ташланадилар).

Тошхон — Нурмат ака ростми?

Тожиҳон — Ростини айтаберинг.

(Нурмат қизларнинг бошини силаб)

Нурмат — *(оғир)*. Рост қизларим... Рост. Азага-аза қушилди. Комилжондан ҳам айрилиб қолдик.

(Қизлар лол. Даҳшатда. Сўнг йиғлайдилар).

Нурмат — Йиғламанглар, энди фойдаси йўқ... Йиғлаганларинг блан тирилиб келмайди... Бас-бас... Мен бугун билдирмоқчи эмас эдим. Ҳалиги касофат ишни бузиб кетди... Бас. Қўйинглар Кампир эшитмасин. Ҳозирча кампирга билдириш керак эмас... Бас.

(Эшик тамондан Ма'рифатнинг овози эшитилади).

Ма'рифат — Нимани? *(Қизлар дарҳол йиғидан тўхтайдилар. Нурмат оғир вазиятда. Ма'рифат киради. У даҳшатда)*. Нимани мендан яшираётисизлар?

Тожиҳон — Ҳечгап йўқ холажон, ҳечгап йўқ.

Ма'рифат — Бўмаса нега йиғладиларинг?

Тошхон — Йиғлаганимиз йўқ.

Ма'рифат — Мени нега алдайсизлар?

Тожиҳон — Холажон, йиғлаганимиз рост... Жиндак йиғладик. Ҳалиги, бурсикуни Нурмонжоннинг йил ошиси бўлар экан...

Шуни сўзлашиб туриб кўнглимиз бушашиб кетди... Уйга кириб холажон... дам олинг.

Тошхон — Уйга кириб ая!

Ма'рифат — *(Ишонмай ҳаммага бир-бир қараб чиқади)*. Раис нима гап бор? Ростини айтаберинглар. Ё Комилжон тўғрисида бирор гап эшитдиларингми? *(Қизлар ўзларини туттишолмай йиғлаб юборадилар. Ма'рифат воқидни англайди. У даҳшатда. Секин)*. Вой шўрим қурсин, вон болам... *Ма'рифат ҳушидан кетаёзди. Нурмат уни суяб айвонга ўтқизади*.

Нурмат — Сув беринглар! Сув.

(Тошхон сув келтириб оназига тутади, Ма'рифат сувни ичмай, қўли блан рао этади).

Ма'рифат — *(оғир оҳиста)*. Вой болам... Вой пешонам қурсин... Комилжон мени ташлаб қаёққа кетдинг? Мен сенга атаб уй солмоқчи эдим-ку.

Нурмат — Сабр қилинг кампир. Сабрдан бўлак чорамиз йўқ. Қандоқ қиламиз. Кўпга келган тўй... Пешонада бори шу экан... Энди қолганларнинг дуойи-жонини қилайлик.

(Қизлар паст овоз блан йиғлайдилар. Кампир жим, лол).

Парда

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Плашкарта вагони, Ёна-ёя икки купе. Ўндаги купеда йўловчилар карта ўйнаш блан машғул. Юқориги полкадагилар ётиб китоб ўқимоқдалар. Чадаги купенинг пастки полкида озган, сочлари оқарган Комилжон ўтирибди. Унинг чап қўли йўқ. Устида эски шинель. У ўйчан, унинг рўпара сидаги полкада Мария Ивановна чой ичиб ўтирибди. Купенинг стулчасида стакан, кружкалар, овқат, шириликлар, китоб ва карта. Мариянинг теласидаги полкада китоб ўқи Ольга ётибди. Унинг рўпарасида вагон ойнасида пастка қараб яна бир йўловчи ётибди. Атрофда, ташқарида одатта поезд жўнаш оядида бўладиган шовқинлар. Уёқдан-буёққа чойнак ва овқат ташиган йўловчилар ўтиб турали. 1945 йилнинг кузи

Мария — Мунча узоқ тўхтади?

Ольга — Катта станция, район маркази, ҳозир жўнайди.

(Иккинчи кўнғирок, ҳуштак, паровоз овози „Хайр! Хат ёз! Телеграмма юбор! Албатта! Оқйўл! Ҳаммага салом айтинг! Яхши!“ деган сўзлар эшитилади, поезд йўлга тушади).

Мария — Ҳа, гўргая... *(Комилга)* ўғлим, бунча ўйга толаберасан?

Комил — Менми? Шундай... Ўзим.

Мария — *(чай узатиб)*. Мана бир стакан чой ич.

Комил — Йўқ... раҳмат.

Мария — Қўлимни қайтарма, ўзбекларнинг одатида қўлни қайтариш ёмоқ бўлади.

Комил — Сиз ўзбекларнинг одатини қаёқдан биласиз?

Мария — Мен узбекистонда 40 йил яшаганман. Ол! (*Комил чойни олади*) Конфет блан ич, нон е.

Комил — Раҳмат.

Мария — Поездга чиққанимдан бери зеҳн солиб келаётибман: оз овқат ейсан, кам гапирасан.

Комил — Мен жим ўтириб, ўй-ўйлашни яхши кўраман... Айниқса уруш шовқинларидан кейин.

Мария — Назаримда бироз хафарақ кўринасан... Дуруст, сенга оғир... Бир қўлингдан ажрабсан. Аммо қўлидан ажраган битта сенми?

Комил — Фақат қўлдан ажралсам майли эдия...

(*Ольга китоб ўқишни йиғиштириб суҳбатга қулоқ солади*).

Мария — Нима бўлди болам?

Комил — Э, сўраманг она. Мени ишим жуда чалкаш, ўзим ҳам ўйлай-ўйлай тагига етолмай ўтирибман.

Мария — Бировга айтиб бўлмайдиган ишми?

Комил — Айтганим блан фойдаси йўқ.

Мария — Айтиб қара. Зора фойдалиқ маслаҳат берсам.

Комил — (*паузадан сўнг*). Майли, онам қатори киши экансиз, юрагимни дастлаб сизга очай... Мен бир қизни яхши кўра эдим. У блан доим хат олишиб турардик. Аммо икки йилча бўлди, алоқамиз узилиб қолди. Билмайман эрга тегиб кетдимми ё йўқми.

Мария — Агар астайиндил яхши кўрса, кутади.

Комил — Унда ёмон.

Мария — (*ҳайрон*) Нега?

Комил — Тасаввур қилинг, сиз ҳали дун'ёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган бир қизсиз. Сиз ҳамма ёғи бут, соғлом энди 21 ларга қадам қйган новқирон бир йигитга кўнгил бердингиз. Сўнг замоннинг зайли блан уни узоқ ва хатарли сафарга жўнатдингиз. Бутун умидингизни унга бағишладингиз-у, беш йил ҳижрон азобларига бардош бериб, уни кутдингиз. Сафар муддати тугади. Йигит қайтди, аммо аввалги ва сизнинг тасаввурингизда камолга етган новқирон йигит эмас, балки ёшига етмай туриб сочлари оқарган, бир қўлидан ажраган, майиб бўлиб қайтди. Шунда сиз у йигитни қандай қарши олардингиз?

Мария — Қандай кутган бўлсам худди шундай.

Комил — Ахир йигит мутлақо бошқа майиб бўлиб қайтса ҳам-а?

Мария — Авваламбор, майнблиги учун йигит айбли эмас. Иккинчидан мен йигитнинг қўлини эмас, ўзини севган бўлар эдим.

Комил — Чиройлик, аммо сохта жавоб бердингиз. Қиз ҳарқанча вафодор бўлмасин, йигитни кутилмаган қиёфада кўрса, паришон ва пушаймон бўлмай иложи йўқ. Дуруст, у ўз аҳволини йигитга айтмайди. Аксинча яширади, йигитни кулган чеҳра блан

қарши олади, бўйнига қўл ташлайди, аммо ичидан зил кетади. Ўзини бахтсиз ҳисоблайди.

Ольга — У ҳолда қиз бошқа одамга тегиши керак.

Комил — Бу йигит учун ўлим блан баробар.

Ольга — Мен йигитнинг мард ва тақдирнинг ҳарқандай найрангларига бардош бераоладиган бўлишини истар эдим.

Комил — Бу айтишга осон, аммо ҳал қилиш қийин бўлган муаммо. (Ольга суҳбатга қизиқиб пастга тушади ва бошқа хушчақчақ оҳанг блан суҳбатни давом этдиради).

Ольга — Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлсам парвойимга келтирмасдим. Кутса-кутар, тегса-тегар дердим, кўяр эдим. Жонингиз омон қолибди, шунга хурсанд бўлсангизчи. (Марияга) Чойингиздан бир стакан ичсам майлими?

Мария — (ёқтирмай). Ҳа ичинг. (Ольга чой қуйиб ича бошлайди, Комил унинг кўзларига тикилади).

Ольга — (қулиб). Ростда, у бўлмаса бошқаси! Нима, дунёда хотин қуриб қолибдими? Сиздек уруш қаҳрамонларига мана-ман деган қизлар жон-жон деб тегади.

Комил — Сиз мендан кулаётисиз хоним.

Ольга — Нима учун кулишим керак? Тўғриси айтаётиман. Одамзод дунёга бир марта келади. Бас, умрини ганимат билиб, хурсандчиликда ўтказиши лозим. Ҳечқачон ва ҳечнарсасига хафа бўлмаслик керак. Мана мендан ўрнак олинг: ўтган йили эрим фронтда ўлди, тўғри, аввал пичи йиғладим. Аммо кейин тақдирга тан бердим, юпандим ва бошқасига тегиб олдим. Тўғри қилибманми? Албатта тўғри. Нима, бўлмаса эрим ўлди деб умрбод қора кийиниб, аза тутишим ва ҳаётдан безишим керакмиди? Йўқ. Менинг сизга маслаҳатим: нима бўлса бўлар, асло ташвиш тортманг, дунёда нима кўп хотин кўп.

Комил — Аммо муҳаббат битта.

Ольга — (ноқулай). Ана халос, сиз мени муҳаббатга тушунмайди деб ўйладингиз чоғи?

Комил — Агар муҳаббатга тушунсангиз турмуш ва оила ҳақида бу қадар енгил мулоҳаза юргизмаган бўлар эдингиз,

(Ольга ўз гапидан пушаймон, хижолат).

Мария — (Ольгага). Сиз ўйлаган нарса муҳаббат эмас, ҳавас. Ҳавас блан муҳаббат ўртасида ер блан осмонча фарқ бор. Гапларингиздан малум бўлдики, шу ёшга келиб ҳали муҳаббат нима эканини билмабсиз.

Ольга — (ҳаяжонда). Кечирасиз. Мен...

Мария — (сўзини бўлиб). Муҳаббатнинг лаззатини татиб кўрмабсиз. Сиздай кишилар тўғрисида ўзбекларнинг бир мақоли бор: „ишқи йўқ эшак, дарди йўқ кесак“.

Ольга — (қаттиқ хафа бўлиб). Наҳотки мен шунчалик оғир ҳақоратга лойиқ сўз айтдим.

Комил — (қулиб). Мана, сиз мени хафа қилмоқчи эдингиз, аммо ўзингиз хафа бўлиб қолдингиз.

Ольга — Аксинча, мен сизни хурсанд қилмоқчи эдим. (Ольга

нима қилишчи билмай столдаги картани олиб чилай бошлайди ва сўзни бошқа ёққа буриш учун Қомилга мурожаат қилади).

Ольга — Карта ўйнайсизми?

Комил — Мен карта ўйинини, умуман ўйинни ёмон кўраман. Хусусан турмуш ва муҳаббатни картага ўхшатиб ўйнайдиганлар блан.

Ольга — Кечирасиз, мен сизга тасалли бермоқчи эдим.

Комил — Ёлғон тасалли — тасалли эмас, азоб беради.

Ольга — (ҳайрон). Ёлғонлигини қаёқдан билдингиз?

Комил — (кулиб). Чунки тилингиз бир нарсани айтибдию, кўзингиз бошқа нарсани. Чунки шундай чиройли ва ёкимли аёлнинг, муҳаббат нима эканини билмаслиги мумкин эмас.

Ольга — (енгил тортиб). Ҳайрият озиб-ёзиб бир марта ёлғон гапириб қўйганимга пушаймон эдим. Йўқ, яхши иқрор бўлмасимдан илгариеқ ўзингиз билиб олақолибсиз.

Комил — (кулиб). Бахтга қарши.

Ольга — Мени бекорга ранжитдиларингиз. Мен ҳам муҳаббатнинг нима эканини жуда яхши биламан.

Комил — (ҳазиллашиб). Аммо юпатишни билмас экансиз.

Ольга — (кулиб). Тажриба шуни кўрсатди. Эримнинг ўлгани ҳам, бошқа эрга текканим ҳам ёлғон. Мен шунчаки сизга та'сир қилармикан, кўнглингизни кўтарармикан, деб айтган эдим. Бўлмаса мен ҳам шу ёшга келиб фақат бир кишини, севдим ва ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ўшани севаман. У менинг кўз очиб кўрган эрим. Касби врач. Ҳали ҳам армияда. Ўзим инженерман. Ўзбекистонга, сизнинг юртингизга кетаётибман.

Комил — Бўлмаса ҳамроҳ бўлар эканмиз-да?

Ольга — Жоним блан. Лекин бир шартим бор: хафа бўлманг, диққатпазликни ташланг.

Комил — Илтифотингиз учун раҳмат.

Мария — Ҳа, гўрга-я. Мен сизни, бошдаги гапларингизга қараб, енгилтак, ановнақа саёқ аёллардан экан деб, ансам қотган эди. Ҳайрият, тахминим нотўғри бўлиб чиқди. Кечирасиз, ҳалиги мақолни қайтариб олдим. (Кулишади. Бир қиз киради).

Қиз — Мария Ивановна, ойим сизни чақираётпти. Картангизни олиб дарров келармишсиз.

Мария — Хўб, ҳозир бораман. (Қиз кетади. Мария ўрнидан туриб картани олади. Ольгага). Қани, юринг ҳали карта ўйнашга иштиёқингиз баланд эди. (Қомилга) Сенчи, болам?

Ольга — (ҳазиллашиб). Бу киши карта ўйинини ёмон кўрадилар.

Комил — Ҳамма вақт эмас... аммо ҳозир дам олай...

(Мария блан Ольга кетадилар. Комилсон яна ўйга чўмади. Бироздан сўнг чап томондан қўлтиқ тасқли Миша киради. Унинг бир оёғи йўқ. Ёнида ҳамроҳи. Комил Мишани кўриб танийди).

Комил — (ҳаяжонда). Миша!

Миша — (Даф'атан таниёлмайди). Кимсиз? (Таниб) Ё алҳазар! Комил!

Комил — Худди ўзи.

Миша — Тирик! Демак ўлмагансан!

Комил — Кўриб турибсан-ку.

Миша — Ё алҳазар! (*Шеригига*) Сен ресторанга боратур. Мен ордан бораман. (*Шериги кетади.*) Оббо сене. Биз сени ўлдига чиқариб қўйган эдик. Қандай қилиб тирик қолдинг? Шу чоққача қаерда эдинг?

Комил — Аввал сен менинг саволимга жавоб бер, ўшанда омон-эсон штабга етиб бордиларингми? Хужжатларни топшира-олдиларингми?

Миша — Ҳа, топширдик. Ўша хужжатлар ва, ҳў асир эсингдами?

Комил — Ҳа, ҳа.

Миша — Ўша хужжатлар ва ўша асирдан олинган сўроқ яхши натижалар берди. Шу натижаларга асосланиб туриб немисларнинг ҳужум планини бузиб юбордик ва ўзимиз ҳужумга ўтиб, катта ғалаба қозондик.

Комил — (*хурсанд*). Хайрият, чеккан азобларим бекорга кетмапти.

Миша — Хўш, қани, энди сен гапир.

Комил — Мен, ўша сизлар кетганларингдан кейин, то ўқим адо бўлгунча немислар блан отишдим. Кейин асир тушмаслик учун сўнгги ғраната блан ўзимни-ўзим портлатмоқчи эдим, улгираолмай қолдим. Немислар ёпирилиб устимга ташландилар. Кейин бошимга урдиларми, ё қонсирашдан бўлдими, ҳушимдан кетдим. Кейин нима бўлганини билмайман. Бир маҳал кўзимни очиб қарасам партизанларнинг ертўласида ётибман. Кейин билсам, немислар мени асир қилиб, мазмуни ҳушимга келтириб сўроқ қилмоқчи бўлган бўлсалар керак, штабларига олиб кетаётганларида партизанлар ҳужум қилиб мени қутқазиб олишибди. Шундан кейин партизанларга қўшилиб мен ҳам партизанлик қила бошладим. Бир кун Чехословакия чегарасига яқин ерда бўлган қаттиқ жангда, отрядимиз қуршовга тушиб қолди. 3 кечаю 3 кундуз сурункасига жанг қилдик. 4-нчи кун кечаси қуршовни ёриб, чехословакия чегарасидан ўтиб кетдик. Бориб чехословак партизанларига қўшилдик. Шундан сўнг то қўшинимиз бориб етгунча чехословак партизанлари блан бирга немисларнинг додини бериб юрдик.

Миша — Оббо сани!.. Қўлдан қачон ажралдинг?

Комил — Бултур, чехословакияда. Сен оёқдан қачон ажрадинг?

Миша — Ўзоғи йили.

Комил — Чакки бўлибди.

Миша — Зарарсиз, гап оёқда эмас, бошда.

Комил — Шундай деб, ўзингни-ўзинг юпатасан-да?

Миша — Мени ғалаба ва халқимизнинг бахти юпатади.

Комил — Зигирча ҳам хафа бўлмайсанми?

Миша — Агар оёғим бекорга кетган бўлса, хафа бўлардим. Аммо менинг битта оёғим учун сюзлаб немис бошини берди.

Мен бир оёғимдан жудо бўлдим, аммо юзлаб гўдакнинг жони саломат қолди. Кишилиқнинг бахт ва саодати учун тўкилган қонда меним ҳам қоним бор. Шу мулоҳазалар менга далда беради.

Комил — (қойил бўлиб). Ҳали ҳам темирсан, Миша.

Миша — Ундан ҳам ўтиб кетганман (қулишади).

Комил — (қулиб). Хўш, сельсоветга раис бўлдингми?

Миша — Бўлганда қандоқ, ариза бермасимдан илгарийёқ ўзлари сайлаб қўяқолишди. Мана ҳозир сельсоветнинг ишлари блан районга бориб келаётибман.

Комил — Ҳо, план амалга ошдими?

Миша — Ошиғи блан. Қишлоқ эмас, шаҳар қуриб юбордим. Мана бориб кўрасан. Ҳойна-ҳой меникига тушмасдан кетмассан?

Комил — Бошқа вақтда.

Миша — Йўқ, унақаси кетмайди. Қоласан.

Комил — Аввал бориб кампирларнинг ҳоли-аҳволидан бир хабар олай, нима бўлди, нима йўқ.

Миша — Э, хотиржам бўл, ҳаммаси омон-эсон.

Комил — (ҳайрон). Сен қаёқдан биласан?

Миша — (қулиб). Эсингда борми, ҳо, землянкада Тожихоннинг адресини берган эдинг, ўшандан бери, орамизда хат узилмайди. Фақат Тожихондан эмас, қишлоғингдаги бошқа колхозчилардан ҳам хат олиб тураман. Айниқса кампир блан Тошхон куп ёзишади. Айтгандай, мен блан қайтадан танишишинг керак. Мен сенинг аканг бўламан! Ҳа! Ма'рифат хола мени ғойибона ўғил қилиб олган. Ҳар хатида кел, деб ёзади. Ишдан бўшаб боролмаётибман. Ҳатто кўпдан бери хат ҳам ёзаолганим йўқ (пауза).

Комил — Миша, Тожихон ҳали куёвга чиққани йўқми?

Миша — Шуни билаолмадим... Бу ҳақда ёзишгани йўқ.

Комил — Қодир борми?

Миша — Ҳа... Бечора ўшанда сенга расо куйди-да, киши бир туққан жигарига ҳам бунчалик куймайди. Сени жуда қаттиқ яхши кўрар экан.

Комил — Ҳозир қаерда биласанми?

Миша — Ҳали ҳам армияда бўлса керак. У кейин жуда тез кўтарилиб кетди. Эшитишимга қараганда ҳозир младший лейтенант эмиш. Қоласан оғайни. Мен ишларимни сал енгиллатай, бирга борамиз.

Комил — Сен ишингни енгиллатганингча, мен қишлоққа бориб келаман... Батамом сенинг ёнингга келаман.

Миша — (ҳайрон). Батамом? Сабаб?

Комил — Нима фарқи бор, Ўзбекистонда яшайманми, Украинадами? У ерда ҳам колхоз, бу ерда ҳам колхоз. У ер ҳам Ватан, бу ер ҳам Ватан.

Миша — Тўғри... аммо назаримда астайидил жавоб бермадинг, Хўш қачондан бери дўстларингдан сир яширадиган бўлиб қолдинг?

Комил — Ҳечнарсани яшираётганим йўқ.

Миша — Нима учун бирдан туғилиб ўсган ерингдан воз кечмоқчи бўлиб қолдинг?

Комил — *(таратдудланиб)*. Бўлмаса сен аввал менга бир нарсани айтчи, қишлоқдагилар ҳам мени ўлдига чиқаришганимиди?

Миша — Ҳа... қорахат олишган экан... Онанг бир йил азангни тутибди... Энди сени кўрса, қувонганидан боши осмонга етади.

Комил — Тожихон ҳам қувонармикан?

Миша — Бўлмасамчи?

Комил — Унчалик эмасдир.

Миша — Нотўғри ўйлайсан.

Комил — Улар мени ўлди деб ўйлаган эканлар, ҳали ҳам худди шундай деб ўйласинлар. Мен улар учун дун'ёда йўқман.

Миша — Бу олижаноблик, лекин бир ёқлама олижаноблик.

Комил — *(ҳайрон)*. Нега?

Миша — Сен, Тожихон блан Қодиржон бахтли ҳаёт қурсинлар, мен уларнинг бахтига халал бермай, деб ўйлайсан, шундайми?

Комил — Шундай.

Миша — Бордию акси бўлиб чиқсачи?

Комил — Қандай қилиб?

Миша — Фараз қилайлик: Тожихон Қодирни эмас, сени севади. Аммо сени ўлди, деб ўйлаб, Қодирга тегди. Кейин сенинг тирик эканингни эшитиб қолдилар. Унда нима бўлади? Унда уларнинг ҳаёти умрбод пушаймон блан ўтмайдами? У ҳолда сен фақат ўзингнигина эмас, уларни ҳам бахтсиз қилган бўлмайсанми? *(Комил ўйланиб қолади)*.

Комил — Сенча нима қилиш керак.

Миша — Тожихоннинг олдидан бир ўтишинг керак.

Комил — Тожихон мени бу аҳволда кўриб рад қилсачи?

Миша — Агар астайиндил севса рад қилмайди.

Комил — Бордию рад қилди. Ахир шундай бўлиши ҳам мумкинку? Унда нима қиламан?

Миша — Унда пешонангдан кўрасан, уларга йўл бериб ўзингни чекага олсан ва олижанобликни мукамал бажо келтирган бўласан.

Комил — *(ўйлагандан сўнг)*. Фикрларинг тўғри кўринади. *(Қат'ий)* шундай қиламан! Бориб Тожихоннинг олдидан ўтаман. Эҳтимол... *(хурсанд)* Миша, наҳотки менга бахт кулади деб ўйлайсан?

Миша — Қодиржоннинг землянкада айтган бир сўзи ёдимда: умид яхши нарса, юракга далда беради. Қоқилсанг суяйди. Йиқилсанг кўтаради!

Комил — Тўғри гап! Ноумид шайтон дейдилар!

(2 бутилка пиво кўтариб Мишанинг шериги қайтади).

Шерик — Заб келдингда, Миша! Қани тур, яқинлашиб қолдик. Мана тегишингни олиб келаётимман, ичиб ол!

Миша — Юр, хурсандчиликга бир стакан-бир стакан кўтарайлик.

Комил — Бўпти! *(Тепадаги йўловчига)* Агар малол келмаса нарсаларга қараб турсангиз, мен ҳозир келаман.

Йўловчи — Яхши.

(Миша, унинг шериги, Комил чап томонга чиқиб кетдилар, ўнг купедаги пассажирлар нарсаларини йиғиштира бошладилар. Бир оздан сўнг поезд тўхтайди, пассажирлар чиқиб кетади. Янги пассажирлар киришади. Икки ҳарбий блан младший лейтенант формасида Қодир киради).

Ҳарбий — Мана бизнинг жой *(ўнг купега жойлана бошлайдилар)*. Хўш, сўнг қиз нима бўлди?

Қодир — Уртоғим ўлгандан кейин малум бўлдики, қиз уни яхши кўрар экан ва ўшанга тегаман, деб ният қилиб юрар экан. Мени ҳам яхши кўрар экан-у, аммо бошқачароқ — бир туғишган акасидек яхши кўрар экан. Қизнинг кўнгли ва нияти малум бўлгач, ниҳоятда ўқиндим. Ўртоғимнинг ўлганига яна ҳам қаттиқроқ куйиндим. Қиз уни бир ярим йил кутди. Қизнинг бу вафодорлиги ва садоқати, менинг унга бўлган муҳаббатимни яна ҳам зўрайтириб юборди... Бу севги мени қийнар, менга бир нафас ором бермас эди. Аммо мен ўртоғимнинг хотираси, ҳурмати ва қизнинг муҳаббатини ҳақорат қилмаслик учун, бир ярим йил ўз муҳаббатим ҳақида лом-лим демадим. Бир ярим йил юрганамда икки ҳис курашди. Бир дўстимга бўлган садоқат, иккинчиси қизга бўлган муҳаббат. Садоқат: наҳотки дўстингга бўлган садоқатинг умри шу қадар қисқа эди? Қайси юз блан дўстинга хиёнат қилиб, севгингни, унинг севгилисига айтасан? дер эди, муҳаббат эса: бўлар иш бўлди, ўлган тирилиб келмайди, бир ярим йил дўстингнинг хотирасини риоя қилдинг, етади... юрагингни қизга айт, ҳаётнинг қонунига бўйсун-у, у блан бирга умр кўр, дер эди. Э'тироф қиламан, эҳтимол бу менинг ожизлигимдир, аммо бир ярим йилдан сўнг хат орқали қизга яна ўз муҳаббатимни изҳор қилдим. Қиз ҳам бир ярим йил кутгандан кейин, тақдирга тан берди шекилли, тақлимни қабул этди. Мана бир ойга отпускаи олдим, бориб тўй қиламан. Тўйни эсласам қувонаман, ўртоғимни эсласам хафа бўламан.

Ҳарбий — Қизик воқиа... қани юринглар. Ресторанга бориб бир пивоҳўрлик қилайлик.

(Ўнг томонга чиқиб кетишади. Мария блан Ольга қайтади).

Мария — *(Йўловчига)* ҳамроҳимиз қани?

Йўловчи — Ҳозир келади. *(Миша блан Комил киради).*

Комил — *(хурсанд)*. Мария Ивановна, узр, сизлар блан хайрлашишга тўғри келиб қолди.

Ольга — Ахир, мен блан ҳамроҳ бўлиб Ўзбекистонга бормоқчи эдингиз-ку?

Комил — Бахтга қарши кейинроқ борадиган бўлдим. (Мишани кўрсатиб) Ўртоғим, агар 1—2 хафта меҳмон бўлиб кетмасанг отивораман, деяпти.

Миша — (хотинларга). Узр, айб менда.

Мария — Хайр нима ҳам дедик.

Комил — (қўл бериб). Хайр, Мария Ивановна, (Ольгага) хайр, яхши-ёмон гапирган бўлсам узр. Хайр, Ўзбекистонга бориб сизни албатта топаман. Тўйимда бирга бўласиз.

Мария — Ниятингга ет болам, хайр.

Ольга — Хайр.

(Миша блан Комил чапга чиқиб кетади).

Парда

(Давоми бор)

А. ФАДЕЕВ

ЁШ ГВАРДИЯ

Роман *

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Қишлоқ хўжалик тажриба даласида бўлган шиддатли жангдан кейин, 17 июль кундуз соат 2 да, немислар Ворошиловградни олдилар; жанубий фронт армияларидан бири бу жойда ўз қисмларидан бирини ғов қилиб қолдирган эди, бу жангда ниҳоятда кўп куч тўплаган немислар, қолдирилган қисмнинг учдан иккисини қириб ташлаган эдилар. Қисмнинг қолгани эса то Верхне-дуванная станциясигача, я'ний охириги солдат Донец тупроғига етмагунча жанг қилиб чекиниб борди.

Краснодондан ва атропоф районларидан кетмоқчи бўлган ва кетишга қодир бўлганлар ҳаммаси шу вақтгача шарққа кетиб бўлган эди. Аммо Краснодондаги Горький номли мактабнинг саккизинчи ва тўққизинчи синф болалари ҳечнарсадан хабарлари бўлмай, унинг устига транспорт йўқлигидан узоқ Беловодск районида қолиб кетган эдилар (улар дала ишларига юборилган эдилар).

Бу болаларни у ердан кўчириб олиб кетишни халқ маориф бўлими шу мактабнинг ўқитучиси, рус адабиёти муаллимаси Мария Андреевна Борцага топширган эди. Мария Андреевна Бори Донбассда туғилиб ўсган бўлиб, шу атропофнинг шароитларини яхши билар, сергайрат хотин эди; болаларни бу ердан олиб кетишга ўзи ҳам қизиққан эди, чунки болалар ўртасида унинг қизи Валя ҳам бор эди.

Болаларни олиб кетиш учун биттагина юк машинаси қерак эди, халос, аммо Мария Андреевна бу топшириқни олганда ҳечқанақа транспорт топишнинг иложи қолмаган эди. Йўлда нима дуч келса шунга тушиб, бир кун вақт сарф қилиб, зўрга совхозга етди. Иродаси кучли ва оғир йўлдан чарчаган комсомол қизи ва ўқучиларнинг тақдири учун ташвишланиб ҳорган аёл, совхознинг мол-мул-

* Боши ўтган соҳларда.

жини зўрға кўчириб кетаётган, одамлар блан сўкишавериб овози бўғилиб кетган, бирнеча кундан бери кўз юлмаган, соқол-мўйлаби ўсиб кетган совхоз директори лом-мим демай сўнгги машинани берганда юраги тўлиб кетган аёл йиғлаб юборди.

Фронтдаги аҳволнинг ниҳоятда оғир эканлиги Беловодск районида малум бўлса-да, Мария Андреевна қайтиб борганича болалар ёшларга хос беғамлик ва катталар ғамхўрлигига ишониб, бе-малол ўйнаб-кулиб юришарди; ёш ўсмирлар очиқ ҳавода, табиат қўйнида тўпланиб қолишса, ёшлар ўртасида дўстона романтик муносабатлар туғилади, уларда ҳам шундай шод кайфият пайдо бўлган эди.

Мария Андреевна болаларнинг кайфини бузмаслик учун аҳволнинг ёмонлигини уларга айтмади. Аммо унинг асабийланганидан ва уйга қайтишга жуда шошилиб отланишидан болалар бирон фалокат юз берганини сездилар. Уларнинг руҳи тушди, ҳамма ўз уйини, бундан сўнгги тақдирини ўйлай бошлади.

Валя Борц эрта бўйига етиб қолган қиз эди; қўллари сариқ, майса босган, оёқлари ҳали ёш қизларникидай, киприклари қора, кўзлари ҳам қорамтил ва уларда бироз кибр сезиларди, олтиндек сариқ сочлари узун ўрилган, қип-қизил лабларида ҳам манманлик бор эди; бу қиз совхоздалигида мактабдоши Стёпа Сафонов деган паст бўйли, сочи оппоқ, лучуқ, сепкилдор, кўзлари ўйноқи бир бола блан дўст бўлиб қолган эди.

Валя тўққизинчи синфда, Стёпа эса саккизинчи синфда ўқир эди, бу эса агар Валя қизлар блан дўст бўлганида уларнинг дўст бўлишига анча халақит бериши мумкин эди, аммо Валя қизлар блан унча юрмасдан, ўғил болалар ичида ҳам унга ёқадиган ҳеч-кимса йўқ эди. Валя кўп ўқиган, пианинони яхши чаладиган қиз бўлиб, ўз тенг-қурларидан малумот жиҳатидан анча баланд турарди, бунини ўзи ҳам биларди, ўзи тенги ўғил болаларнинг унга ҳурмат блан қарашларига ўрганиб қолган эди. Стёпа Сафоновнинг унга ёқиб қолгани ўзининг унга ёққанлиги эмас, балки Стёпа уни нуқул кулдириб юришида эди; Стёпа ҳақиқатан ақлли ва дилкаш бола, жонажон ўртоқ ва сергап эди. Валя ўзи камгап бўлгани, ўз сирини фақат кундалик дафтарига ёзиб, бировга айтиб юришни ёмон кўрганлиги, турли қаҳрамонликларни орзу қилиб юриши, ҳамма сингари у ҳам учучи бўлишини ҳавас қиларди, — ўз кишисининг ҳам қаҳрамон бўлишини исташи, — мана шулар туфайли у Стёпа Сафоновни ёқтирган эди. Стёпа уни ўзининг турли ҳазили, поёни йўқ хаёлий фикрлари блан кулдириб юрарди.

Валя у блан биринчи марта жиддий сўзлашга ботинаолди; немислар Краснодарга келиб қолса нима қиласан, деб сўради.

Валя унга қорамтир ва совуқ, ўткир кўзлари блан жуда жиддий ва сынагансимон тикилиб қаради, Стёпа эса, бу беғам ва доим зоология блан ботаникага ишқивоз бўлган, машҳур олим бўлишни ҳавас қилиб юрган, агар немислар келиб қолса нима қилажанини ўйламаган бола узоқ ўйлаб ўлтирмадида, немисларга қарши кечаю-кундуз, тинмай курашаман, деб жавоб берди қўйди.

— Бу бекорчи гап эмасми? Рост айтасанми?—деб совуққина сўради Валя.

— Нега бекорчи гап бўлсин? Албатта рост-да—деди Стёпа, узоқ ўйламай.

— Қасам ич...

— Қасам ичдим... Албатта қасам ичаман... Ундан бошқа тагин нима қилишимиз мумкин? Ахир биз комсомолмиз-ку?—деди ҳайрон бўлиб, қошларини учуриб сочи оппоқ Стёпа ва ниҳоят савол ма'носига тушуниб, Валядан:—ўзингчи?—деб сўради у.

Валя лабларини унинг қулоғига яқин келтириб, шивирлади:

— Қасам ичаман...

Сўнгра, лабларини унинг қулоғига қўйиб, бирдан тойчоқдек пишқирди. Стёпанинг қулоқ пардаси ёрилиб кетаёзди; Стёпага:

— Нима бўлсаям тентаксан, Стёпка! Тентаксан ва маҳмадона!—деди-да, қочди.

Улар тунда йўлга чиқишди. Машина чироғидан тушган хира шу'лалар улар олдидан, қирдан чошиб борарди. Юлдуз тўла, қоп-қора осмон бутун атрофни қоплаган, қирдан енгил шабада эсар, похол, етилиб келаётган бугдой, бол, майса ҳидлари келиб турарди; қалин ва ялиқ ҳаво юзларни силар; уйларида уларни немислар кутиб олиши эҳтимолига ҳечким ишонгуси келмасди.

Машина болалар блан лиқ тўла эди. Агар бўлак вақт бўлганда улар кечаси блан ашула айтишиб чиқишар эдилар, кулишар, бақиршардилар, бир-бирлари блан секин-аста ўпишиб ҳам олардилар. Ҳозир эса улар шумшайишиб, индамасдан, ҳарзамон-ҳарзамонда бир-бирларига луқма ташлаб боришар эди. Орадан кўп ўтмай аксари болалар ўз буюмларига бошларини қўйиб, бир-бирларига суянишиб, мудраб кетишди.

Валя блан Стёпа машинанинг кетида ўтириб боришарди, чунки улар навбатчи эди. Стёпанинг ҳам кўзи кетабошлади, Валя эса ўз халтасига ўтириб олиб, қоп-қоронғи қирдан кўзини узмас эди. Ҳозир ҳечким қарамаганда унинг тўла ва кибрли лаблари болаларча ма'юс ва ғамгин эди.

Мана, уни учучилар мактабига ҳам олишмади. Қанча уринса ҳам олишмади, — аҳмоқлар. Турмуш бўлса—бузилди. Энди уни нима кутади? Стёпка—сергап, маҳмадона. Албатта у жон деб яширин иш олиб бориши мумкин эди, аммо буни қандай бошлаш керак, буни ким бошқаради? Отасининг тақдири нима бўларкин? — Валянинг отаси яҳудий эди, — мактабининг тақдири нима бўларкин? Қалбада куч зўр, муҳаббат катта, аммо ҳеч кимсани севиб улгуролмади, — умрининг оқибати шу бўлди-да! Турмуши ўнгмади. Валя узини одамлар олдида кўрсатолмайди, шоншавкат эгаси бўлолмайди, одамларнинг ҳурматига сазовор бўлолмайди энди. Кўзларидан алам ёшлари қайнаб чиқабошлади, аммо бу ёшлар олийжаноб кўз ёшлари эди, ахир у энди ўн еттига кирган эди? — Кибрли, инжиқ одамнинг эмас, балки ёшгина, иродали қизнинг соф ва юрак орзулари эди.

Унинг орқасидан бирдан худди машинанинг деворидан тир-
машибчиқаётган мушукдек галати бир товуш эшитилди.

У дарҳол ўгирилдида, чўчиб тушди.

Бола деса бола эмас, йигит деса йигит ҳам эмас, бошига кеп-
ка кийган, ориқ ва абжир пакана бир одам икки қўли блан
машинанинг деворига тирмашиб, бир оёғини машинанинг ичига
қўйди, қоронғида ялтираган кўзлари блан машинанинг ичини
кузатиб чиқди.

Бирон нарсани ўлжа қилишни ўйлаганми? Мақсади нима экан
унинг? Валя уни машинадан итариб юбормоқчи бўлиб қўлини
беихтиёр чўзди, аммо бу фикрдан қайтди, тўпалон кўтармайин
деб, Стёпани ўйғотмоқчи бўлди.

Аммо ниҳоятда эпчил ва чаққон бу бола ёки йигитча бир
зумда машинага чиқиб олган эди. У, Валянинг ёнига ўтирдида,
кулган кўз-юзини Валянинг юзига яқин олиб келди ва бармоғини
лабига қўйди, бола кимнинг ёнида ўтирганини билмаган бўлса
керак. Яна бир лаҳзадан сўнг унинг аҳволи пачава бўлиши турган
гап эди, аммо шу лаҳза ичида Валя уни яхшилаб кўриб олди. У
ўз тенгидаги ўсмир бола, кепкаси орқага тушиб кетган, анчадан
бери сув тегмаган юзи кир, аммо болаларча олийжаноблик ва
мардлик акс этган, қоронғида эса кўзлари ялт-ялт ёнар эди.
Валя шу дамда болани яхшилаб кўриб олиши, боланинг жонига
ора кириб қолди.

Валя қимир этмай ўтираверди, овозини ҳам чиқармади. У,
ўзи ёлғиз бўлмай, ёнида бирон кимса бўлгани вақтидагидай, мус-
тақил ва кибр блан болага совуқ қилиб қарарди.

Бола Валянинг юзига яқинлашиб:

— Кимнинг машинаси? — деб шивирлади.

Валя энди уни яна яхшироқ кўрарди. Боланинг сочлари жин-
галак, қаттиқ, юпқа лаблари бир-бирига қаттиқ ёпишган эди;
унинг олдинга чўзилиб чиққан лаблари бироз шишгандай эди.

— Нима ишинг бор? Сен кутган машина эмас эканми? — деди
совуққина шивирлади Валя. Бола жилмайди.

— Меники — ремонтда, ўзим жуда чарчабман, шунинг учун...
деди ва: „Менга барибир“ дегандай қилиб қўлини силкитди.

— Кечирасиз, ётадиган юмшоқ жойлар банд, — деди Валя.

— Олти кечаю олти кундуздан бери ухлаганим йўқ, яна бир
соат чидасам чидарман, — деди самимийлик блан бола, қизнинг
кесатишидан хафа бўлмай.

Бола гапирар экан, кўзига кўринган нрсаларга, машинадаги-
ларнинг башараларига қарар эди.

Машина йўлдаги ўнқир-чўнқирларда сакраб-сакраб кетарди.
Шунда Валя ҳам, бола ҳам машинанинг четини ушлаб олишарди.
Бир маҳал Валянинг қўли боланинг қўли устига тушиб қолиб
эди, Валя дарҳол қўлини тортиб олди, бола бошини кўтарди-да,
қизга тикилиб қаради.

— Бу ухлаётган ким? — деди у ва Стёпанинг у ёқ-буёққа
чайқалиб турган сочи оппоқ бошига юзини яқин келтирди. —
Стёпка Сафоновку! — деди бирдан овозини баланд қилиб. — Ма-

шина кимникилигини энди билдим. Горький мактабими — Беловодск районидан келаётирсизларми?

— Стёпа Сафоновни қайердан танийсан?

— Жарда, сой бўйида танишган эдик.

Валя гапнинг давомини кутган эди, аммо бола ортиқ ҳеч-нима демади.

— Жардаги сой бўйида нима қилувдинглар? — деб сўради Валя.

— Қурбақа тутган эдик.

— Қурбақа?

— Ҳа, қурбақа?

— Нега?

Олдин мен, у ҳам лаққа балиқ овлаш учун тутаётган бўлса керак деб ўйловдим, қарасам — ичини ёриш учун тутаётган экан! — дедида бола, Стёпа Сафоновнинг бу машғулотини масхара қилиб кулди.

— Кейин нима бўлди? — деб сўради Валя.

— Кейин мен уни лаққа балиқ тутишга кўндирдим. Кечаси балиқ овлагани кетдик. Мен иккита балиқ туғдим, биттаси кичкина, бир қадочқа келади, иккинчиси — каттароқ эди, Стёпка ҳеч-нарсаси тутаолмади.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин мен уни эрта блан чўмилишга кўндирдим, сувдан кўм-кўк кўкариб чиқди-да, „совуққа қотдим, қулоқларимгача муздек сувга тўлиб кетди“ деди. — Бола пиқир этиб кулди. — Кейин мен унга қандай исиниш, қулоқдаги сувни қандай чиқаришни ўргатиб қўйдим.

— Қандай қилиб?

— Бир қулоғингни кафтинг блан беркитасан-да, бир оёғинг блан сакраб: „Чиқ-чиқ қулоқдан, кет-кет булоққа!“ дейсан. Кейин бошқа қулоғингни беркитасан-да, яна шундай деяверасан.

— Қандай ўртоқ бўлганларингни энди билдим, — деди Валя қошини чимириб.

Аммо унинг сўзидаги кинояни бола сезмади, бирдан жиддий бўлди-да, олд томонга, қоронғиликка қаради.

— Анча кечикибсизлар, — деди.

— Нима қипти?

— Ё бугун кечаси, ё эртага эрта блан немислар Краснодонга келишар дейман.

— Немислар келса нима қипти? — деб сўради Валя.

Болани синамоқчи бўлдими, ё немислардан қўрқмаслигини кўрсатмоқчи бўлдими, — нима учун бундай деганини ўзи ҳам билмас эди. Бола дадил ва ўткир кўзлари блан унга қаради-да, ҳечнарсаси демай, яна ерга қаради.

Валянинг юрагида бирдан бу болага нисбатан душманлик ҳисси пайдо бўлди. Ажабо, буни боланинг ўзи ҳам сезди, ва:

— Қочолмайсизлар! — деди.

— Нега қочайлик? — деди Валя аччиқланиб.

Аmmo бола у блан душман булишни мутлоқ хоҳламас эди ва яна юмшоққина қилиб: — Бу ҳам тўғри, — деди.

Қизнинг қизиқишини бостириш учун у ўз отини айтса бўларди, ўртадаги муносабат ҳам дарров яхши бўлиб кетарди. Аммо бу нарса ё боланинг эсига келмасди, ё ўзи истамас эди.

Валя ҳам кибр блан индамай ўтираверди, бола мудрай бошлади, аммо ҳарсафар машина сакраганда ёхуд Валя бехос қимирлаб қўйганда у дарров бошини кўтарар эди.

Қоронғида Краснодарнинг чет-атрофдаги иморатлари кўрина бошлади. Машина боққа етмасдан, биринчи кўприк ёнида тўхтади. Кўприкни ҳечким қўриқламас, шлагбаумлар кўтариғлик, фонус ҳам ёнмас эди. Машина кўприкга чиқди, рельслар жангладди.

Бола ўзига келди-да, тугмалари узилиб кетган, кир гимнастёрка устидан нари-бери кийган курткасини ушлаб кўрди. Кейин:

— Бу ердан пиёда кета қолай... Марҳаматингиз учун раҳмат, — деди.

У ўрнидан турди; Валяга унинг дўппайиб турган куртка ва шим чўнтакларига қандайдир оғир нарсалар бордак сезилди.

— Стёпкани уйғотишни кўзим қиймади, — деди у, яна кулиб турган дадил кўзларини Валяга яқин келтириб, — уйғонса айт, Сергей Тюленин бир кириб кетсин деб айтди дегин.

— Мен почта идораси ҳам эмасман, телефон станцияси ҳам эмасман, — деди Валя.

Сергей Тюленин астойдил хафа бўлди. Хафа бўлганидан нима дейишни ҳам билмай қолди, лаблари яна баттарроқ шишгандай кўринди. Индамасдан, машинадан сакраб тушди-да, қоронғида кўздан ғойиб бўлди.

Болани хафа қилганидан Валянинг ўзи ҳам ма'юсланиб қолди. Болага шундай дегандан кейин, ҳақиқатан ҳам буни Стёпага айтолмаслиги ва тўсатдан пайдо бўлиб, тўсатдан ғойиб бўлиб қолган бу мард болага нисбатан қилган ноҳақликни энди тузатиш мумкин эмаслиги унга ҳаммадан ҳам алам қилган эди. Кулиб турган, дадил, аммо Валянинг дағал сўзидан кейин ма'юсланган кўзлари, бироз шишиб чиққан лаблари қизнинг кўз олдидан сира кетмас эди.

Бутун шаҳар зимистон эди, на бирон деразалари, на конларнинг қоровулхоналаридан, на кўприкларда бирон чироғ кўринарди, — ҳаммаёқ қоп-қоронғи эди. Шабада ҳамон тутаб ётган конлардаги кўмир исини келтирарди. Кўчаларда зоғ учмас, кон районларида ва темир йўл тарафда кунда эшитилиб турган шовқиннинг йўқлиги, жимжитлик одамга ниҳоятда ғалати туюларди. Фақат итлар ҳурар эди.

Серёжа Тюленин темир йўл бўйлаб аста-секин юриб, одатда чайқов бозори бўлиб турадиган кенг майдон ёнидан ўтди. Лифанчининг асал ари уялари сингари бир-бирига ёпишиб кетган, атрофига олча дарахлари ўтқазилган уйчаларини ўтди-да, похол томли, сомон блан сувалган уйлар орасида оқариб турган отаниннг уйига яқинлашди.

Эшикни орқасидан тақиллатмай, секин ёлди, атрофга кўз ташлади-да, „лип этиб“ хужрага кириб кетди; бир пасдан кейин у ердан белкурак олиб чиқиб, дарров полязга, четан девор бўйлаб ўсган акация тагига борди.

Икки дарахт ўртасидан чуқур қилиб кавлаб иккита ўра қазиди, куртка ва шим чўнтақларидан бирқанча лимон-гранат, икки браунинг-тўппонча ҳамда ўқ чиқариб, ўрачанинг тагига те-риб қўйди. Бу нарсаларнинг ҳарбири латтага ўроғлиқ эди, лат-тага ўроғлигича қолаверди. Сўнгра ўрани яна тупроқ блан кў-миб ташлади, эрталаб офтоб чиққанда қуришиб юборсин учун устини юмшатиб, текислаб юборди, кейин курткасининг этаги блан белкуракни яхшилаб артди-да, ҳовлига қайтди, белкуракни жойига киритиб қўйиб, сўнгра уй эшигини аста-секин қоқди.

Ички уй блан даҳлиз ўртасидаги эшик занжири шилқ этди, онаси, оғир юришидан таниди, яланг оёқларини судраб ташқ қи эшик ёнига келди.

— Ким у? — деб сўради у, хавотир олган овоз блан.

— Оч, — деди Серёжа секин.

— Оҳ, тангрим! — деди онаси ҳаяжон ичида. Ҳаяжонлангани-дан титроқ қўли блан занжирни очолмай тургани билинарди. Ана, эшик ҳам очилди.

Серёжа остонадан ўтиб, эндигина уйқудан турган онасининг ҳиди думоғига урди, унинг бўйнидан қўчоқлади-да, елкасига бо-шини қўйди. Бирмунча вақт икковлари даҳлизда шундай жим туриб қолдилар.

— Қаёғларда юрибсан? Ё кўчиб кетган, ё ўлдирилган деб не-не хаёлларга бордик. Ҳамма уй-уйига қайтди, сендан дарак йўқ. Бировдан ҳам айтиб юбормайсанми, — деб койирди она.

Бундан бирнеча ҳафта бурун бир талай ўсмир ва аёллар қа-торида Серёжани ҳам Ворошиловград ёнида оқол қазिशга юбо-ришган эди; бу ишга Краснодондан эмас, бошқа районлардан ҳам кўп одам юборилган эди. Краснодонлиларнинг бари бир ҳафта илгари қайтиб келишган, аммо Серёжка ўша томонда қолган, нега қолганини, нима бўлганини ҳечкимдан айтиб юбормаган эди, онаси шундан койимоқда эди.

— Ворошиловградда ишим чиқиб қолди, — деди Серёжа ҳар-вақатдагидек оддий овоз блан.

— Секинроқ... бувангни уйғотиб юборасан, — деди онаси. Бобо деб у ўз эрини, Серёжанинг отасини атарди. Уларнинг ўн бир боласи бўлиб, ба'зи набиралари Серёжа блан тенг эди. — Бир одобянгни берсин!..

Бу пўписага Серёжа парво ҳам қилмади, у, отаси одобияни беришдан чиқиб қолганини билар эди. Отаси—кекса кончи, бир вақтлар Анненск конида Алмазная станциясида кўмир ортилган вагон уриб юбориб, ўлиб кетишига сал қолган эди. Жони қат-тиқ чол тирик қолган, кейин ер устида яна кўп вақт ишлаб юриб, аммо кейинги йилларда жуда букчайиб қолган эди. У оёғини зўрға кўтариб судралиб юрарди, ҳатто ўтирганида ҳам

елкасига теряга тиқилган юмшоқ ёстиқ қўйиб ўтирарди, чунки у беланги бўлиб қолган эди.

— Овқат ейсанми? — деб сўради онаси.

— Қорним очу, мадор пўқ, жуда уйқу босди.

Серёжа оёгининг учи блан даҳлиздан яна секин юриб ўтди, у ерда отаси хуррак отиб ётарди; катта уйга кирди, бу уйда икки опаси: эри фронтга кетган, қўлида бир ярим ёшар боласи қолган Даша блан энг яхши кўрган кичик опаси Надя ётардилар.

Булардан бошқа Краснодарда яна Феня деган опаси болалари блан яшарди, унинг ҳам эри фронтда эди. Гаврила Петрович блан Александра Васильевнанинг бошқа ўғил ва қизларини ҳаёт ҳарёққа чочиб юборган эди.

Серёжка, опалари ётган дим уйга кириб, ўз каравотига ётиб олди-да, кийим-бошини қаёқ тўғри келса шу ёққа иргитиб, бир ҳафтадан бери ювинмаганини ҳам унутиб, кўрпага ётди.

Яланг оёқларини судраб онаси кирди ва бир қўли блан ўғлининг жингалак сочли бошини пайпаслаб топиб, бир қўли уйда ёпилган нондан катта бир бўлагини ўғлининг оғзига олиб борди. Серёжка нонни олди, онасининг қўлидан ўпдида, чарчаганига қарамай, ўткир кўзларини қоронғиликга тикиб, бугдой увидан ёпилган нонни туширакетди.

Юк машинадаги қиз қандай ғалати, ажойиб қиз эди! Фе'лини қара-я! Кўзлари!.. Аммо Серёжанинг ўзи қизга ёқмагани рост. Агарда у қиз Серёжка шу кунларда нималарни бошидан кечирганини, нималарни кўрганини билса эди! Қани энди, бирон одам бўлса-ю, юрэкдаги гапларни ўртоқлашсанг! Аммо ўз уйингдан яхши нарса йўқ, ўз бўлмангда, ота-она қўйнида, ўз кўрпангда ётиш, онагинанг ўз қўли блан ёлган баррадек нонни ейиш нақадар лаззатли! У, жойимга етиб олсам бўлгани, дарров ётиб ухлайман, камида икки кечая, икки кундуз ухлайман деб ўйлаган эди, аммо бошидан ўтганларни бирон кимсага айтиб бермагунча уйқуси келмас эди. Қани энди, бояги узун сочли қизга айтиб берса! Йўқ, унга ҳечнарсга демагани яхши. Кимнинг қизи, ўзим ким, — ким билади! Эртага ҳаммасини Стёпка Сафоновга айтиб беради, қизнинг кимлигини ҳам сўраб билади. Аммо Стёпка лақма. Йўқ, бутун гапни фақат Витька Лукьянченкога айтиб беради, агар у кетиб қолмаган бўлса... Ҳозирнинг ўзидаёқ опаси Надяга айтиб бериши мумкинку, эртани кутиб ўтиришнинг нима кераги бор!

Серёжка секин каравотдан тушди-да, қўлида нон ушлаганича; опасининг ёняга борди ва каравот четига ўтириб, бармоғи блан унинг елкасидан туртди.

— Надя... Надя...

— Ҳа?.. Нима?.. — деб чўчиб уйғонди опаси.

— Жим! — деди Серёжа, кир қўлини унинг лабига босиб.

Аммо Надя укаси эканини билиб, дарҳол туриб, оппоқ ва иссиқ қўллари блан қучоқлаб, қулогидан ўпар эди.

— Серёжа... тирикмисан... ука жоним... тириксан... — деб шивирларди у, қувноқ овози блан. Унинг юзи қоронғида кўринмас

эди. Аммо Серёжа, опасининг бахтли, шод ва олмадек қип-қизил кулиб турган чеҳрасини тасаввур этарди.

— Нады! Мен ўн учинчи числонинг эрталабидан то шу бугун кечқурун-гача жангда бўлдим, — дерди ҳаяжонланиб Серёжа нонни чайнаб.

— Вой ўлай... — деди Нады даҳшат ичида ва укасининг қўлини ушлаб, ички кўйлак блан чордона қуриб ўтирди.

— Бизникилар бари ҳалок бўлиб кетди, фақат мен қолдим... Мен у ердан кетганимда ўн беш кишича тирик эди; полковник менга: „Кет, бекорга нобуд бўласан“ деди, ўзи қаттиқ ярадор бўлган, қўллари, оёқлари, бетлари, орқалари—ҳаммаёғи боғланган, қонга беланган эди. „Барибир биз ҳалок бўлдик, аммо сен нега нобуд бўласан?“ деди. Шундан кейин мен кетдим... Энди ҳечқайсиси тирик қолмаган бўлса керак.

— Вой ўлай... — дерди Нады кўрқув ичида.

— У ердан кетишдан олдин сапёр белкурагини олдим, ўлганларнинг қурол-аслаҳаларини Верхнедунаннаянинг орқасидаги окопгача элтиб кўмдим, у ерда иккита тепалик бор, чап томонда — ўрмонча, барча милтиқ, гранат, тўппонча, ўқларни ўша ерга элтиб кўмиб қўйдим-да, сўнгра кетдим. Полковник мени ўпдида, „Менинг отимни унутма — Сомов. Николай Павлович Сомов. Немислар кетиб бўлгандан кейин, ёки бизникилар блан бирга бўлсанг Горький шаҳар ҳарбий комиссарлигига ёзиб юбор, болачақаларимга қаҳрамонларча ҳалок бўлди деб хабар қилишсин...“ деди. Мен айтдимки...

Серёжка жимиб қолди, бирқанча вақт нафас олмай, ҳўлланган ва зўр нонни индамай еб ўтирди.

— Вой ўлай... — дерди Нады пиқиллаб йиғлаб.

Укаси бошидан кўп нарсаларни кечирган кўринади. Нады ўз укасининг етти ёшидан бери йиғлаганини энди кўрарди.

— Қандоқ қилиб уларга қўшилдинг — деб сўради у...

— Мана бундоқ, — деди Серёжа яна жонланиб, у ҳам опасининг каравотига чиқиб, чордона қуриб олди. — Ҳали биз истеҳкомларни қуриб тамом қилмаган ҳам эдик, қисмлар Лисичанск ёнидан чекиниб, биз турган жойда мудофаа қурди. Бизнинг краснодонлилар уй-уйларига тарқаб кетди, мен бир старший лейтенант ёнига, — рота командири эди, — бориб, мени ҳам қисмга қўшиб қўйинг деб илтимос қилдим. У эса: „Полк командиридан берухсат қилолмайман“ дейди. Мен ундан: ёрдам қилиб юборинг, деб илтимос қилдим. Жуда ёлвораверган эдим, бир старшина келиб менинг ёнимни олди. Жангчилар кулишади, лейтенант эса оёғини тираб туриб олди. Шу жанжал вақтида немис артиллерияси бирдан ўт очиб қолди, мен югуриб блиндажга, жангчилар олдига кириб кетдим. Кечасигача улар мени олиб ўтиришди, кочаси бўлганда энди кет дейишди. Мен блиндаждан сал нарига эмаклаб кетдим-да, окоп орқасида ётавердим. Эрта блан немислар ҳужум бошлаган эди, мен яна окопга тушдим, битта ўлган жангчининг милтиғини олиб, ҳамма қаторида мен ҳам отабошладим. Бирнеча кунгача немисларнинг атакала-

рини қайтариб турдик, энди мени ҳечким ҳайдамайдиган бўлди. Кейин мени полковник билиб қолиб, „Агар биз ўлимга маҳкум бўлмасак эди, сени албатта олар эдик. Сенга ачинаман, сен ҳали кўп яшашинг керак“ деди. Кейин кулди-да, „Партизан бўлиб юравер“ деди. Шулар блан бирга то Верхнедунаннаягача чекиндим. Сени қандай кўриб турган бўлсам фрицларни ҳам шундай яқиндан кўрдим, — деди Серёжа шивирлаб. — Иккитасини ўзим отиб ўлдирдим... Ўлдирганим ундан ҳам кўпроқдиру, аммо иккитасини ўлдирганим рост, ўзим кўрдим, — деди у юпқа лабларини буриб. — Мен у аблаҳларни қаерда кўрсам шу ерда ўлдиравераман, гапимни эсингда тут.

Серёжанинг рост гапираётганига, я’ни икки фрицни ўлдирганига ва яна ўлдиришига ишонар эди.

— Бошинг кетади, — деди у, қўрқув ичида.

— Уларнинг пошнасини ялаб юрганимдан ёки қўлни қовуштириб ўтирганимдан кўра бошим кетгани яхши.

— Вой ўлай, энди нима қиламиз! — деди Надя умидсизлик блан; эртага ёки шу кечаси бошларига нималар тушишини тасаввур этар эди. — Бизнинг госпиталимизда юздан ортиқ юролмайдиган ярадор ётипти. Улар ёнида Федор Федорович деган доктор ҳам қолди. Биз ҳам улар ёнидан кетмай, дир-дир титраймиз, немислар албатта ҳаммаларини отиб ўлдиради, — деди куйиб-пишиб Надя.

— Одамлар уй-уйига олиб кетсин. Нега қараб турасизлар? — деб ҳаяжонланди яна Серёжа.

— Одамлар дейсана! Кимнинг ичида нима борлигини билиб бўладими? Ана, бизнинг Шанхайда, Игнат Фоминнинг уйида номалум бир одам яшириниб ётипти дейишади, у одамнинг қанақалигини ким билади? Балки немисларнинг одамидир, олдинроқ келиб, уёқ, буёқни искаб юргандир? Фомин яхши одамни яширадиганлардан эмас.

Игнат Фомин ўзи кончи, меҳнатига кўп марта мукофотланган, газеталарда мақталган одам эди. Бутун аҳолиси кончилардан иборат бўлган ва кўпгина стахановчилари ҳам бўлган бу посёлкада Игнат Фоминнинг ўтмиши номалум ва безбет одам дейишарди. У, Краснодонга, умуман Донбассга ўттизинчи йилларнинг бошида келиб қолган ва Шанхайда иморат солиб туриб қолганлар блан бир вақтда келган эди. Фомин ҳақида анча-мунча шовшув гаплар юрарди. Надя ҳам худди шуларни айтарди.

Серёжка эснади. Юрагидаги бутун гапини айтиб, нонни ҳам еб бўлгач, ўзини ўз уйида деб ҳис қилди, унинг энди ростакам уйқуси келган эди.

— Ёт, Надя...

— Энди уйқу қаёқда дейсан менда.

— Мен ухлайман, — деди Серёжка ва ўз каравотига ўтди.

Энди ёстиққа бошини қўйган эди, кўз олдига бояги машинадаги қизнинг кўзлари келди. „Барибир топаман сени“ деди қизга Серёжка ва жилмайди, шу ондаёқ кўзи қаттиқ уйқуга толди.

ВЛАДИМИР МИЛЬЧАКОВ

У...

У ёлғиз эмасди, улар эди уч:
Қўрқмас, дадил эди учаласи ҳам.
Лекин иккисига ажал бўлди дуч,
Қўрғошин қаҳрига учди ўшал дам...

У — якка эмаклар, визиллайди ўқ,
Суртади қон ва тер босган юзини:
Фашист пистирмаси солар дақшат-дўқ,
У — пистирма томон судрар ўзини.

Жангда дадил ўлган дўстларнинг қони,
Оналарнинг аччиқ кўз ёши учун —
Уч бор яраланган мажруҳ тан-жонин
Тўртинчи бор жангга судради у кун...

Эмаклар етди у ва тўғри мўлжал...
Қора аждар оғзи тиқилди тамом.
Овоз чиқаролмай жим қолди бу гал,
Парча-парча ётар пўлат истехком...

Ҳамлакор роталар илгари ўтар,
Илгари чопишар... Унинг бир ўзи —
Вайрона истехком ёнида ётар;
Ва ғарб томон қараб бурилмиш юзи.

Жангоҳдан штабга хат келди бир кун,
Хат ичида суврат — ордоқланган ёр,
Ва юрак қонига ювилмиш гулгун, —
Уч марта ўқ тешган, партбилет ҳам бор.

* * *

Ҳаёт — ахир бир кун мени тарк этар, •
Саҳар ё оқшомда кўзим юмилгай.

Ҳамроҳларим ерга кўмишиб кетар,
Тоғ ёки саҳрога таним кўмилгай...

Балки, тағин солдат бўлиб жанг қилгум,
жанггоҳда ўларман, шудир сўнг йўлим;
Балки ҳасталикда — тўшакда ўлгум,
Мени оғушига тортгуси ўлим...

Қайларда қолмайин, қайда ўлмайин,
Биламанки, ўлгум ўтмай ярим йўл.
Кошки, то ўлгунча асло толмайин,
Коинотни кезсам, куй таратсам мўл...

Жарлар, қоялардан ўталсам илдам,
Ва қуёшга етсам, қайтмай изимга
Ниҳоят оқсоқол ва лекин бардам
Етсам тонгдай тоза комунизмга...

Ўша бой ва гўзал оламга етсам,
Сўрардим ҳаммадан: айтинг, ўртоқлар!
Етганим бу ерга қолдироқлар, ҳам —
Сталинграддаги жанг, тумтароқлар...

Эста олармикан бахтиёр авлод...
Қирқ бешинчи йилу, қонлар қотганин.
Қонли жанглардан сўнг, беғубор, кушод,
Қуёшнинг, қалққанин, тонглар отганин...

Ўзим эл оралаб суриш истардим,
Ва ўз кўзим блан кўриш истардим.
Кейин, ҳаётимни эстапетадай,
Ўз наслимга тугал бериш истардим...

Лекин, ўлим ўша кундан илгари —
Юрагим оловин учирса агар.
Ғарбга қараб ўлган солдат сингари
Йўлдошларим кўмсин оқшом ё саҳар...

Миртемир Таржимаи

СОДИҚ КАЛАНДАР

БИЗ УРОЛДА

Повесть *

VI

Бу хат, Тўфaxonнинг Ботирдан олган биринчи хати эди. У бу хатда деярли ҳаркун, ба'зан бир кунда икки марта ҳам хат ёзиб юбораётганини айтиб, аммо Тўфaxonдан ҳалига қадар бирортасига ҳам жавоб олмаганидан шикоят қилар эди.

„... Бу тўғрида ўйласам ташвишланаман. Ҳархил хаёлларга бораман. Наҳотки ўша берилган ва'далар шамолга учиб кетган бўлса?.. Бугунги кунда ўртамизга тушиб турган бу узоқ йўл иккимизни, цаҳотки, бутунлай ажратиб юборса? Ўша, энг охириги марта боғингизда учрашган эрта тонгни унитдириб юборса?.. Ўша учрашув менинг кўз олдимдан ҳеч нари кетмайди. Еш тўла кўзларингиз, гапирган ҳарбир сўзингиз ва юракдан менга берган ва'даларингиз. Айтгандай ғунчачи?.. Эсингизда борми? Ўша тонгда менга қандай чиройли, эндигина очилиб келаётган бир ғунча тақдим қилган эдингиз. Мен буни сизнинг қўлингиздан олаётганимда „қаерда ва қандай аҳволда бўлмай, охириги нафасим қолгунча ўзим блан бирга сақлайман“, деган эдим. Мана, у ҳозир ҳам ёнимда. Қайта-қайта кўргим келади. Сизга хат ёзаётганда авваллари буни кўзимнинг тўғрисига—бир ерга қўйиб қўяр эдим, лекин энди буни ҳамма вақт қилишга тўғри келмай қолди. Ба'зи вақтда ўрмонда ёғочлар устида ўтириб, ёки ерга мукка тушиб, бир парча қоғозга сиғадиган хатни икки-уч марта бўлиб-бўлиб ёзишга тўғри келаяпти. Ортиқча қўл тегизиб барглари тўкилиб кетадими, деб қўрқаман.

Тўфaxon, сизга нима бўлди? Нега менинг хатларимга жавоб ёзмайсиз, наҳотки шунча ёзган хатларимдан биронтаси сизга бориб етмаса? Эҳтимол?! Мана шу „эҳтимол“ блан ўзимга тасалли бераман ва кўнглимни сиздан ҳеч узалмайман. Ўшанда менга сиз

* Боши ўтган совларда.

„Қурбоналими... У тўғрида кўнглингизга ҳечнарсга келтирманг, мен хафа бўламан“ деган эдингиз-ку...”

Бу хатда Ботир нималар деб ёзган бўлмасин, Тўфахон учун бу хатнинг келиши ўзи катта хурсандчилик эди. „Майли,— деди у,— майли, нима деган бўлса ҳам майли... ўзи соғ-саломат бор экан. Мен ҳам энди хат ёзаоламан. Адреси бўлса бор...”

Тўфахон тун бўйи ухлаёлмади. Дам хатга жавоб ёзмоқчи бўлар, дам Ботирнинг хатини қайта-қайта бошидан охиригача ўқиб чиқар, дам нималарнидир ўйлаб, узоқ хаёлга кетар эди. Ботир хатининг охирида беш-олти соат ичида қандай қилиб иккита катта уй солганликларини ва бир болалик хотиннинг миннатдор бўлиб, пешонасидан ўпганини ҳам фахрланиб ёзган эди. Хатнинг бу еридан Тўфахон шуни тушиндики, Уралга, Ботирлар турган жойга Ленинграддан ишчилар ўз оиалалари блан кўчиб боришган, туришга тайёр жой бўлмаса керак, уларга уй-жой қуришга ёрдам берганлар.

Тўфахон буларни гира-шира хаёлидан ўтказар экан, кўз олди-та яна Ботир келиб турди. У яна хатга жавоб ёзмоқчи бўлиб қолди. Аммо уни бирдан „олдинги хатлари қаерларда қолиб кетган экан?... Нега келмади?“ деган ҳаяжон чулғаб олди. Ўша хатларни қўлга киргизиш учун жонини ҳам беришга тайёр эди. Тўфахон мишжа қоқмай тунни ўтказди. Эрталаб вақтли ишга кетди. Аммо кун бўйи унинг бошидан Ботирнинг хаёллари, йўқолиб кетган хатлар тўғрисидаги турли-туман гумонлар бир нафас ҳам нари кетмади, хусусан, унинг юрагидаги ботирнинг олдига Уралга кетиш иштиёқини баттар кучайтирди.

* * *

Ноябрь ойи. Сталин колхозининг далаларида пахталар терилиб тамом бўлиб қолган эди.

Тошкентга кўчириб келтирилган заводларни тиклаш ишларига ёрдамга кимни юбориш масаласи ҳам ҳал қилинган бўлиб, колхозчиларнинг умумий мажлисидан икки кун ўтгач, раиснинг ўзи— Жалилов; Нурмат ота, Собир ака ва яна ўн-ўн беш колхозчи блан Тошкентга жўнаб кетди. Унинг ўрнига вақтинча раис бўлиб Қодирали қолган эди.

Ботир армияга кетгандан бери Қодирали анча яйраб қолди, вақти хуш, хурсанд; кундан-кун эт олиб, семирабошлади ҳам. Биринчи ҳафталарда у, „кунлар ўтсин, Ботир Тўфахоннинг эсидан чиқар, унитар“ дея Тўфахоннинг кўзига кўринмаслик иложини қилиб юрди. „Туратурай, ўзига келиб қолар, ўйлаб тушинар, энди йигитлар ҳам кўп қолмади... Ботирнинг уёқдан омон-эсон қайтиб келиши гумон... Бунин Тўфахоннинг ўзи ҳам билади... Нози-фироғини ташлар. Ўшанда мен бўлсам— жон ҳам дер...” деб ўйлади.

Ботирдан Тўфахон номига келаётган ҳарбир хат уни жуда катта ташвишга солар эди. Шунинг учун бу хатларни қандай қилиб бўлмасин, қўлга тушириб йўқотиб турди. Агар бу хат-

лардан бирортаси Тўфaxonнинг қўлига тушиб қолса, бор умиднинг пучга чиқишига ишонар эди.

Орадан анча кунлар ўтди. Энди Қодирали, бу ўтган муддатни етарли деб ўйлади, я'ни у Тўфaxon ҳар тарафлама ўйлаб энди Ботирни унитгандир деган қарорга келди. Шунинг учун Қодирали яна Тўфaxonга яқинлашиш чораларини излай бошлади. У, аввал-аввал тўсатдан унинг олдидан чиқиб қолгандай, ўзини ҳеч нарса билмаган киши қилиб кўрсатди. Кейин-кейин Тўфaxon ишлаётган вақтда уларнинг эвеносига тез-тез келиб қоладиган бўлиб қолди. Охири уни бир неча мартаба гапга ҳам тутиб кўрди. Лекин Тўфaxon ҳаргал рўйхуш бермай, жеркиб солар, Қодирали эса жуда ўсал бўлиб қолар эди. Шунда ҳам у „Майли бир иложини қилайки, узинг ҳам қўл қовуштириб, қойил бўлдим дегин“, — дея умидини ҳеч узмас эди.

Қодирали бошқа йўлга ҳам кириб чиқди. Тўфaxonнинг қариндошларига ҳам ўзини жуда яқин олиб, гўё уларга меҳрибон бир кишидай кўринаб юрди. Тўфaxonнинг яқинлари аввал тил учидан ҳурмат кўрсатиб юрган бўлсалар, энди унинг бошқа мақсадда эканлигини пайқаб, ундан ўзларини тезгина узоқлаштирдилар.

Тўфaxonнинг Ботирдан хат олганини эшитиб, Қодирали жуда газабга келди. Бу хат воқисидан икки кун ўтгач, я'ни Жалилов колхозчиларни олиб, Тошкентга жўнаб кетганининг эртагиси Қодирали Тўфaxonнинг номига келган яна бир хатни қўлга туширди. Бу хат Свердловск деган шаҳардан — Ленинграддан ўша ерга кўчириб келтирилган бир хотиндан эди. Қодирали рус тилига яхши тушунмаса ҳам, ўқиб мазмунини чала-чулпа англади. Хотин Ленинграддан кўчиб келаётиб йўлда қийналганларини, хусусан тайинланган жойга келиб ҳам қор-ёмғирда қолиб азоб-чекканларини, охирида бир тўда қизил аскарлар келиб уларга уй солиб берганларини ёзиб, Ботирдай азамат ўғиллар ўстирган ота-оналарга миннатдорчилик билдирган эди.

Қодирали бу хатни ўқигач, ўзининг яширин қилиб келаётган бу ишини ўйлаб жуда кўрқиб кетди. „Қачон бўлмасин Тўфaxon бу сирни билиб қолиши мумкинку... Шунда нима бўлади... Нима деб жавоб қилади?“

Ўйлаган сари, Қодиралининг ваҳимаси ошар эди. Қулайини топиб ҳеч бўлмаса шу хатни ўзи қўли блан Тўфaxonга топширишга қарор берди. „Шунда ҳечқандай шубҳага ўрин қолмайди. ўзим ҳам хавфдан қутиламан...“ — деб ўйлади.

Бундай қулай вақтни топиш унинг учун энди унча қийин эмас эди, чунки Жалилов Тошкентга кетгандан буён Қодирали ўзини колхозда ягона хўжайин ҳис қилиб келар эди.

Тўфaxon кечқурун ишдан қайтганда, уни колхоз идорасига чақирдилар.

Тўфaxon колхоз раисининг кабинетига кирар экан, ёлғиз ўтирган Қодиралини кўрди.

— Мени сиз чақиртирдингизми? — дея секин сўради ичкарига кириши блан Тўфaxon.

— Ҳа, мен чақиртирган эдим, келинг. Сиз блан гаплашадиган ба'зи ишлар бор эди, — дея бошини кўтариб Тўфахонга қаради Қодир.

— Қани, гапиринг, — деди Тўфахон стол яқинига келиб.

— Қалай, звенонгизда пахталар тамом терилиб бўлдими? Уй ичларингиз соғми? Ҳечқандай ёрдам-пордам керак эмасми? — Шошилиб қолган Қодирали мясига келганини сўрайкетди. У нима блан Тўфахонга ўзини яқин қилиб кўрсатишни билмас эди.

— Звеномизда пахталарнинг терилиб тамом бўлгани қачонлар эди. Бунинг ўзингиз ҳам яхши биласиз. Уй ичимиз, шукур, тинч. Ҳозирча ҳечқандай ёрдам керак эмас, — дея совуққина жавоб берди Тўфахон.

Қодиралининг кичкина қора кўзлари ёнар эди. У ўрнидан туриб, стол келтирди ва Тўфахонни ўтиришга таклиф қилди, Тўфахон кўнмади.

— Ўтир, бунча шошилсан?! — бирдан сансираб зарда қилди. Қодирали, — уйингда зерикмайсанми?

Тўфахон кўрқиб кетганидан ўзини йўқотиб:

— Раҳмат, уйга кетаман. Ойим ёлғиз, — деди.

— Қўявер, бўри емайди. Бироз кутиб турар, — деди унинг қисик кўзлари чақнаб, ранги аллақачон жиддий тус олган эди. У бироз жим туриб, яна деди, — Ботирдан хат-пат олиб турибсанми?...

— Ҳа, фақат бир дона... — деди секин Тўфахон ва қора кўзларини катта очиб Қодиралига қаради. Унинг бу қарашида алам ва газабнинг қаҳрли ифодаси бор эди. Унинг жиддий қиёфасида бошига қандайдир кўрқинчли фикрлар келганини кўриш мумкин, Бу фақат бир пасгина давом этди, унинг юзлари яна ўз ҳолига келди ва кўзлари ерга тикилди. Қаердандир қўлига тушиб қолган озгина пахтани чўзиб тортар эди.

— Ҳар ким ва'да бергандан кейин, вафо қилса... бевафолик одамзоднинг иши эмас, — деди кесатиб Қодирали.

— У бевафолик қилмайди, унинг тўғрисида бундай дейиш сизга уят бўлади, — деганини ўзи ҳам билмай қолди Тўфахон ва қўлидан пахтасини ерга тушириб юборди. Унинг борлиқ вужуди титрар эди.

Жим бўлиб қолган Қодирали бирдан кулиб юборди.

— Аччиғинг келмасин. Мана, сенга бир хат берай бўлмаса, — деди юмшоқлик блан Қодирали, — лекин бу хат унинг ўзидан эмас.

Қодирали стол тортмасидан бир хат чиқариб, Тўфахонга берди ва бошқа бир оҳангда деди:

— Мана, мен агар сенга бирор ёмонлик ўйлаганимда эди, бу хатни сенга бермас эдим.

Тўфахон хатни олиб, конверт устидаги таниш бўлмаган ёзувга тикилиб қолди. Аммо хат ўзининг номига эди.

— Энди сен ўзинг тўғриси айт, — деди ялингансимон Қодирали, — менинг Ботирдан нима кам? Унинг нимаси ортиқ?..

Тўфахон „наҳотки ўзинг билмасанг, у қаердаю, сен қаерда?“ — дегандай унинг юзига бир нафас тикилиб турди-да, бирдан орқасига бурилиб, индамай эшикка томон юриб кетди. Қодирали югуриб бориб, унинг йўлини тўсди:

— Шу уйдан чиқармасам, нима қиласан? — бор гавдасини қизнинг устига эгиб, эшикни тўсиб турар эди.

— Қўйинг, бемаза бўлманг, Қодирали!

Унинг овози зарда блан шундай янградики, Қодирали чўчиб кетди ва йўл берди.

Тўфахон унга хўмрайиб бир қаради-да, эшикни қаттиқ очиб ташқарига чиқди.

VII

Ўпкаси тулиб кетган Тўфахон пастки лабини маҳкам тишлаб, кўчадан ўтгунча ўзини тутиб, зўрға уйига етиб борди. Ҳовлига кириб, эшикни беркитар экан ортиқ чидалмай, бирдан йиғлаб юборди. Оқиб турган кўз ёшларини артишни ҳам унитиб, ўзини уйга урди. Уйга кириши блан оёққа туролмай бир бурчакда ёстиққа юзи блан мукка тушиб, аччиқ-аччиқ йиғлади. Юрагидан гўё бир куч блан келаётган инграш овозини ҳеч қайтаролмас эди.

Унинг орқасидан шошилиб онаси кириб келди. У, қизини кўриш блан бирдан кўрқиб кетди. Югуриб унинг ёнига келди-да, тиззаси блан чўкка тушиб, бошларини силаб сўради:

— Нима бўлди... А, нима бўлди ахир, айтсангчи, ие, нима бўлди сенга?

Тўфахон анча вақтгача бошини ястиқдан кўтаролмади. Хайри опа қўллари титраб, қизининг сочларини силар, унинг „нима бўлди, нима бўлди“ деган сўзлари сўрайтгандай эмас, худди ялинаётгандай эди.

— Жоним қизим, нима бўлди сенга? Юрагим ёрилиб кетай деяпти? Айтақол!..

Тўфахон охири бошини ёстиқдан кўтарди. Унинг қизишиб кетган юзлари худди анордай қизариб кетган эди. Рўмолининг учи блан кўз ёшларини артар экан, ўксиниб деди:

— Мен бу ерда юралмайдиган бўлдим...

— А, нима учун? Нима бўлди, қизим?

Тўфахон бир пас индамай онасига тикилиб турди. Лекин юрагидagini очиқ айтишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Агар тўғридан-тўғри Уралга, Ботир турган жойга бораман дер экан, онаси бунга ўлса ҳам рози бўлмайди, жуда қаттиқ хафа бўлади ва бошқа ҳечёққа боришига ҳам кўнмайди. Аммо ўзи ҳам бу тўғрида қат'ий қарорга келаолган эмас. Урал қаерда? Унга қандай қилиб борилади? Шуларни ўйлаб, миясига сиғдиралмаган эди. Шунинг учун аввалдан ўйлаб юргани Фарғонага — холасиникига бориш орзусини яна онасининг эсига солмоқчи бўлди:

— Қодиралининг дастидан ҳеч ерда юралмайдиганга ўхшайман... Онажон нима қилади, бир-икки кун холамларникига бориб келсам?

— Қани, нима бўлганини сен менга айт.

— Мен ундан жуда қўрқиб қолдим. Ҳозир мени колхоз идорасига чақиртирибди. Борсам, мана бу хатни менинг қўлимга берди. Свердловскдан Ботирлар турган шаҳардан келибди. Хат русча ёзилган экан. Мен хатни ўқиб ҳам бўлганим ўйқ, у бирдан шилқимлик қилабошлади. Чиқиб келаётсам тегажаклик қилиб йўлимни тўсди.

— Яхшиси, буни даданг келсин, унга айтишимиз керак.

— Дадамга?.. Йўқ... йўқ ойижон... катта жанжал бўлиб кетади... Яхшиси, мени Фарғонага жўнатиб, беш-олти кун шунинг кўзидан нарироқда юриб келай, хўбми, ойижон.

У бирдан оёқсига яқинроқ силжиб ўтирди ва бўйинини қучоқлаб юзларидан ўпиб эркалайбошлади:

— Ойижон, ойижон, юборасизми? Айтақолинг, хўб деб қўяқолинг. Колхозда энди ишлар тамом бўлай деб қолди. Борақолай, ўйнаб ҳам холамларни кўриб келаман...

Тўфахон онасини кўндириш учун бирқанча сабабларни олдин-кетин келтириб, ялинди-ялбарди, охирида онасини хотиржам бўлиши учун шундай деб қўшиб ҳам қўйди:

— Холамларникига борганимда ҳамчи, ойи, яхши бўлса тураман, бўлмаса тездан қайтиб келаман, хўбми? Хўб деб қўяқолинг!..

— Нима илож ҳам қилаолар эдим. Ўзим бахтим шундай... Ёшлигимда бирар кун хурсанд бўлганимни билмайман. Мана, энди яхши кунларга етдим деган эдим, қариган чоғимда яна қаердан ҳам бу уруш деган бало чиқиб қолди. Мана яна ташвишлар...

Хайри опанинг борган сари овози пасайиб борар эди. Сўнгги сўзларини гапирганида, лаблари титраб кетди. У, жим бўлди, фақат «афсус-афсус» дегандай бошини чайқар эди. Кўзларидан ёшлар оқиб юзига тушди.

— Ойижон, сиз нега энди йиғлаяпсиз? — деди онасининг бўйинини қучоқлаб Тўфахон.

Хайри опа индамай енгининг учи блан кўзини артди.

* * *

Тўфахон тун бўйи ухлаёлмади. Ҳарзамон кўрпани сал кўтариб, онасига қараб қўяр эди. Хайри опа қизининг кийимларини тайёрлади, нон ёпди, гўшт пиширди; чемоданга олма, анор ва туршак келтириб жойлади. Ба'зан ўз-ўзига алланарсаларни гудунглаб қўяр эди. Тўфахон туриб, онасига ёрдам бермоқчи бўлган эди, Хайри опа «Ёт, ухлаб ол, ўзим уйғотаман» деб Тўфахонни жойидан турғазмади.

Тонгга яқин энди кўзи илинган экан, онаси уйғотди.

Тўфахон ўрнидан сакраб турди ва кийинабошлади. У, кийинаётиб, бош томонида тахланиб қўйилган пахталик шим, фуфайкани, оёқ томонида турган этикни кўриб, ҳайрон бўлди:

— Ойи, булар нима?

— Бир икки кунданбери. Ҳаво ёмон бўлиб турибди, қизим, совуқ эрта тушадиганга ўхшайди. Буларни кийиб ол. Хунук десанг холангникига борганда ечиб қўярсан.

— Бунинг нимаси хунук, — ичида қувониб кийинабошлади Тўфахон, — шундай кириб борсам, Замирахоламлар танимайқолар-а, ойи? — деди кийиниб бўлиб уёқ-буёғига қараб.

— Тўфахон айвонга юз-қўлини ювгани чиққанда, Хайри опа уйда дастурхон ёзиб, саригёққа қийма ва тухум аралаштириб қовурган таомини келтириб қўйди. Она-бола нонуштага ўтиришди. Хайри опа чой қуйиб бературиб, қизига йўлда эҳтиёт бўлишини ва Фарғонага кириб боргач, холасининг уйига палон кўча блан борганда осонлик блан топиб боришини та'кидлар ва иссиқ нон қовурма блан қорнини тўйгазиб олишини қайта-қайта такрорлар эди.

— Омон-эсон борганингни тез хабар қил, мён бунда кўнглим тинчимай ўламан...

Тўфахон бориб етгандан кейин тездан хат ёзишни ва йўлларни яхши билажагини айтиб, онасининг кўнглини хотиржам қилишга тиришар эди.

Хайри опа фотиҳа ўқир экан, қизига оқ йўл тилаб дастурхонни йиғиштирди.

Тонг юлдузи баланд кўтарилган, атрофни бемалол кўриш мумкин эди. Бир-икки соатча йўл юргач Тўфахон разъездга бориб етди. Ярим соатларча кутгандан кейин поездга тушиб, Урсатовскага жўнади. Ундан яна иккинчи поездга Фарғонага кетадиган поездга тушиши керак эди.

Поездга тушгандан кейин Тўфахоннинг кўзига ҳамма нарса янгича тус олди: вагонда бирга кетаётган одамлар теразадан кўриниб ўтаётган дарахтлар, экинлари йиғиштирилиб яйдоқ бўлиб қолган далалар, паровози пишиллаб ва қичқириб қайси томонга жуда шошилиб кетаётган поезд вагонлари, йўлда учраган станциялар ва улардаги ҳархил одамлар—ҳаммаси Тўфахон учун янги бир дун'ё эди.

Бутун нарса кўзига янги ва ажойиб бўлиб кўринар, ҳамма нарса унинг диққатини ўзига тортар эди: вагоннинг охириги купесида бир тўп эркак дамино ўйнамоқда, улар баланд-баланд овоз блан гапиришиб, ба'зан қаттиқ кулги кўтаришар эди. Қўшни купеда оқ рўмол ўраган бир қиз, китоб ўқимоқда, у, дамино уйнаётган эркакларнинг ҳарзамонда кўтарган қаҳ-қаҳаси ёқмайди шекилли, тиши қаттиқ оғриятган кишидай, ҳарсафар юзини буриштириб қўяр эди. Нариги ойнакдан ташқарига қараб кексароқ бир ҳарбий киши ўтирибди. У кўзини олмай поёнсиз чўлни диққат блан кузатиб бормоқда. Яқинда ўтган станциядан чиқиб олишган бешта қизил аскар кўкракларига автоматларини осилтириб, вагоннинг уёқ-буёғига ўтишди-да, ўтиришга бўш жой топишолмагач, тамбур ёнига бориб, қаққайиб туриб олишди. Йўлакдаги ойнаклардан бирининг ёнида чойнак кўтариб бир киши турар эди, белвоқсиз, кенг кўйнаги шалвираб турган бу йўловчи поезд ҳар

станцияга келиб тўхтаганида, учраган кишидан „қайноқ сув қарда?“ — деб сўраб эди.

Поезд тўхташи блан Тўфахон ойнакдан бошини чиқариб қаради. Темирўлдан анча нарида эндигина ҳайдалган бир шудгорда қарғалар учиб-қўнар эди. Вагон эшиги олдида бир чол блан кампирга кўзи тушди. Булар ўз ўғилларини армия сафига жўнатаётган бўлсалар керак, онаси боласининг юзларидан ўпиб, вагон зинасига чиқариб, алланарсаларни тайинлар эди, ёнида индамай турган отаси эса, қўлининг орқаси блан кўзини бир икки марта артди. Поезд жилди ва секин-аста юришини тезлатди, чол ва кампир эса қўлларини силкитиб ҳамон қараб турар эдилар.

Бу манзаралар Тўфахоннинг диққатини ўзига аввал шундай тортдики, у буларга қарашини ҳам, ва ўзи тўғрисида ўйлашини ҳам билмас эди. Кейин аста-аста уларнинг ҳаммасига ўрганди. Кўрган нарсаларининг барини фаҳмидан ўтказиб тушинди ва энди беихтиёр ўзи тўғрисида ўйлайбошлади.

У қачон Фарғонага борадиган бўлиб қолди? Бу фикр ўзи қачон туғилди? У, авваллари холасиникига боришга унча қизиқмас эди-ку. Тўфахон бу фикрнинг Ботирнинг олдига бориш истаги блан бир вақтда туғилганини эслади. Я'ни ўша вақтда „Мен Уралга кетаман“ десам ким рози бўлиб, мана бундай йўлга солиб юборақолар эди? Отамми, ёки онамми? Йўқ ҳечким. Шунинг учун бунга бир баҳона топиш керак эди.

Иккинчи томондан Уралга боришнинг ўзи ҳам жуда қийин, жуда мушкул иш бўлиб кўринар эди. Мана энди поездга тушиши блан унинг юрагида яна шу истак уйғонди. Лекин ҳали ҳам у „қандай қилиб бораман? Уёққа борадиган поезд қайси томонга қараб кетади? Оворайи-саргардон бўлиб, бошқаёқларда қолиб кетмасмиканман?“ деган саволларга жавоб тополмай қийналар ва шунинг учун ҳам бу тўғрида қат'ий қарорга келаолмас эди. Бир киши бўлсаю, унга битта-битталаб айтиб берса „Уралга палондай поезд кетади, шунча кун юргандан кейин палон станцияда тушасан“ деса, ҳозироқ Фарғона боришдан воз кечиб, тўғри Уралга кетишга тайёр эди.

— Ким Фарғонага боради, тайёрлансин. Ҳозир Урсатовский станцияси, бундан Фарғонага—бошқа поездга ўтириш керак,— дея кичқирди проводник.

Тўфахон чўчиб тушди ва фикридан чалғиди. Проводник унинг ёнидан ўтиб борар эди, у иккиланган қиёфада ўзининг тинч боқиши блан проводникга тикилиб турар эди.

— Ким Фарғонага боради, йиғиштирсин!—энди проводникнинг овози вагоннинг нариги охиридан эшитилди.

Поезд гулдираб қоровулхоналардан ўтгач, юришини секинлатди ва станцияга кириб борди.

Тўфахон чемаданини ва қамишдан тўқилган кичкина корзинкасини қўлига олиб, вагон эшигига келди.

— Фарғонага кетадиганлар шу ерда тушишлари керакми, ота?—дея ма'юс қиёфада проводникга рус тилида мурожаат қилди Тўфахон. У, қишлоғидаги докторнинг қизи Мария блан ўртоқ

тутиниб, ундан рус тилини унча-мунча ўрганиб олган эди. Проводник бу содда ўзбек қизининг русча гапирганига ҳайрон қолиб бирпас қараб турди.

— Ҳа, шу ерда тушиш керак, қизим, шу ерда. Мана шу станцияда. Бу ердан бошқа поезд кетади. Шунга ўтиб олишинг керак. Бунчалик қалин пахталикка ўралмасанг; кўрқма, буюғ урмайди, — деди Тўфахоннинг эғнидаги эркакча пахталигига тикилиб проводник.

Поезд тўхтади. Тўфахон чемодан ва корзинкаларини кўтариб, вагон зинасидан секин тушди. Ҳар томонга тарқалиб-югуришиб бораётган одамлар ўртасида бир нафас анг-манг бўлиб қолгач, одамлар ичидан зўра чикиб, ўзини бир чекага олди-да, энди нима қилиш кераклигини ўйлаб қараб турди.

Станция саҳни ҳарбийлар блан тўла эди: Буларнинг бир гуруҳи елкаларида винтовка, саф тортиб боришар эди, иккинчи гуруҳи поездга чиқади шекилли одамлар орасини ёриб, вагон томонга боришмоқда, учинчи гуруҳи эса, чекароқда туришиб тамаки чекишар эди.

„Энди мен нима қилсам? Ҳеч бўлмаса, Фарғона томонга кетадиган поездни билайин“, — ўйлади Тўфахон. Аммо яна бироз тўхтаб туришга, поезд жўнаб одамлар азроқ қолгунгача шу ерда кутишга қарор берди.

Поезд жўнаб кетгандан сўнг, бирдан Тўфахоннинг кўзи, учинчи йўлда қатор турган қизил вагонларга тушди, вагонларнинг очиқ, кенг эшикларида тўп-тўп одамлар турар эди. Булардан бази'лари бир хилдаги йўл-йўл чопон кийишган, ба'зилари эса, кўк тужурка ва пахталик шим кийиб олишган эди.

Тўфахон ўрталиқдаги вагонлар эшигидан тўпланиб қараб туришган бир тўда қизларни кўрди, булар ҳаммаси ўзбек қизлари эди. Булар ҳам худди эркаклардай ҳархил кийимда, бир хиллари очиқ рангли кўйлақлар устидан қизил, ё кўк бахмал желетка кийган, бир хиллари эса, худди эркаклардай фуфайка ва пахталик шим кийишган эди.

Тўфахон қизларни кўриш блан бирдан ҳаяжонланиб кетди. „Эҳтимол булар Фарғона томонга кетишар, — ўйлади у, — агар чиндан ҳам Фарғонага кетадиган бўлса, қандай яхши бўлар эди. Қизлар блан бирга тинчгина етиб олган булар эдим“.

Тўфахон анча вақт уларга тикилиб қараб турди, бориб уларнинг қаёққа кетаётганликларини сўрашга ботинолмас эди. Охири чемодан, корзинкасини кўтариб, шу томонга юришга жур'ат қилди. Вагонлардан бирининг эшигидан қараб туришган тўрт қиз, кулиб, алланарсаларни гапиришмоқда эди.

— Эсонмисизлар, — деди баланд овоз блан Тўфахон ва чемоданларини ерга қўйиб, ҳарбири блан қўл олишиб сўрашди.

— Фарғонага кетаяпсизларми?

— Йўқ, биз Фарғонадан келаяпмиз, — деди худди Тўфахондан фуфайка ва пахталик шим кийган бир қиз. Унинг узун қора сочлари иккита қилиб ўрилган эди.

— Бу поезддагиларнинг ҳаммаси Фарғонадан. Меҳнат армияси,

Урал деган жойга ишга кетаяпмиз, — деди иккинчи бир қиз. Составдагы вагонларни қўли блан кўрсатиб, — бизлар мана шу уч вагондагилар ФЗУ дан; мана бу вагонда фақат қизлар, нариги икки вагонда эркак болалар, ҳаммамиз ҳам Фарғонада ФЗУ ни тамом қилдик, энди Уралга ишга кетаяпмиз.

— Ишга кетаяпмиз, ишга. Танка ишлаб чиқарадиган заводга борамиз, — деди ғурур блан кўк бархут желетка кийган пакана келган семиз бир қиз.

Тўфaxon ўзини йўқотган бир ҳолда нима дейишини билмай, юзлари билинар-билинемас оқариб, уларга қараб қолди. Унинг шуларга қўшилиб кетгиси келди. „Тайёр поезд. Яна тўғри Уралга борар экан. Ҳаммаси ўзбек қизлари...“ ўйлади Тўфaxon. Ҳақиқатан унинг йўлини бекитиб турган нарса ҳам қайси поездга тушиш, ёлғиз ўзи қандай қилиб бориш ташвиши эди. Энди эса мана ўзи тўғри келиб қолди. Тайёр поезд. Уралга кетаяпти.

— Сиз Фарғонага бормоқчи эдингизми? — сўради қизлар ундан.

— Менми?! Йўқ... Фарғонага эмас. Ҳая, айтгандай... Мен сизлар блан кетсам деган эдим, — деди Тўфaxon жуда тортиниб.

— Биз блан қаерга борасиз? Бизлар Уралга кетамиз-ку?

— Мен ҳам Уралга бормоқчи эдим...

Тўфaxon қизганчли бир тусда юмшоққина кулиб, қизларга қараб турар эди.

— Уралга борасизми?

— Ҳа.

Қизлар бир-бирларига қарашиб қаттиқ кулиб юборишди.

— Сиз нима учун Уралга борасиз? Фарғонага кетмоқчи эдингиз-ку?

— Йўқ, Фарғонага эмас, Уралга, менинг акам ўша ёқда Қизил Армия сафида хизмат қилади... шу акамларни бир кўрсам дейман. Тўғри келса, заводга кириб, сизлар блан бирга ишлайвераман ҳам. Ўзим заводда ишлашни яхши кўраман. Айниқса, ҳозир уруш вақти... Мана шунинг учун ҳам иссиқ кийимлар кийиб чиққан эдим, — деб қўшиб қўйди, эғнидаги пахталигини кўрсатиб Тўфaxon.

Қизларнинг раҳми келди шекилли, энди диққат блан унинг сўзларини тинглайбошладилар.

— Нима қилади, ўртоқлар, вагонга чиқиб биз блан бирга кетаверсин-да, — деди бир қиз ва савол назари блан ўртоқларига қаради.

— Бошлигимиз рухсат бермас. Аввал эшелон бошлигидан сўраш керак.

(Давоми бор)

М. ШАЙХЗОДА

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

(Туғилганига 800 йил тўлиши муносабати билан)

I

Жаҳон адабиётида ўзларининг ўлмас асарлари билан танилган, насллар томонидан қадирланиб келган адиблар, шоирлар оз эмас. Аммо ўз адабий меросининг узоқ вақт яшашлиги билан, ўз шуҳратининг кенлиги ва мустаҳкамлиги билан ва энг муҳими: ўз яратган образларининг ҳаётчанлиги, халқлар ёдида михта бўлиб қолишлиги билан **Низомийга** рақиб бўладиган сан'аткор жуда оздир.

Дарҳақиқат, Ильёс Низомийнинг табаррук қўли билан яратилган образлар шарқ адабиётларининг асрдида ва жафокаш йўлларида 8 асрдан берли йўлчи бўлиб келдилар. Низомий қалами остида бунёд бўлган Фарҳодлар, Мажнунлар, Ширинлар, Лайлилар, Маҳинбонулар, Искандарлар, Навфаллар, Баҳромлар шу хилдаги узоқ умрлик образлардандир.

Советлар Иттифоқида пайдо бўлган энг яхши традицион одатлардан бири — қардош халқларнинг маданий-адабий меросларини текшириш, халқларимиз тарихида ўтган улуғвор сиймоларни ҳурматлаш ва бу илм, сан'ат, фикр арбоблари яратган ҳазиналарни баробор кўтариб биргаликда ўртоқлашувдан иборатдир.

Асарлари, ўлмаслик муҳри билан нишонланган доҳий сўз сан'аткорларидан бири бўлмиш машҳур шоир, мутафаккир ва олим Низомий Ганжавий ҳам совет халқларининг эҳтиром ва ихлосига сазовор бўлган буюк аждодларимиздандир. Жаҳон адабиётида Гомер, Фирдавсий, Руставели, Навоий, Данте, Шекспир, Пушкин, Гёте, Бальзаклар билан бир қаторда, я'ни башариятнинг биринчи даражали сўз сан'аткорлари қаторида турган Низомий, дун'ёмизнинг ше'р хазинасига сўнмас инжулар бағишлаган доҳийлардандир.

Қардош Озарбайжон халқининг бу буюк шоири XII асрда яшайди ва ижод қилди. Шу давр Озарбайжон тарихида тез-тез бўлиб турган сиёсий ўзгаришлар, ўзаро низо' ва талашувлар, ташқи

(салжуқийлар), ички (элденгизийлар, ширвоншоҳлар) ҳукмдорларнинг катта эксплоатацияси блан характерланади. Ўрта Осиёдан ўтиб бориб, Афғонистон, Эрон, Кичик Осиё, Закавказия, Бағдодни қўлга олган туркий қавмлардан салжуқийлар XI асрнинг 70-нчи йилларида (салжуқийлардан Маликшоҳ даврида) бир томони Афғонистон, бир томони Рум (Византия) ва Жанубда эса Мисрдаги Фотимаийлар давлати блан чегараланган жуда катта бир империя қураолган эдилар. Улардан илгари Озарбайжон тупроғида мавжуд бўлган кичик бекликлар ҳам шу салжуқийлар тасарруфига тушдилар. Лекин XI асрнинг охирларига бориб салжуқийларнинг эски иқтидор ва ҳашамати сўнабошлади; улар ўртасида ўзаро низо'лар кучайиб борди ва марказий давлат системаси заифланиб кетди. Бундан фойдаланган Исмоилийлар террор воситасидан кенг қўллаб ҳукумат ва ҳокимият вакилларига қарши қонли кураш бошлади. Диний-мистик ниқоб остига кирган ва аслида қадимий маҳаллий асилзодаларнинг манфаатларини кузатган бу маккор каллакесарлар салжуқийлар қўли остидаги ўлкаларда тартибсизлик, тинчсиз ҳолатларни тагин ҳам кучайтириб юборди. Бунинг устига салжуқийлар ўзлари ҳам, қабила—уруғчилик ан'аналарини сақлаганликлари учун, ишғол қилган ерларини бир ҳукмдорнинг мулки эмас, балки бутун қавмнинг моликонаси деб ҳисоблаганликлари учун улар ихтиёридаги территория бирқанча салжуқ уруқлари ўртасида тақсимланиб парчаланиб кетар эди. Бинобарин XI асрнинг ўзидаёқ „Буюк салжуқлар“ давлати зоҳиран, расман бош соҳиби ихтиёр саналса ҳам амалда салжуқийларнинг ўз қавми-қариндошлари томонидан идора қилинган янги сиёсий бўлинмалар пайдо бўлади, чунончи: Кирмон салжуқийлари, Сурия салжуқийлари, Ироқ салжуқийлари ва Рум (ёхуд Кичик Осиё) салжуқийлари ўзлари мустақил феодал давлатларини қурайдилар.

Закавказияда ҳам айна бир ҳолатни кўрамиз. Анча вақт салжуқийлар қўлида бўлган Аррон (Озарбайжоннинг бир вилояти бўлиб гоҳ Ганжа ва гоҳо Барда' унинг маркази бўлган эди) XII асрнинг биринчи ярмида салжуқ тасарруфидан қутилади. Аслида Қипчоқ қули бўлиб ўз ҳунар ва шижоати блан салжуқийлар ҳузурида амирлик лавозимини олган Элденгиз деган бир киши Аррон вилоятининг ҳукумдори бўлиб қолади. Унинг ўғиллари Қизил Арслон ва Жаҳон паҳлавон катта ҳарбий лавозимларга тайинланиб Озарбайжоннинг булак вилоятларида ҳукм сурайдилар. Жанубий Озарбайжон (маркази Мароғо шаҳри) Оқсунқорийлар сулоласи қўлига тушади. Озарбайжон давлатларидан фақат Ширвон (пойтахти Шамохий шаҳри) маҳаллий сулола (Ширвоншоҳлар) қўлида қолади, лекин булар ҳам кўп вақтлар салжуқ султонларининг вассаллари сифатида чекланиб қоладилар. „Буюк салжуқ“ султонлари (ҳатто машҳур Султон Санжар ўзи ҳам) тамоман саводсиз эдилар. Шунинг учун давлат аппаратини кўп сонли (ва аксариян Эроний аристократлардан чиққан) ма'мурлар, тўраларга ишониб топширган эдилар. Салжуқийлар даврининг энг тадбирли ва ақлли давлат арбобларидан вазир Низомул-Мулкнинг

„мен давлатга султоним блан шерикман“ — дейиши шу нуқтани назардан қараганимизда қуруқ мақтаниш эмас албатта! Давлат механизмининг Султон томонидан шундай назоратсиз қолдирилиши жуда кучли истеъмолларга, қонунсизликга, тартибсизликга, ўзбошимчиликга осон йўл очиб қўяр эди. Шундай қилиб айтиш мумкинки, салжуқийлар даври (айниқса XII асрдан бошлаб) бетинч ва ғавғолик бир давр эди.

Шу даврда Озарбайжоннинг бирқанча маҳаллий давлатчаларга бўлиниши, ўлканинг иқтисодий ва сиёсий бирлигига катта тўсиқ бўлганидай миллий эркини сақлашни ҳам таъмин қилаолмас эди. Ягона бир давлати ва сиёсий ташкилотдан маҳрум бўлган мамлакат ажнабий босқинчиларнинг қонли иштаҳасини доимо ўзига тортиб турган „ширин бир луқма“ эди.

Ўртоқ Сталин бизга таълим бериб дедикки:

„Дунёдаги мамлакатларнинг бирортаси ҳам феодализм тарқоқлигидан ва кинязларнинг нифоқчилигидан қутилмаган бўлса, у ўз мустақиллигини сақлаб қололмайди, хўжалик ҳамда маданиятини жиддий суратда ривожлантираолмайди. Бир бутун марказий давлатга бирлашган мамлакатгина жиддий маданий-хўжалик тараққиётига, ўз мустақиллигини барқарор қилиш имкониятига умидвор бўлаолади“.

(Сталин, Москвага табрик, „Правда“ 1947 йил, 7 сентябрь).

XII асрдаги Озарбайжон ҳақиқатан шундай ўзаро низо'ларнинг қурбони бўлган бир ўлка эдиким, у ерда умумий тарзда иқтисодий ва маданий кўтарилиш ҳақида, халқнинг истиқлолиятини мустаҳкам сақлаш ҳақида гап бориши мумкин эмас эди. Бу ҳолат у даврнинг пешқадам в аюртсевар кишиларини чуқур қайғига ва андешага солар эди.

Шу умумий вазиятга қарамасдан, катта қарвон йўллари устидан турган Озарбайжонда малум ва нисбий даражада бўлса ҳам шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик ва савдо муносабатлари мавжуд эди. Зотан салжуқийлар системасида мамлакатнинг майда давлатчаларга бўлиниб ҳархил янги хонадонлар қўлига тушуви маҳаллий ва эски феодал аристократларининг сиёсий қудратига зарба берган эди (Исмоялийларнинг ғазабли террор сиёсати ҳам зотан шу вазиятдан ҳафа бўлган ерли оқсуякларнинг қасоскорлик кайфиятларини ифодалар эди). Шундай қилиб маҳаллий аристократиянинг беамон сиқувидан қутилган шаҳарлар ўсабошлайди. Ганжа, Шамохий, Байлагон, Табриз, Барда, Нахичевон, Дарбанд каби шаҳарлар анча тараққий топиб буларда савдо ва ҳунараҳли малум бир куч ва салобат қозонишга муваффақ бўларди. Майда давлатлар тепасида турган сулолалардан (масалан Ширвонда Ширвоншоҳлардан, Ганжада Элденгизийлардан ёки одатда айтилганидай Отабеклардан, Мароғода Оқсунқорийлардан) чиққан айрим шахслар бўлса сан'ат ҳам адабиётнинг ҳомийси сифатида (гарчи бундан мақсад ўзларининг сиёсий ва сулолавий обруларини кўтариш бўлса ҳам) танилган эдилар.

Бу даврда феодаллар ҳам деҳқонлар ўртасидаги синфий зид-

днйат устида тарих сахнасига чиққан шаҳарлардаги ҳунарманд косиблар ва шаҳар фуқароси блан асилзода ҳам катта тожирлар (савдогарлар) ўртасидаги зиддият ижтимоий ҳаётни мураккаб-лаштириб юборади. Сан'ат, маданият, адабиёт яратишда шу шаҳар гуруҳларининг роли борган сари ошабошлайди. Бу даврдан қолган мужассам ва ажойиб архитектура иморатлари (масалан Наҳичевонда) ва ма'дан аш'ё-буюмлар ана шу ҳунарманд косибларнинг қўли блан ясалган сан'ат асарларидир. Катта марказларда илминужум (астрономия), илми-тиб (медицина), жуғрофия, тарих, мантиқ, фалсафа, риёзиёт (математика), кимиё, лисониёт (тилчилик) ва адабиётшунослик билмлари бирқадар тараққий топган эди. Гарчи бу билимлар фақат тор саводли доираларга таралган бўлса ҳам айрим йирик илм ва сан'ат арбобларининг етилувига замин ва омил тайёрлар эдилар. Шаҳарлардаги ҳаётнинг жонланиши, шаҳар гуруҳларининг кайфият ва фикрларида ҳам янги хислатлар туғдирабошлади. Улар ҳақ ва ҳуқуқ, адолат ва инсоф, ҳаром ва ҳалол деган мавзуларда кўпроқ ўйлаб янги талаблар блан майдонга чиқадилар. Албатта, ҳали инқилобий характерда бир ҳаракатни биз бу ерда кўрмаймиз. Лекин ҳарҳолда малум мафкуравий-фалсафий оқимлар, тасаввуф либосига ўралган норозилик кайфиятлари, аниқ ва аён суратда ижтимоий кураш практикасига қўшилади. Масалан машҳур „Ахий“лар ташкилоти тасаввуфнинг (суфизмнинг) бир қаноти бўлиб воқи'лик блан муроса ва мадорага эмас, балки ҳақ ва ҳуқуқни қурол блан олишга чақирар эди.

Илгари ёзув адабиёти ҳоким синфга хос бўлиб эзилган ва меҳнаткаш табақалар оғзаки ижод блан чегараланган бўлса, энди шаҳарнинг ўрта ва оддий гуруҳлари ҳам ёзув адабиётига кириб келадилар. Сарой адабиёти блан бир қаторда бугал „шаҳар поэзияси“ ҳам пайдо бўлабошлайди. Салжуқийлар ўзларининг ғарбга қараб юришларида даставвал Ўрта Осиё ва Хуросонни ишғол қилган эдилар. Бу ўлкаларда у даврда (X-XI асрларда) камолатга эришган ва форсий тилда яратилган адабиёт бор эди. Ўзлари миллий туйғу ва ондан маҳрум бўлган саҳрои салжуқийлар эрони давлат аппаратини ўзича қолдириб, эрон тилини давлат тили сифатида қабул қилдилар. Уларга қараб бошқа майда сулолалар ҳам эрони тилда сўзлаш ва ёзишни „олинасаб“лик аломати деб билар эдилар. Бориб-бориб шаҳарларда пайдо бўлган адабиётнинг ҳам тили (ҳоким синфнинг та'сири блан) форсча бўлиб қолди.

Ўрта асрларда эрони тилда ёзилган адабиётни Эроннинг ўз тупроғи блан чеклаш нотўғри бўлганидай бу катта адабиётни эронийлар яратди дейиш ҳам методологик жиҳатдан хато бўлар эди. Аксинча эрон (форс) тилида яратилган адабиётни вужудга келишида холис эронийлардан кўра бошқа халқлар кўпроқ иштирок этган. Чунончи эрони тилда ёзилган адабиётларни, шартли қилиб Хуросон, Ўрта Осиё, Закавказия мактаблари деб олсак буларнинг бун'ёдга келишида холис эроний бўлган шоирларнинг қатнашуви бағоят жуз'ий урин тутади.

Ҳархил тўсиқ ва қийинчиликларга қарамасдан XII асрда Озарбайжон шарқ маданияти ва адабиётига катта сиймолар етиштириб бераолишга муваффақ бўлган исте'додли бир халқнинг ватани эди.

Бу даврда Озарбайжонда сарой поэзиясининг маркази Ширвоншоҳларнинг Шамохий шаҳридаги кошоналари бўлди. Яқин ва Урта Шарқ (сомонийлар, газнавийлар) саройларига шоирларни туплаш ан'анасини Ширвоншоҳлар ҳам қабул қилиб ҳукмдорларни мақтайдиган қасидачиликни инкишоф этдиришга уриндилар. Сарой шоирлари тўгарагининг бошлиғи машҳур файласуф ва шоир Абул'уло Ганжавий эди. Унинг шогирди Афзалитдин Хоқоний Ширвоний (вафоти 1197—99-нчи йиллар ўртасида) ҳам бу гуруҳга кириб сарой қасидачилигининг энг улуғ устозларидан ҳисобланарди. Хоқонийнинг етиштирган катта шоирларидан яна биттаси Абул-Низом Фалакий Ширвоний (1108—1146), бўлиб қасида ҳам мушоирада (ше'р блан баҳслашувда) замонасининг енгилмас сўз усталаридан эди.

Ширвоншоҳларга эргашиб Ганжадаги Элденгизийлар ҳам ўз саройлари атрофида шоирларни туплашга уринадилар. Улуғ қасидачи Муҳиддин Байлогоний (вафоти 1196 йил) шу шоирларнинг машҳурларидандир. Бу шоирлардан бошқа Озарбайжоннинг турли шаҳарларида Иззатдин Ширвоний, Қивом Мутаарризий (Низомийнинг укаси), шоира Мақсатихоним, Асир Оҳсиҳати, Адиб Собир каби ёзувчилар ше'рият осмонининг юлдузлари ҳисобланар эдилар. Аммо гениал Низомийнинг шоҳона дostonлари бу шоирлар устидан Кавказ тоғлари тепасида юксалган Эльбрус чўққиларидай ажралиб туради.

Ильёс Юсуф ўгли Низомий (тазкираларда унинг тўла исми: Шайх Абу Муҳаммад Ильёс бин Юсуф бин Муаббид Низомий Ганжавий (1141 йилда) сўнги ба'зи малумотларга қараганда 1147 йилда) Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида (ҳозирги Кировободда) туғилди. У даврда Ганжа Закавказиянинг энг катта шаҳарларидан бири бўлиб Гуржистон сарҳадларига яқин бўлгани учун унинг бозорларида мусулмон, яҳудий, христиан савдогарлари, озарбайжонли, гуржи, арман, форс, лазги, юнон савдогарларини учратиш мумкин эди. Тарихчиларнинг берган малумотларига қараганда 1139-нчи йилда бўлган катта zilзилада Ганжа аҳлидан 130 минг киши ҳалок бўлган эмиш. Бу рақам бир қадар муболиға бўлса ҳам ҳарҳолда у даврга nisбатан Ганжа шаҳрининг анча катта бўлганлигидан дарак беради.

Кичик болалик ёшларида отадан етим қолган Ильёс курд тоифасидан чиққан онасининг қўлида тарбияланиб ўз замонасининг барча асосий илмларини эгаллайди. Бу факт, унинг гарчи юқори асилзодалар табақасидан чиққан бўлмаса ҳам, ҳарҳолда камбағал оилага ҳам мансуб бўлмаганлигини исботлайди. Бу оила ўзига туқ бир оила бўлган. Ильёс араб ва форс тилларини, фикҳ илмини (диний ҳуқуқ фанини), тарихни, фивёзиётни, ҳикматни, жуғро-

фияни, илми-нужумни, тиб билмини, кимёни, фалсафани ва маантиқни мукамал ўрганиб олади. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, Гуржистонга яқинлик Низомий учун қадимий Юнон фалсафасидан хабардор бўлиш учун онсонлик туғдирад эди. Чунки христиан ва Византия олами блан боғланган ва Юнон фалсафасини ўз тилларига таржима қилган гуржилар блан озарбайжонлиларнинг яқин алоқаси бор эди. (Хатто Ширвоншоҳлар блан гуржи подшоҳлари кўп вақт бир-бири блан қўда бўлишган).

Низомий ёшлигида ше'р ёзабошлаб, тез орада қобилиятли бир шоирдай танилади. Ўз ғазалларини Ганжа Отабекларига ва Ширвоннинг шоҳларига тақдим қилиб тақдирланади. Лекин у кўп замондошларига ўхшаб сарой шоирлигини ҳавас қилмади. Чунки у тождор „ше'р дўстлари“нинг илтифотини ўз замондошлари тақдирида кўриб ибрат олган эди, чунончи:

Ширвоншоҳларнинг сарой шоири, зўр қасидачи бўлган Абул'уло Ганжавий рақибларининг ҳасадига ва иғволарига учраб саройдан ҳайдалди ва унинг қарилик даври ачиқ фақирлик ва эҳтиёж блан ўтди.

Қасидачиликнинг пири ҳисобланган Хоқоний Ширвоний „Шоҳнинг душманларига хайрихоҳликда“ айбланиб Шамохий шаҳридаги Шобарон қал'асига зиндонга ташланди. Зиндондан чиққандан кейин сарой даргоҳига қабул қилинмади ва унинг ҳам қолган умри гадойчиликда ўтди.

Ширвоншоҳлар саройда ўзининг мушоиралари ва қасидалари блан машҳур бўлган Фалакий Ширвоний шоҳни етарлик даражада ва „самимий равишда“ мақтамагани учун Шобарон қал'асидаги зиндонга ташланди ва у ердан чиққандан кейин зиндон машаққатларидан бузилган сихати кўп чидаёлмай (37 ёшида) жувонимарг бўлди.

Ганжадаги Элденгизийлар (Отабеклар) ҳам Ширвоншоҳларга ўхшаб ўз саройларига маддоҳ шоирларни жалб қилар эдилар. Аммо уларнинг тақдири Ширвоншоҳлар саройидаги шоирларнинг қисматидан ҳам баттар эди. Чунончи: зўр қасидачи шоир бўлган Мужириддин Байлагоний рақибларининг рашк ва иғволарига дучор бўлиб охири ҳукмдор томонидан юборилган қотиллар томонидан (Исфаҳон шаҳрида) ҳаммомда бўғиб ўлдирилди.

Бу ҳолатларни кўрган Низомий сарой шоирлигининг қанчалик омонат нарсa эканини, саройдаги шоирнинг тақдири ва ҳаёти ҳукмдорнинг кайф ва авзойига боғлиқ эканини кўриб бу ҳавас ва насибадан буткул воз кечди.

Иккинчи томондан, ҳаёт ва жамиятнинг аҳволини кўрган Низомий турмушнинг ма'но ва мазмуни, кишининг виждон ҳам вазифалари ҳақида кўп ўйлаб буларга жавобни фалсафада, адабий ижодда ва инсонпарварликда излайбошлади. Бунинг учун у жамиятдаги содда, меҳнаткаш, ҳалол кишилар блан дўстлашмоққа майл қилди. Бориб-бориб у, „Ахий“лар номи блан машҳур бўлган бир ташкилотга яқинлашди (ба'зи эҳтимолларга кўра, балки расмий а'зо бўлиб ҳам кирди). Ахийлар гуруҳи ўз даври учун анча радикал ва мутараққий хатти-ҳаракатга эга эди. „Ахий“

(бу сўз арабча сўз бўлиб „менинг қардошим“ деганидир, чунки бу ташкилот а'золари бир-бирларини шундай деб чақирар эдилар) ташкилоти меҳнатқаш, ҳунарманд ва касибларни ўз сафларига тўплаб ҳалол меҳнат блан яшаш, фуқарони ҳимоя қилиш, ҳар-ким топганини ўртага қўйиб „шерикли қозондан“ овқатланиш, жафокорларга итоат қилмаслик, зарур бўлса зolimга қурол блан қарши туриб уни жазолаш, ғариб ва мусофирларга бошпана бериш каби практик вазифаларни ўз олдиларига қўйган эди. Бошқа дарвиш оқимларга ўхшаб сузлик, турмушдаги жирканч аҳволларга муроса қилиш кайфиятлари булар учун бегона эди. XIV асрда Туркистон, Татаристон, Кавказ, Эрон, Кичик Осиё ва бошқа мамлакатларни саёҳат қилган машҳур араб сайёҳи ва гео-графи Ибн Батута „Ахийлар“ ташкилотининг низом ва ҳаётини шундай тасвирлаб ёзади:

„Рум турклари яшаган барча ўлкаларда, ҳарбир вилоятда ҳарбир шаҳарда ва ҳарбир қишлоқда улар (ахийлар мавжуд-лир. Ғариб ва бечораларга шулар қадар ғамхўр, оч кишини тўйдиришга ва унинг эҳтиёжини қондиришга шулар қадар тайёр, ҳоким ва ёки унинг гумаштаси баткирдор жафокор киши бўлса уни қатл қилишга шуларчалик муҳайё одамлар-ни бутун дун'ёда топиб бўлмайди. Уларнинг бошлигини „ахий“ дейдилар. Бу киши ўзининг ҳамҳунарларидан бўлган ёки бўлак ҳунар эгаси касиблардан бўлган бўйдоқ ёки ёлғиз эркакларни ўз ташкилотига қабул қилади. Булар ҳам малум вақтда бошлиқни қайтадан ўзлари сайлайдилар. Бу бошлиқ-ни *футувва* ҳам дейдилар. Одатда уларнинг тартиби шундай: битта уй соладилар, буни керакли аш'ёлар блан та'мин-лаб шамчироқ осадилар. Ҳамма ўртоқлар кундуз ишлаб пул топадилар. Кечқурун ҳаммаси топганларини олиб келиб ўша бошлиққа берадилар. Бу пулга мева, овқат ва бўлак керак-лик буюмлар олинади. Агар ўша кун шаҳарга бирон мусо-фир келиб қолса, уни уйга чақириб, текинга овқатлантира-дилар ва ўша ғариб то кетгунча уларникида ётиб қолади... Мен дун'ёда булардан ҳам савоб ва хайрли ишлар қилди-ган кишиларни кўраолганим йўқ...“.

Низомийнинг бу ташкилотга мансублиги ёки яқинлиги унинг ўлмас ижодида, унинг инсонпарварлик, фуқаропарастлик, меҳнат аҳлини тараннум қилиш кайфиятларида жилваланган. Эркинлик-ни ва олийжаноб виқорни ҳамма нарсадан афзал кўрган буюк шоир, кўп вақт қийналиб машаққатларга дуч келган бўлса ҳам, сарой шоирларига хос бўлган маддоҳлик, сохта юзхотирликни умр бўйи рад этди. Тўғри у ба'зи дostonларини ҳукмдорларга тақдим қилган бўлса ҳам бу шоҳни мақтайдиган қасидалар эмас, тамоман олийжаноблик хислатларини кўйлаган манзум романлар эди ва шунинг учун ҳукмдорларнинг лутфу иноятларига сазовор бўлма-ган эдилар. Низомий асарларини ўқиб хушлаган Дарбанд ҳоки-ми (1172 йилда) Офоқ номли бир қипчоқ чўрисини унга совға қилиб юборган эди. Шоир бу канизакни севиб қолиб унга уй-

ланган эди. Низомийнинг Муҳаммад деган ўгли туғилгандан кейин, кўп ўтмай, Офоқ вафот қилди. Шоир ғоятда севган бу хотинининг хотирасини гўзал Ширин образини ишлаётган пайтларида кўп эслаб ундан илҳомланади. Ўгли Муҳаммадни бўлса деярлик ҳам-ма дostonларида катта меҳр ва муҳаббат блан тилга олди.

Низомий бутун умрини Ганжа шаҳрида ўтказиб, 1203 йилда, ўша ерда вафот қилган. Унинг мақбараси асрлар давомида халққа зиёратгоҳ бўлиб Ганжа ва умуман Озарбайжон халқи уни ҳурматлаб „ҳазрати шайх Низомий қабри“ деб муташаккурона ёд қилиб келганлар. Ҳозир у қабр устига совет Озарбайжони мужассам ва муҳташам бир ҳайкал қўйгандир.

III

Низомийнинг мероси жуда улуғдир. Одатда уни „Ҳамса“ ёзган автор деб танийдилар. Ҳолбуки унинг кучли лирикаси ҳам бўлган. Тазакирачилар унинг 20 минг байтдан иборат „Девони-ғазалиёт“и борлигини қайд қилсалар ҳам афсуски ҳозиргача бу китоб топилган эмас. Бизга фақат бирнеча ғазалгина келиб етгандир. Бу ғазалларга қараб Низомийнинг зўр лирик шоир, бадийёт ва нозик завққа эга бўлганини айтиш мумкин. Масалан:

Сочларингми шу тўзилган, дун'ёми, ё корим менинг?
Заррами, оғзингми тордир, ё дили-зорим менинг?

Бу ше'рда классик поэзиянинг ширин приэмларидан бири ҳисобланган „тажоҳилий орифона“ ёки „ҳусни-та'лил“ (воқияни билатуриб, ўзини қасддан билмасликга солиш)ни шоир муваффақият блан тадбиқ этган. Бошқа бир ғазалида шоир ҳаёт ва умиднинг енгучанлигига маҳкам ишончини баён қилади:

Давлат ила маст бўлган ҳуш'ёр бўлади бир кун,
Фафлатдаги шу бахтим, бидор бўлади бир кун.

Лекин Низомини жаҳонга танитган, унинг номини ўлмаслик муҳри блан шарафлантирган нарса, шубҳасиз унинг „Ҳамса“сидир.

Шарқ адабиётида „Ҳамса“чилик дея шухрат топган бу типдаги асарларнинг биринчиси бўлган Низомий асари беш дostonдан иборат бўлиб, турли сюжет, мавзу' ҳам вазнларда ёзилган. Малумки бу дostonлар форс тилида ёзилган, лекин шу факт на Низомийнинг озарий эканини инкор қилишга асос бўлаолади ва на „Ҳамса“ни Озарбайжон адабиёти тарихидан чиқаришга далил! Ҳолбуки ба'зи Эрон ва Европа олимлари Низомийни эронли қилиб кўрсатишга кўп уриндилар. Улар „Искандарнома“нинг охиридаги бир жойида шоирнинг гўё „Қум“ (Эрондаги бир шаҳар)дан чиққанини дастак қилиб, шу да'вода бўлдилар.

Ҳолбуки энг қадимий кўлёмаларда (масалан Париж миллий кутубхонасида сақланган ва 1360 йилда ёзилган „Ҳамса“да) бу мисра'ларнинг йўқлиги унинг кейинги котиблар томонидан киргизилганини кўрсатади. XII асрнинг шароитида Закавказия, Ўрта Ссиё, Кичик Осиё, Ҳиндистон ва бошқа бирқанча мусулмон мамлакатларида форс тили ан'анавий ше'рий тил бўлиб

қолган эди. Низомий ўзи, шахсан ўз хоҳишига хилоф бўлса ҳам, форсча ёзишга мажбур бўлганини „Лайли ва Мажнун“ достонининг кириш қисмида („Дар сабабий назм китоб“да) очиқдан-очиқ ва чуқур қайғи блан кўрсатиб ўтади. 1188-нчи йил баҳорда, Ширвоншоҳлардан Ахистон шоирга чопар юбориб қадим араб афсонаси бўлмиш „Лайли ва Мажнун“ ишқини достон қилишни буюрган эди, аммо бир шарт блан: достон форс тилида бўлмоғи керак эди. Шоир шоҳ буйруғининг мазмунини ўз сўзи блан шундай баён қилади:

Хоҳамки баёд ишқи-Мажнун
Рони сухани чу дурри-мажнун.
Чун Лайли бикир агар тавони
Бикри ду-се дар сухан нишони!
Бингар з—ҳўққайи—тафаккур
Дар марсалайке мекаши дур?
Турки сифату вафои—ман нест,
Туркона сифат сазои—ман нест!
Чун ҳалқайи—шоҳ ёфт гушам,
Аз дил бадимоғ рафт ҳушам.

[Шоҳ буюрган эдики: „Хоҳлайманки, Мажнуннинг ишқини ёдлаб инжу каби сўзларни тизгайсан. Қўлингдан келса бокира қиз бўлмиш Лайлидай икки-уч дона бокира сўзларни яратгайсан. Сен, кимнинг ипига дурдона тизаётганингни фикр хазинангдан яхшилаб қараб фаҳмлагин! Туркий қондалар менга одат эмас, туркона сўзлашув менга лойиқ эмас. Ҳаркимнинг насаби баланд экан, унинг сўзи ҳам баланд бўлиши лозим“ шоҳлик ҳалқаси қулоғимга илиниб мени банд қилгандан кейин қон миямга уриб ҳушимни йўқотдим].

Демак туркий (Озарбойжон) тилини хўрлаган ҳокимлар „олийнасаблар тили“ бўлган ажнабий форс тилида ёзишни шоирга мажбурий шарт қилиб юклатганлар. Шоирнинг бу иқрори Низомийнинг асил Озарбайжонли бўлганига ва ўз она тилини севгани ҳолда ноилож форсийча ёзишга мажбур қолганига ҳеч қандай шак ва шубҳа қолдирмайди. Шунга қарамасдан форс тилини энг буюк форс шоирлари қадар билган Низомий шу тилда ўзининг ўлмас адабий обидаси бўлмиш „Ҳамса“ни тартиб қилгандир.

„Ҳамса“нинг биринчи достони бўлмиш „Махзанул-асрор“ (Сирлар хазинаси)ни Низомий 1178-нчи йилда, я'ни 37 ёшида ёзиб тамомлади. Фалсафий-та'лимий жанрда ёзилган бу достон Яқин Шарқ адабиётлари учун характерли бўлган „насиҳатнома“ ёки „панднома“ларнинг порлоқ намунаси бўлиб кишининг қадри, меҳнатга ҳурмат, инсофсизлик ва ўзбошимчаликга қарши э'тироз кайфиятларини ўз ичига олади. Бу достон турли ахлоқий ва фалсафий мавзулардаги 20 мақолат ва шуларга қўшилган кичик манзум ҳикоялардан иборатдир. Низомийдаги гуманизмнинг яққол ифадаси бўлган бу асар ўзидан кейин кўп шоирларга ўрнак бўлиб келди.

1180-81-нчи йилларда Низомий „Хисрав ва Ширин“ дostonни ёзиб битирди. Сосонийлардан Хисрав Парвиз (VII аср) ҳақида Эрон воқияномаларида ва яқин шарқ фольклорига юрган ривоятларни биринчи марта ўлароқ манзум роман шаклида ишлади. Низомий севи, вафо, бахт учун кураш, давлат ва шахс, шоҳ ва халқ масалаларини прогрессив гуманист кўзи билан ҳал қилишга уринади. Бу дostonда, ҳали бош қаҳрамон бўлмаган Фарҳод меҳнат, ғайрат ҳам вафoning порлоқ символидир. Бу дoston ёзилиб тамом бўлар-бўлмас унинг донги атрофдаги феодал саройларига бориб етди ва юқорига айтиб ўтилганидай 1188-нчи йилда Ширвоншоҳ Низомийга „Лайли ва Мажнун“ни ёзишни буюрди. Шоир шу йилнинг ўзидаёқ бу дostonни ёзишга киришиб тўрт ойдан ҳам тезроқ фурсатда тамомлайди.

Лайли ва Мажнун ҳақидаги аламли қисса араб хроникаларида ва оғзаки халқ ижодида кўпдан бери (тахминан VII асардан бошлаб) юрар эди. Бу ривоятлар баний омир қабиласидан Қайс ибн Мулавваҳ деган бир ёш шоирнинг севгисига доирдир. Аммо буни бутун роман ёхуд дoston тарзида биринчи марта ўлароқ Низомий қаламга олди. Ҳарҳолда бунчалик қадим сюжетнинг Эрон, Закавказия ўлкаларида фольклор шаклида бўлса ҳам малум бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Романтик ишқий дostonларининг классик намунаси бўлган бу асарда Низомий шарқда хотин-қизлар ҳуқуқи, бечора асирларнинг тақдир, кишининг том ма'носи билан олий муҳаббатга лаёқати ҳақида, соф виждонли кишиларнинг замонда таҳқирлангани ва хорлангани ҳақида ўз даври учун ғоят ўткир бўлган проблемаларни майдонга ташлайди. Шоирнинг бу учинчи дostonи шу қадар тез шухрат топиб кетдики, ҳатто шоир ҳаёт эканида шарқда унга тақлид ва назиралар ёзабошладилар. Шоир, шубҳасиз Лайли либоси остида ўзининг замондоши бўлган ҳуқуқсиз ва бахтсиз озарий қизларнинг қаро тақдирини кўз ёшлари билан тараннум этгандир.

Жанубий Озарбайжондаги Мароғо вилоятининг ҳокими—Оқсунқарийлардан Алоутдин Кўрша Арслон (1174—1208)нинг илтимоси билан ёзилган „Ҳафт пайкар“ (Етти дилбар) Сосоний ҳукмдорларидан Баҳром Гўрнинг (тўртинчи-бешинчи аср) ошиқона саргузаштларини ўз ичига олгандир. (Баҳром ҳақида Фирдавсий ҳам ўз „Шаҳнома“сида гапиради). 1196 йилда тамомланган бу дoston учун шоир Эрон шоҳларининг „Худойнома“ деган сулолавий хроникаларидан, Фирдавсийнинг „Шаҳнома“сидаги малумотлардан ва халқ ўртасидаги эртак жанрларидан кенг фойдаланган. Мамлакатни идора қилиш масаласи, соҳиби—ихтиёрларни ҳуш'ёрлик ва тадбир билан ҳаракат қилиш масаласи бу манзум романда қизик ва мароқли бир рамкада, ишқий мождаролар ва киргизма ҳикоялар воситаси билан ҳал қилинади.

„Ҳамса“нинг бешинчи ва сўнги дostonи „Искандарнома“ асосан икки мустақил қисмдан „Шарафнома“ ва „Иқболнома“дан иборатдир. Биринчи қисмида кўпинча уруш ва қаҳрамонлик лавҳаларига, иккинчи қисмида эса ижтимоий мулоҳазаларга ўрин

берилади. Асарнинг асосий қаҳрамони бўлган Макидонияли Искандар адолатли, фуқаропараст, олим, мард, файласуф, ҳукмдорнинг идеал образидир Низомий тарихий шахсни асос қилиб олиб, кейин бунга ўз мақсадларига мувофиқ бадиий ҳаёллар билан бойитган. „Иқболнома“нинг охирида Искандар шимолда бир дийёрга бориб қоладики, у ерда на золим бор на мазлум; на бой бор на йўқсул; на касаллик бор, на очлик! Бу ажойиб фантазияда Низомий эркин ва бахтлиқ бир жамият ҳақида туманли бўлса ҳам қизгин бир иштиёқ билан ҳаёл сурганини кўрсатади. Демак Низомий бу дostonида жиддий такомил қилиб шоҳсиз ҳам бахтиёр жамият бўлиши мумкинлигига ишонади.

Низомийнинг „Ҳамса“си ҳақиқатан ҳам жаҳон адабиётининг олтин кутубхонасида энг шарафли бад’иялардан биридир. У яқин шарқда романик эпосини яратди. У ўзидан илгари бадиий адабиётда гавдаланмаган янги ва оригинал сюжетларни ўлмас сўзлар билан мужассамлантирди. У мислсиз маҳорат билан киши руҳининг ички оламларини ечиб ўзининг буюк психологик расом бўлганини исботлади. У ўрта-асрларнинг музлим кечасида ақл, зако, инсоф, дўстлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, билим, вафо ҳам меҳнатнинг алангали маш’алини ёқди.

Низомий Ватан тушунчасини баланд кўтаради. У Фирдавсийнинг буюк эрончилик идеясига қарши улуроқ Озарбайжонни, ўзининг халқига, тилига, урф-одатига эга бўлган мустақил бир мамлакатдай куйлайди. Феодал ҳукмдорларида Ватан тушунчаси йўқ. Улар „Ватан“ сўзи остида ўз тахтгоҳларини уйлаганлар. Низомийнинг Ватани халқнинг истиқоматгоҳи бўлган юртдир. Масалан: Барда шаҳрининг хароб бўлганини кўрган шоир, хафа бўлиб уни обод қилиш учун қайғиради. Аммо у тор шовенист эмас, чунки унинг ижобий қаҳрамонлари ўртасида ҳархил миллатларнинг вакилларини кўрмак мумкиндир.

Ажаб эмаски, Низомийдан сўнгра барча шарқ мамлакатларида унинг дostonлари наслдан-наслга ўтиб, халқнинг оғзаки ижодига қуйилиб, ўсиб, яшаб, ҳурматланиб, иззатланиб келди. Уни Ғарб ҳам эшитди. Европанинг буюк шоирлари (Гёте) унинг бадиий иқтидори олдида та’зим қилдилар.

Низомийнинг дostonлари шу қадар идеаль классик норма бўлиб қолдиларки, жуда кўп шоирлар унга эргаи увни ўзларига фарз деб билдилар. Шарқда янги „Ҳамса“ ёзаман деб бештадан дoston ёзган шоирнинг сони юзга бориб етади. Низомийнинг айрим дostonларига „жавоб“ (назира) бўлиб ёзилган асарлар эса, ҳарҳолда мингдан ошади.

Ўзбек халқи ва унинг классик шоирлари Низомийни асарлардан бери севиб-севиб ўқиб келганлар. Қадимий Ганжада Низомий қабри ёнига ўтказилган чинорлар ҳали қад кўтармасданок Низомий Ҳамсасининг акс садоси Ўрта Осиёда жаранглади. XIII асрнинг ўрталарида номалум автор томонидан ёзилган „Мифтахул-адл“ (Адолатнинг калиди) деган китобда Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ўз вазири билан овга чиққанида бойқуш-

ларнинг суҳбатини эшитганлиги ҳақидаги ҳикоянинг сюжети-
шубҳасиз Низомийдан олинган.

Ундан бир аср сўнгра, XIV асрнинг ўрталарида, Хоразм-
ли Қутб деган шоир Низомийнинг „Хисрав ва Ширин“ досто-
нини ўзбекчага, эркин таржима қилиб битирди. У бу дostonни
Олтин Ўрда ҳукмдорларидан Тинибекнинг хотинига бағишла-
ган эди. Шoir ўзи Низомийдан файзиёб бўлганини қуйидагича
икрор қилади:

Қозондек қайнаб — уш савдо пишурдум,
Низомий болидин халво пишурдум.

Лекин юқорида айтганимиздек бу таржима эркин бўлиб,
харфма-харф аслига риоя қилинмаган. Айниқса ов, уруш манза-
раларини беришда, сарой урф-одатларини ва маросимларини
тасвирлашда Қутб ўз замонасининг конкрет воқеалигидан кўп
лавҳалар киргизган.

XV асрнинг ўрталарида Мирҳайдар Хоразмий „Махзанул-
асрор“ни таржима қилди. Унинг ўзбек тилига қилган таржима-
сида ҳам бирқанча эркинликлар бўлиб, айрим масалаларга ўзи-
нинг қарашларини ҳам киргизган. У зотан ўзи иқрор бўладики:

Менки, пишурдам бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдин олиб чошни!

XIX асрда Хоразмли Огоҳий Низомийнинг тўртинчи дostonя
бўлган „Ҳафт-пайкар“ни наср блан ўзбекчага таржима қилди.

Бу бевосита таржималардан бошқа, Низомийнинг баракали
та’сири умуман ўзбек ше’рининг инкишоб ва балоғати йўлида
жуда муҳим бўлди. Буюк Навоий ўзининг гениал дostonларини
ёзаркан, Низомийнинг ўлмас руҳидан илҳомланди, унинг меро-
сидан ижодий риваيدا фойдаланиб ўз „Ҳамса“сини яратди. У
ҳарбир дostonининг бошида Низомийга ўз ташаккурларини ва
эҳтиромини билдириб, унга жуда юксак баҳо берди. Масалан
„Хайратул-аброр“нинг кириш қисмида Низомий ҳақида шу клас-
сик баҳони ўқиймиз:

Ганжа ватан, кўнгли онинг ганжҳез
Хотири ганжуру, дили ганжрез,
Фикрати мезони бўлиб Ҳамса санж,
„Ҳамса“ дема, балки дегил „Панж-ганж“.
Кифрон-Мезонанга афлок ўлуб,
Ботмони тоши кураи-хок ўлуб.
Торғса юз қарн хирад хозини,
Чекмагай онинг купидин озини.
Кони — латоифга сўзи мунқасим,
Дурри-маонига тили мунтазим.
Нозим ўлуб сўз дурри — серобига,
Чарх „Низомий“ ёзиб алқобига.

Бу мисолдаги учинчи байтнинг мазмунини қаранг: Низомий-
нинг оғирлигини тўртиш учун оддий тарозу эмас, осмонни пал

ла қилиб қўйиш керак, палланинг биттасига Низомий қўйилса унинг вазини тортиш учун осмоннинг иккинчи палласига оддий тош эмас, бутун ер курасини қўйсагина нариги паллани кўтариш мумкин! Нақадар жур'атли ва оригиналь исте'ора!

Навоий ҳам Низомий образларидан фойдаланди, у ҳам бахтсиз Лайлининг ишқини, меҳнаткаш Фарҳоднинг ҳимматини, голиб Искандарнинг адолатини куйлади. Бунинг сабаби шуки, Навоий даврида ҳам (XV аср) Низомий даврига (XII аср) ўхшаб феодализм жамияти ҳукмфармо эди. Гарчи ўртада фарқ катта бўлса ҳам ҳар иккала даврда феодал жамиятининг асосий хусусиятлари сақланган эди. Бинобарин бу образлардаги ижтимоий актуал ма'но Навоий замонасида ҳам муҳим, ўткир бир моҳиятга эга эди.

Қўқон, Бухоро, Хиванинг шоирлари Низомийни ўзларига „пир“, „устоз“, „шайх“ деб кўтаришди. Мунис Хоразмий уни „Волийи мулки-тариқат“ деб азиялади.

Ўтмиш даврларнинг илғор кишилари Низомийни юксак баҳолаб севиб ўқисалар ҳам кенг омма, меҳнаткашларнинг кенг табақалари Низомийни ўқиш имкониятидан маҳрум эдилар. Фақат совет давридагина буюк Озарбайжон шоири барча совет халқларининг мумтоз бир сан'аткори сифатида олқишланмоқда!

Шунинг учун ҳам Низомийнинг туғилганига 800 йил тўлиши муносабати блан ўтказилаётган тўй ва тантана Озарбайжон халқининг маданият тўйи, барча совет кишиларининг қардошлик ва дўстлик байрами, Ленин—Сталин миллий сиёсатининг Шарқда галабасига янги бир ҳайкалдир.

Доҳий шоир ўзининг „Хисрав ва Ширин“ достонини битираркан келгуси ўқучиларга қараб шу пайғамбарона мисра'ларни ёзган эди:

Низомий, бину ин манзума хони,
Ҳузураш дар сухан ёби аёни,
Ниҳон, ке бошад аз ту жилвасози,
Ки, дар ҳар байт гўяд боту рози,
Пас аз сад сол агар гўйи: ку-жо ў?
З—ҳар байти нидо хезадки:—ҳо, ў!

[Бу манзумани кўриб ўқиганингда Низомийни унинг сўзлари ичидан аён топарсан! У, ҳарбир байтда сенга бирон сир айтиб турган жилвасоз сендан қандай қилиб ниҳон бўлиши мумкин? Юз йилдан кейин ҳам, агар, у қаерда деб сўрасанг, ҳагбир байтдан нидо чиқарки:—ҳа у шу ерда!—деб].

Нақадар ажойиб сўзлар! Шоир ўз орзусидаги умрдан ҳам кўп яшаб келди. Совет жамияти юз рақамини тузатиб бу кун Буюк Низомийнинг туғилганига икки аср кам минг йил тўлишини миллий байрам каби кутиб олмоқда!

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

„ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН ДАН ПАРЧАЛАР

ЛАЙЛИНИНГ ИШҚИДА МАЖНУННИНГ БЕҚАРОР БЎЛИБ
НОЛА ВА ЗОРИЙ ҚИЛГАНИ

Хешларни сўзин эшитди Мажнун,¹
Аччиғлиғидан у бўлди маҳзун.

Қўл урди-да йиртди пираҳанни,²
Бу мурда на қилгуси кафанни?

Узро тилагида мисли Вомиқ,³
Саҳрони узига билди лойиқ.

Қурган икки дун'ёдин чиқиб тахт,
Бир кўйлак аро қачон чекар рахт.

Йиртиб футасин совут ясарди,
Бадини ёқиб кишан кесарди.

Атрофда ғариб каби кезар-ди,
Йиртиб ёқасини чок этар-ди.

Ўз ўлмагига ўзи-ди ҳоким,
„Лоҳавла“ ўқир-ди ундан ҳарким.

Девона сифат чопар-ди ҳарсўй,
Деб Лайлию, Лайли борса ҳаркўй.

Бошини очибки, йиртиб ихром,⁴
Та'на кўчасида бўлди бадном.

Бор эрди ёмону-яхшилик бас,
Яхши-ла — ёмонни фарқин этмас.

Дўстлик газалин ўқир-ди ҳар он,
Юлдузу-Яманни шавқи бирлон.

Ҳар байтки, у қиларди бун'ёд,
Саҳро элига бўлиб эди ёд.

Ҳайратда қолиб ўшал замони,
Йиғларди кимики кўрса они.

Йўқдир хабари у бору йўқдан,
Бузмас пинагин биронта дўқдан.

Дун'ё бетиданки, ҳарф қирилган,
На бор эди жони, ул на ўлган.

Тушган тош уза чу лой каби хор,
Кўнглида аниг ҳам ўзга тош бор.

Тоза тани қуйқадай кир ўлди,
Икки тош уни сиқиб эзолди.

Шамдек жигари эрибки, қолган,
Ё қушки, баробари йўқолган.

Юзда бор эди губори — тупроқ,
Дилда бор эди доғ узра ҳам доғ.

Чарчаб ҳам ила шу ғалвалардин,
Тошқарига солди жойномозин.

Ҳой-ҳой ила йиғлабон ўтирди,
Эй воҳ, на қилай, давом на дерди.

Овора манамки, хону-мондан,
Йўл топмай уйимга бул томондан.

На ёр эшигида бир паноҳ бор,
На дўст кўчаси бошига роҳ бор^б.

Обру идиши, уятни жоми,
Синди тош уза тушуб тамоми.

Йўртялди мениг суюнчи давлим,
Урдим мен ўзим сафарни давлин.

Афсус-ла мани маст дерлар,
Гаҳ ошяқу, бутпараст дерлар.

Ман соряга боқма, бутпарастман,
Илгимдаги гулдир, лой дема сан.

Оқсоқ шикорамки, туркий овчи
Кўзлаб мени ўқ-ла овломоқчи.

Бир ёрки, ўзим мути'ман анга,
Ҳукм айлади у ўлимни манга.

Гар маст деса ёр, мастдурман,
Девонаданамки, пастдурман.

Чун телбалик ила мастлигим бор,
Маст телбада дилни сўрма, зинҳор.

Билган ҳама машҳури замонман,
Девонаи халқу — девижонман.

Тақдир ила ўйла телба — масман,
Токи босилай кишанлар илан.

Бўлди шуду борим, ўйла вайрон,
Ки тиклашига ўзим-да ҳайрон.

Эй, кошки, шамол турган эрди,
Туироқларми совургай эрди.

Е бир яшин улки уйга кирса,
Ҳам уй ила, ҳам мато' куйса.

Йўқ кимсаки, бир алов кетирса,
Дуддек тутатиб жоним чиқарса.

Отсайди мени наҳанг дамига,
Хўб дерди жаҳон бу ёрдамига.

Ман-чун уругимни хор этарлар,
Ёронлар отимдан ор этарлар.

Мен ҳастани кимки тўкса қонин,
Ҳечким сўрамас унинг тавонин.

Қилган кишилар маним-ла суҳбат,
Яхши қолишиб бўлинг саломат.

Май шишаси улки, қўлда эрди,
Ул шиша тушуб ер узра синди.

Ҳаркимнинг манга етишса ройи,
Дард кўрмасин ул кишини пойи.

Дардимдан аё хабарсиз одам,
Қоч-қоч бу йўлимни тўсма сан ҳам.

Кетдим йўқолиб, мани қидирманг,
Йуқ бўлғучиларга сиз гапирманг.

Қайта мани сиз аловга тепманг,
Куйган бу вужудга тузни сепманг.

Токай ситаму-жафо кўрарман?
Ғамданки, қачон раҳо бўларман?⁶

Қувманг мани бу вилоятимдан,
Қочмоққа ўзим ҳам отланибман.

Тадбир на эрурки, ман йиқилдим,
Эй дўст кел энди тутгил илгим.

Бу ҳастаки, санга дил берибдир,
Сансиз тирик ўлмас ул ўлубдур.

Лутфу-карам эт бирон салом-ла,
Жон тоза қилайки, бир паём-ла.

Жинни деб атар мани халойиқ,
Бўйнингга санинг кишан не лойиқ?¹

Бўйнингга сенинг соляинмасун ип,
Бўйнимга менинг у кўп муносиб.

Дил тикканини сочингки, йиртди,
Йиртмоқ ишини ким ўргатибди?

Зулфинг сани дил олишга зўрдур,
Дил ҳинду қулу, фалак-да кўрдур.

Қилгил бир иш эй, нажоткорим,
Бу чоҳдан иложин эт чиқорим.

Ё олки, қўлимни ман туройин,
Келтур ёвоғиягни ё ўпойин.

Бир четда, хато бекорга турмоқ,
Қўлларни чалиштириб ўтирмоқ.

¹ Лайлининг кокиллари.

Қўйдинг, бу тариқа шафқатингдан,
„Ирҳаму-турҳам“ ўқимагансан?ʼ

Осуда кишики, ранжни билмас,
Ранж чеккучидан хабар ҳам олмас.

Тўқ очга ёзарса, дастурхонни,
Тўғрар коса ичра майда нонни.

Кимнинг хабари бор эрса ўтдан,
Урғай анга қўлни эҳтиётдан.

Эй, ҳам сану, ҳам ман одамизод,
Ман оддий тикан, сан эрса шамшод.

Зирних бўларми зардан ортиқ?
Ботманига бир пақирча тортиқ!

Жон роҳати, қайдан айт бўлурсан?
Олмоққа бу жонни қасд қилурсан?

Сан — сан мани ёру — узрихоҳим,
Дўстман санга, йўқ бўлак гуноҳим.

Минг кеча ўтубки, бир кеча кел,
Тўғри иш учунки, бир хато қил.

Бўл рози бу ишга тортма гардан,
Бўйнимга олай хатонгни бардам.

Бу ғамзаданингки, исми ҳам йўқ,
Олдингда хижилман, бошқа ғам йўқ.

Зарданг-ла куюк думоғим оғир,
Лутфингни қачон кўрурман охир?

Қаҳринг сани гарчи ўт уродур,
Ашким сувидан анга сепокўр.

Эй, янги ойим, сафоли юлдуз,
Хуснингни кўриб бўлибман ҳушсиз.

Сан-да бўлушим мувофиқ ўлмас.
Телба яла янги ой қўшилмас.

Соянгни изини манки, сўрмам,
Қўрқинчли ўзимга ҳам кўланкам.

Соямда туриб сени кўрарман,
Сен сояни ҳам аядинг мендан.

Жону дилим олдинг, бу ёмонлик,
Уйинчоқ эмас, бу зўравонлик.

Сен бор, дея чиқди ному-шоним,
Сен, бор дея куйди кетди жоним.

Бир ташна гўдак тушида кўрди,
Ки, унга биров совуқ сув берди.

Очди кўзини севинч бирлан,
Ўз бармоғини сўриб турар-кан...

Хамдур икки „лом“ каби аёғим,
Қайрилди ҳам икки „ё“дек илгим.

Номим каби токи номинг ўлмиш,
Ҳам ул икки „ё“ у, „лом“ бўлмиш.¹

Ишқинг сра кетмагай дилимдан,
Бу сирни билалмагай элимдан.

Сут бирла танимга кирди бу сир,
Жон бирла чиқар танимдан охир.

Айтиб шуни ул йиқилди ерга,
Қайғурди кўриб ким эрди бирга.

Айлаб чу иложин ундан они
Элтдилар уйига шул замони.

Гар доимий бўлмаса муҳаббат —
Ёшляк ҳавасию шавқу-шаҳват.

Ишқ улки, ҳамон кам ўлмаса ҳеч,
Андан қадами узилмаса ҳеч.

Ул ишқда сарсари хаёл йўқ,
Унга абадул-абад завол йўқ.

Мажнунки, баланд ном ишқдур,
Ҳам ма'рифати тамом ишқдур.

Ишқинг юки бирла барҳаёт ул,
Севги елидан мисоли шод гул.

¹ „Лайли“ сўзининг арабча шакли икки „лом“ ва икки „ё“ дан иборат.

Энди ани гулларики сўлган.
Бир қатраси-да — гулоби қолган...

Ул қатрани мен билиб қадрлик,
Айлай ариғимни соф, атрлик.

Форс тилидан таржима қилучилар:
Н. ОХУНДИЙ, ХИСЛАТ, М. МУХАММАДЖОНОВ.

1. Хеш — Қариндош.
 2. Пираҳан — кўйлак.
 3. Вомиқ ва Узро — тарихда ўтган афсонавий ошиқ-ма шуқлар номи.
 4. Иҳром — лувги.
 5. Роҳ — йўл.
 6. Раҳо — қутилин.
 7. Ирҳаму-гурҳам — раҳм қил, раҳм қиласан.
-

„МОСКВА“ ТЎПЛАМИ ҲАҚИДА

„Москва“. Редактори Миртемир. Ўздавиашир
1947 йил, Тошкент. тиражи 5000.

Шу йил 7-нчи сентябрь кунин бутун совет халқи қувончли бир санани—ғолиб Ватанимизнинг гўзал пойтахти шавкатли Москва-нинг 800 йиллик юбилейини байрам қилади. Завод-фабрикадаги баҳодир ишчи, колхоз даласида пахта ўстираётган колхозчи, комбайнга ўтириб олтин буғдойларни ўраётган ғаллакор, тинч ва фароғатли умр кечириётган халқимизнинг сара ўғиллари: олимлар, докторлар, агрономлар, ёзувчилар, сан'ат ходимлари — хуллас ҳарбир совет граждани бу байрамни янги бир ижодий тортиқ блан нишонлаш иштиёқида яшамоқдадир.

Ўзбек шоирлари ҳам Ватанимизнинг юраги Москва ҳақида яратган қасидаларини тўплаб, бир ше'рий тўяна ҳозирладилар. Ўзбекистон Давлат Нашриёти томонидан нашр қилиниб, Москва номи блан босилган бу адабий альманах кенг китобхонлар омма-сига тақдим қилинди.

Шоир М. Бобоев томонидан тўпланиб нашрга тайёрланган Москва китоби Сталин Мукофотининг лауреати шоир Фафур Гуломнинг „Иосиф Сталин“ достонининг учинчи қисми бўлиб кирган Москва номли фалсафий ше'ри блан бошланади.

Марказий оламсан, улуг Москвам,
Жаҳон пойтахтим, ҳуқуқим, бахтим.
Шарқли бир шоирнинг ташаккурини
Қай сўз блан айтай эй, кўҳна тахтим!

Шу тўрт мисра'да шоир Фафур Гулом Москванинг қиёфасини Москва—башариятнинг суянчиғи, бахти, эрки, ҳуқуқи деган ҳаққоний ғояни олдинга суради. Шоир шу фикрни кенгайтириб қориб, Москвага бўлган меҳру-муҳаббатини нечоғлиқ зўрлигини машҳур форс шоири Ҳофиз Шерозийнинг ғазалига чоғиштириб туриб исботлайди:

Ҳофизий Шерозий бир кун мақтаниб
Сурайё юлдуздан қўйгандек нуқта:

Менинг Осиёлик ше'рим қонида
Кремль юлдузи донм омуқта.

Бу ше'рлар мажмуасини бир бошдан варақлаб борар эканмиз, унда узбек совет адабиётининг уччала бўғинига ҳам мансуб бўлган шоирларнинг номларини учратамиз ва уларнинг ёзган бадияларини кўриб, қувонамиз. Тўпламга Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Миртемир, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Темир Фаттоҳ, Ислон шоир, Жуманийё Шарифий, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, М. Бобоев, Туроб Тўла, Ёнғин Мирза, Асқад Мухтор, Ўткур Рашид, Аҳмад Бобожон, Не'мат Тошпўлат, Мавлон Икром ўртоқларнинг Москва ҳақида ёзган ше'рлари киритилгандир.

Москва — Улуғ Ватанимизнинг юраги! Москва — бахтимиз ва келажакимиз. Бизнинг эркимиз, қувончимиз Москва туфайлидир. Кремльнинг юлдузида саодатимиз жилоланади. Идрок, қалам, саодат бериб камолга етказган онамизни мадҳ қилиш фарз. Шунинг учун ҳам кўп миллатли совет халқларининг саодат ва бахт куйчилари бўлган шоирлар Москва ҳақида ажойиб ажойиб асарлар яратмоқдалар. Чунки Москва ҳақида ше'р ёзиш, ҳарбир шоирнинг қалбидаги армони ва муқаддас тилаги бўлиб яшамоқдадир.

Тўпламга фақат Москва ҳақида ёзилган ше'рлар кирган, (баъзибир ше'рларни мустасно қилганда) лекин ҳаммага муштарак бўлган бир мавзу'ни олиб ёзишда, уни ҳал қилишда ҳарбир шоирнинг ўз билими, муҳокама қилиш уфқининг кенг ва торлиги, поэтиканинг қонунларига амал қилабилиши, ўз Ватанининг жуғрофиясини билиши, хуллас ўз услубига эга эканлиги очиқ-ойдин кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам бир темада ёзилган ше'рлар асло бир-бирига ўхшамайди. Ҳарбир шоир Москванинг қиёфасини бир кичик штрих ёки деталл блан очиб беришга уринганини кўраемиз. Шоир Шайхзода „Лениннинг муқаддас мақбари бор“ деб, пойтахтнинг Улуғ Ватан урушида ғолиб чиқишимизга илҳомлантиручи адолат шаҳри сифатида ифода қилишга уринса, Ҳасан Пўлат ва Амин Умарий каби шоирлар лирик кечирмаларда ифодалашга уринадилар. Тўпламга асари кирган ҳарбир шоир янги образлар излашга, янги ифодалар, ташбиҳлар, муболағалар, метафоралар топишга уринади. Шунинг учун ҳам бир мавзу'да Москва ҳақида ёзилган ше'рлар бир-бирига мутлақо ўхшамаган.

Бу жиҳатдан бир-икки мисоллар келтириш мумкин. Марҳум шоир Ҳасан Пўлатнинг „Москва“ ше'рида шундай самимий сатрларни ўқиймиз:

Сен ишлаган бахт йўллари кенг очиқ менга,
Кремльнинг деворлари суянчиқ менга,
Юрагимга теккан бўлур ёв тегса сенга,
Қадирдоним, меҳрибоним жоним, Москва!

Сенда бизни одам қилган одам яшайди,
Уни деб ой, қуёш, юлдуз, олам яшайди.
Сенинг учун дилим, ше'рим, садом яшайди,
Қадирдоним, меҳрибоним, жоним, Москва!

Бу жуда содда, бийрон тил блан айтилган сатрларда Москва-
нинг бутун салобати ва моҳияти барқарордир.

Шоир Асқад Мухтор „Москванинг қалби“ ше'рида Москва-
нинг Улуғ Ватан урушининг тугалланиш йилларидаги мавқи'ини
кўрсатишга уриниб, бу борада муваффақият қозонган. Бу ше'р
равон, ширали ва мазмундор чиққан.

У, тошдан тикланган
Қадим шаҳар эмас.
У, шу топда гўё жонли бир одам.
Гўё кўксида зўр оташ юрак
Энг олий армонлар унда жам'ул-жам'.

Бу юрак ўт блан қоришиб кетган —
Буюк бир жангчининг сўнмас юраги.
Ҳарбир Москваги,
Ҳарбир хонадоннинг
Қувончи, алами, бахти, тилаги...
Урол домнасида
Яллуғланган олов
Шу юрак ўтининг учқуни.
Томирида янги қон тўлқини урад
Элда бир чақалоқ туғилган куни.

Шоир Асқад Мухтор бу ше'рида Ватаннинг бир тан деб бил-
са, Москва шу тирик жоннинг қалби деб тўғри ифодалайди.

Шу тўпламга эндигина адабиёт майдонига тетапоя қилиб ки-
риб келаётган умидли қалам эгаси Мавлон Икромнинг „Москвამ“
деган ше'ри киритилган. Мавлон Икром ҳали ёш бўлишига қа-
рамай, шу улуғ қувончли кунга ўз овозини қўшишни лозим
кўрган. У, бу қувончини қуруқ, дабдабали сатрларда баён қи-
лишдан ўзини тортиб, Москвага бўлган чуқур муҳаббатини кичик
бир фабулани ше'р қилиб, тасвирлашга уринган. Ше'рда ориги-
наллик қидириш яхши ҳол. У, Москвани ёшлик чоғларидан би-
лишни, аммо уни кўриш иштиёқида эканлигини айтиб ўтади.
Афсуски, шоир улуғ пойтахтни зиёрат қилишга отланадиган
йили тасодифан „Нияти шум“ ҳужум қилади.

Аммо шу дам разил душман айлади ҳужум,
Сени пайхон этмоқ бўлди у нияти шум.
Осмонингда душман блан олишиб учдим,
Қузғунларни ўққа тутиб, зафар шон қучдим,
Учганимда Кремльга ташладим нигоҳ,
Пайқадимки, парвозимдан Сталин огоҳ.

Яша-яша, юксал, порла, улуғвор шаҳар,
Посбонингман бир умрга—кундуз ва саҳар.

Одатда қувончли кун учун тайёрлаб келтирилган тўяна ви-мадан иборат бўлиши ва унинг тутган салмоғидан қат'ий назар дарров қўлдан-қўлга ўтказилиб, кўз-кўз қилинади. У, синчиклаб кўрилганда ҳашаматли бўлиб кўринган совғанинг қадри ва си-фати сўнгра ошикор бўлиб қолади.

Совет ёзучисининг кучи унинг ижоди, ҳозирги замон блан, ўзи яшаётган муҳит блан нафасдош бўлишидадир. Унинг ёзган нарсалари совет ғояси блан, марксча—ленинча дун'ёга қараш ғояси блан суғорилган бўлиши керак. Совет ёзучиси ўтган, ҳозирги ва келажак даврлар ҳақида қалам юритиши мумкин. Аммо ҳамма даврга совет кишиси кўзи блан қарайолиши, совет кишисининг тушунчаси блан мушоҳида қилабилиши ҳаммадан ҳам зарур. Шоир кечаги эришган муваффақиятларига суяниб янги-янги ижодий босқичларга кўтарилиши, оригинал асарларни яратишга ўз қаламини ундаши керак. Москва тўпламига кирган ше'рларни шу нуқтаий назардан текшириб қараганимизда, китобхоннинг анча-гина ажаблантириб қўядиган ҳолга дуч келамиз. Китобда Мос-кванинг 800 йиллик юбилейи муносабати блан ёзилган янги ше'рлар блан бир қаторда „ошини-ошаб, ёшини яшаб“ қолган ше'рларни ўқиган ўқучи бироз ранжийди. Бу жиҳатдан китоб-нинг редактори, тўпланда энг кўп ўрин олган шоир Миртемир-нинг ше'рларини мисолга келтириш мумкин.

„Шаҳар бўсағасида“, „Пойтахт“, „Кремль ёнида“, „Буюк тў-фон устида“ ше'рлари Миртемирнинг 1934 йилда Москва—Волга канали қурилаётган даврда яратилган натуралистик ва сентимен-таль ше'рлардир. Учюз сатрдан ошиқ ше'рни қаноат блан ўқиган китобхон на ше'рий лаззат; ва бир мантиқ ва на бир мазмун блан таъминланади. Фақат „Шаксиз бир кун куррага пойтахт бўласан“, „Курранинг ғурурисан ва зийнатисан „Кўклар блан ўпишган ягона пойтахт“ деган сатрларнинггина қаймоқни сузган-дек зўрға сузиб олиши мумкин.

Поэтик тасвирнинг аниқлиги атрофингдаги бўлаётган воқиа-ларни, манзараларни рассомга ўхшаб ипидан-игнасигача битта қолдирмай чизиб бериш блан ўлчанмайди. Ше'рнинг кучи ўша ҳаётнинг ва кишиларнинг ички дун'ёсини шу воқиа ва манзара-лар орқали очиб берабилишлик блан ўлчанади. Ше'рни ше'р қиладиган нарса хронологик фактларни, аш'ёларнинг номларини зикр қилишдан иборат бўлмай, балъи сезги, фикр, кечирмаларни поэтик умумийлаштирабилишдадир. Шу ма'нода Миртемирнинг „Кремль ёнида“ ше'рини кўрсатсак характерли мисол келтирган бўламиз.

„Қолмагай очилмаган бир тилсим—дарча,
Табиат шўхликлари бўлур парча-парча.

Ҳар сад ва соҳилдан чиқади овоз,

Бўлажак шлюзлар ҳисоб беради.
 Қурилажак садлар кўкрак керади,
 Барчаси бўлиб бир соз
 Куйлайди қурилиш бўйлаб
 Куйлайди уйнаб...
 Рақс этади: тинимсиз оёқлар, қўллар
 Рақс этур бир қаҳрамон коллектив ўрду.
 Рақс этади: қоялар, йўллар ва чўллар,
 Рақс этур улуғ дар'ё, ғирмоқ; тўлқин, сув.
 Рақс этур: ўрмонлар, барглар, сув сиртлари,
 Рақс этур кураклар, лўмлар, ғалтаклар,
 Рақс этур атлас қирлар, Эдиль ортлари,
 Рақс этур йироқ-яқин яшил этаклар...

Юқоридаги тарқоқ, қуруқ натуралистик бема'ни сатрларни Москвага қандай алоқаси бўлди. Тўғри, бу ше'рлар ёзилган вақтда кишида ҳаяжон уйғотуши ше'рлар саналгандир. Энди у ўз бурчини адо этиб бўлган бу ше'рларнинг Москва ша'нига қарата тақдим қилиниши кишини ҳайратда қолдиради. Олдимизда буюк ишлар, Сталинча бешйиллик қурилишлари қаламга олиниши зарур бўлган бир вақтда дар'ёдан томчи бўлган олдинги қурилишларни яна пеш қилиб эсга солиш шоирнинг ҳозирги замон билан бирга қадам ташлашда оқсаётганини кўрсатмайдими? Наҳотки ўзбек адабиётида анчагина салмоқли ўрин олган шоир Миртемир шундай улуғ кунга тўяна қилинган Москва тўпламига эски, қадрсизланиб қолган, ше'р тарозусига тушганда тош босмайди мисра'лардан иборат узун сатрларни киритишни қандай лойиқ кўрди экан? Улуғ ишларни бажариш қурбига етган голиб халқимиздан наҳот илҳомланиб бир кичик ҳажмда бўлса ҳам Москва учун янги бир қасида ёзаолмади? Ахир, ун учинил бундан муқаддам ёзилган ше'рларни китобга киритиш китобхонларга ҳурматсизлик эмасми?

Шоир Темир Фаттоҳнинг „Салют оқшомида ой“, Уткур Рашиднинг „Ота шаҳар“, Аҳмад Бобожоннинг „Москва“ Ислом шоирнинг „Москвани кўрдим“ ше'рлари анчагина таҳрир талаб асарлар бўлса ҳам босилаберган.

„Москва“ альманахи стилистик ва орфографик хатолардан ҳам ҳоли эмас. Масалан „Россия“ сўзи ҳар ерда ҳартурли вариантда ёзилган. Ундан ташқари адабий альманахнинг техника жиҳатидан безатилиши ҳам кишини қаноатлантирмайди. Ўқучи бу китобни бир мартаба қўлга олиб, дарров унинг муқавасини ўқиб бўлгунча йиртилиб кетишини истамайди. Балки уни жавонларда кўп йиллар ўзбек шоирларининг ижодий тортиғи сифатида қадрлаб сақлайди. Бас шундай экан, сиёсий аҳамияти зўр бўлган бу китобни тузукроқ муқавада чиқариш керак эди. Ўзбекистон Давлат Нашриёти тоқайгача асарларни мана шундай э'тиборсизлик билан нашр қилади!

ЕНГИН МИРЗА